

ISSN 0202-151X

**ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР**



**ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ**

7-1994



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР

1994

7

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год.

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТА.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (*главный редактор*), акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (*зам. главного редактора*), акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, акад. АН Узбекистана Э. Ю. ЮСУПОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Х. Р. РАХМАНКУЛОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (*зам. главного редактора*), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (*ответственный секретарь*).

*Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Телефоны: 32-73-29, 4-83.*

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 1994 г.

Редакторы Ю. Парпиева, И. Ильясова
Технический редактор Л. Тюрина

Регистр. № 114. Сдано в набор 4.10.94. Подписано к печати 28.11.94. Формат 70×108^{1/16}. Бумага типографская. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 6,65. Уч.-изд. л. 7,2. Тираж 483. Заказ 139. Цена 2 с. 50 т.

Издательство «Фан» АН РУз: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Типография Издательства «Фан» АН РУз: 700170, Ташкент, ул. акад. Х. Абдуллаева, 79.

*Посвящается 600-летию со дня рождения
Мирзо Улугбека*

**УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ ОБЪЯВЛЕНИИ 1994 ГОДА ГОДОМ МИРЗО УЛУГБЕКА**

В связи с 600-летием со дня рождения великого узбекского ученого, астронома, математика, физика, архитектора, достойного продолжателя династии Тимуридов, крупного государственного деятеля Мухаммад Тарагая — Улугбека (Мирзо Улугбека):

идя навстречу пожеланиям общественности, принимая во внимание выдающийся вклад ученого в становление и процветание мировой науки, образования и культуры;

учитывая то, что в международном и республиканском масштабах осуществляются мероприятия, проводимые в соответствии с постановлением 27 сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО — организации ООН в области образования, науки и культуры о внесении юбилея Мирзо Улугбека в список мировых ценностей и праздновании этой даты в 1994 году во всем мире;

в целях формирования в душах молодого поколения чувств национальной гордости и патриотизма, поощрения и поддержки стремления молодежи к знаниям, а также содействия развитию науки и техники независимого Узбекистана,

объявить 1994 год годом Мирзо Улугбека.

Президент
Республики Узбекистан
И. КАРИМОВ

*г. Ташкент
19 марта 1994 г.*

А. АХМЕДОВ

ЎРТА АСРЛАРНИНГ БУЮҚ АЛЛОМАСИ

1994 йил 22 март куни ўрта асрларнинг энг буюқ сиймоларидан бири, ватандошимиз Мирзо Улуғбек туғилганига роппа-роса 600 йил тўлди. Шу муносабат билан 1993 йил апрелда Президентимиз И. А. Каримовнинг қарори билан Мирзо Улуғбек 600 йиллик таваллудини ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси тузилди ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов Қўмита раиси этиб таъинланди.

Ундан ташқари Ташкилий Қўмитанинг дирекцияси ва директори сайланди. 1994 йил февралда Улуғбекнинг 600 йиллик таваллудини ўтказиш бўйича махсус қарор қабул қилинди ва 1994 йилни Улуғбек йили деб эълон қилинди. Халқаро жамоатчилик ва мамлакатимиз раҳбариятининг Мирзо Улуғбек таваллудига катта аҳамият беришлари — буюқ олим ва унинг даҳосини тан олинишининг рамзидир.

Улуғбек 1394 йилнинг март ойида Эрон ғарбидаги Султония шаҳрида бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилди. У Шоҳрух Мирзонинг тўнғич ўғли эди. Туғилганда унга Муҳаммад Тарағай исми берилди. Лекин болалигидаёқ у Улуғбек деб атала бошланди, бу атама кейинчалик унинг асосий номи бўлиб қолди.

Улуғбекнинг болалик йиллари бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида ўтди. 1405 йилнинг бошида Хитойга қилинаётган юриш пайтида Темурнинг вафот этиши, сўнгги икки йил давомида унинг авлодлари орасида тахт учун курашга сабаб бўлади. Кураш Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрухнинг ғалабаси билан тугайди. Лекин Шоҳрух ўзига пойтахт қилиб Хиротни танлайди. Мовароуннаҳрни эса пойтахт Самарқанд билан ўғли Улуғбекка топширади. Шундай бўлса ҳам Шоҳрух Эрон ва Туроннинг ягона ҳокони деб ҳисобланарди.

1411 йили Шоҳрух тўнғич ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлайди. Улуғбек 17 ёшида ҳоким бўлиб, бобосидан фарқли ўлароқ ҳарбий юришлар билан қизиқмади, аксинча, у кўпроқ илм-фанларга мойил эди. Лекин, афсуски, Улуғбекнинг бошланғич маълумоти ва мураббий ҳамда устозлари ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. Улуғбек болалик йилларида бувиси Сарой Мулк хоним тарбиясида бўлган. Албатта биз бу аёл ўзининг сеvimли набирасига ўқув-ёзувни ўргатгани, ҳамда тарихий мавзудаги ҳикоя ва эртакларни сўйлаб берганлигини тахмин қилишимиз мумкин. 1405—1411 йилларда амир Шоҳ Малик ёш мирзонинг отабеги бўлган. Лекин у Улуғбекка асосан ҳарбий ва сиёсий тарбия бера олиши мумкин эди. Аммо Улуғбекдаги астрономия ва математикага бўлган юксак иштиёқни бу шахслар уйғотганлиги амри маҳол.

Улуғбекнинг устозларидан бири мунажжим Мавлоно Аҳмад бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, чунки бу киши Темур саройидаги энг йирик олимлардан бўлиб, сайёраларнинг келажак икки юз йиллик тақвимлари жадвалини туза олган. Лекин Улуғбекнинг ўзи кейинчалик

асосий асарин бўлмиш «Зиж»ида фақат Қозизода Румийни «устозим» деб атайдн. Ҳақиқатан ҳам, Қозизода 1360 йилларда туғилган бўлиб, 20—25 ёшларида, яъни Улуғбек туғилмасиданоқ Темурнинг сафига ўтди. Натижада Улуғбек умрининг илк давриданоқ Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби астроном ва математиклар таъсирида улғаяди. Шу сабабли унинг ҳаётида аниқ фанлар муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек йигирма ёшларида ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб шаклланди. Унинг ҳокимлиги давридаги илғор янгиликлар бутун ўрта аср маданияти тарихида улкан аҳамият касб этди.

Улуғбекнинг ходими бўлмиш Ғиёсиддин Жамшид Коший 1417 йили Самарқанддан Кошонга отасига ёзган мактубида Улуғбекнинг фаоллиги ва билимдонлигини қуйидагича таърифлайди: «Оллога ва унинг наъматларига шукроналар бўлсунким, етти иқлимнинг фармонбардори, ислом подшоҳи (яъни Улуғбек — А. А.) донишманд кишидирлар. Мен бу нарсани одоб доираси юзасидан айтаётганим йўқ. Ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони каримнинг аксарият қисмини ёддан билдилар. Тафсилларни ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ақлда сақлайдилар ва ёддан билдилар ва арабчада ғоят яхши ёздилар. Шунингдек у кишим фикрдан анча хабардорлар; мантиқ маъноларининг баёни ва усулларидан ҳам хабардорлар.

У кишим риёзиёт (математика) фанининг барча тармоқларини мукамал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, кунлардан бир кунни отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15—20 сентябр) душанба кунни йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини аниқлашни айтадилар. Шунга кўра отда кетаётиб, ҳаёлий ҳисоб билан Қуёшнинг тақвими ўша кунни бир даража ва икки дақиқа эканлигини топдилар. Кейин отдан тушгач ҳисоб тўғрилигини бу банди бечорадан (Кошийдан — А. А.) сўраб аниқлаб олдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёлий ҳисобда кўп миқдорларни ёдда тутмоқ ва бошқа миқдорларни буларга асосланиб топмоқ керак. Лекин инсоннинг ёдлаш қуввати заифдир ва у даража ва дақиқаларни у қадар аниқ топа олмайди. Инсон бино бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса бу қадар аниқ ҳисоблай олмаган эди.

Қисқа қилиб айтмоқчиманки, у кишим бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришганлар, юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. «Тазкира» ва «Тухфа»дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати қолмайди».

Улуғбекнинг шахсан ўзи илмга қизиққанлиги ва мамлакатининг равнақини кўзлаганлиги туфайли янги усулдаги билим юрти — мактаб ва мадрасалар барпо қилиш қарорига келади. Бу жуда узоқни кўзлаб қилинган қарор бўлиб, у Улуғбек Мовароуннаҳрни бутун мусулмон мамлакатларининг илмий марказига айлантirmoқчи эканлигидан далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, Улуғбек деярли бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда учта мадраса барпо этади.

Самарқанддаги мадраса қурилиши 1417 йили бошланиб, уч йилда қуриб битирилади. Тез орада Улуғбек мадрасага мударрис ва олимларни тўплай бошлайди ва шу тариқа унинг Самарқанддаги астрономик мактаби ташкил топади. Бу мактабнинг асосий мударрислари илмий ишларига қулай шароит ва паноҳ излаб Темур давридаёқ Самарқандга келган Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румий каби олимлар эди. Қозизоданинг маслаҳати билан Улуғбек отасининг мулки Хуросоннинг Кошон шаҳридан Ғиёсиддин Жамшид Кошийни келтиради. Самарқандга Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидан ва Хуросондан тўпланган олимларнинг сони 1417 йилга келиб 100 дан ортиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, рассомлар,

меъморлар бор эди. Лекин астроном ва математика соҳасидаги олимлар шарафлироқ ва обрўлироқ эди. Улар орасида Қозизода билан Коший энг салобатли ва нуфузли эдилар.

1420 йили Самарқанд мадрасасининг тантанали очилиши бўлади. Васифийнинг айтишича, биринчи мударрис этиб Мавлоно Муҳаммад Хавофий тайинланади. Мадраса қурилиши битишига яқин қурилишда иштирок этувчилар Улуғбекдан ким мударрис этиб тайинланади, деб сўрайдилар. Улуғбек жавобида бу лавозимга барча фанлардан хабардор одамни топажанини айтади. Шу ерда гиштлар орасида ифлос кийимда ўтирган Мавлоно Муҳаммад Улуғбекнинг сўзларини эшитиб, шу мансабга ўзи муносиблигини айтади. Улуғбек унга саволат бериб қониқарли жавоб олганидан сўнг унинг билимларидан қаноат ҳосил қилади ва уни ҳаммомга элтиб чўмилтириш ва яхши кийимлар кийдирилишини буюради. Мадраса очилишида Мавлоно Муҳаммад мударрис сифатида биринчи маърузасини ўқийди. Бунда 90 нафар олим ҳозир бўлган бўлса ҳам маърузани фақат Улуғбек билан Қозизода икковлари тушунадилар. Лекин асосий маърузаларни Қозизода, Улуғбек, Коший ва кейинроқ Али Қушчилар ўқийдилар.

Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўғараги Шарқ маданияти ва фани тарихида улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақига, шунингдек кўп халқларни маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бу ерда кўплаб буюк сиймолар шаклланди. Жумладан, Хуросоннинг Жом шаҳрида 1414 йили туғилган бўлажак улкан шоир Жомий Улуғбекнинг Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрди. У бу ерда Қозизода, Улуғбек ва Али Қушчи каби улкан ўзбек олимларининг маърузаларини эшитди ва уларнинг тарбиясида бўлди. Шу тариқа ўзбек олимлари Жомийни шоир сифатида вояга етказдилар.

Улуғбек атрофида тўпланган Самарқанд олимлари катта аҳамият берган энг муҳим йўналишларидан бири астрономия фани эди. Исломдаги энг аввалги астрономик асарлар «Зиж» деб аталиб; улар асосан жадваллардан иборат бўлган. Улуғбекдан аввал ёзилган энг мукамал зижлар Берунийнинг «Қонуни Масъудий»си ва Насириддин Тусийнинг 1256 йили ёзиб, Хулашхонга тақдим этган «Зижн Элхоний» асари асосан хитой ва мўғул анъаналарига асосланган бўлиб, ислом мамлакатлари учун деярли аҳамиятга эга эмас ва илмий жиҳатдан ҳам айтгулик эмас эди. Мовароуннаҳрда эса мўғул истилосидан кейин бирорта зиж бўлмаган эди. Ана шу сабабларга кўра Улуғбек энг аввало астрономик изланишларни йўлга қўйишга интилади. Бунинг учун расадхона барпо этиш керак эди. Бу ҳақда Абутоҳирхўжа бундай хабар қилади:

«Мадрасага асос солинганидан тўрт йил кейин Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Муиниддин Кошонийлар билан маслаҳатлашиб, Кўҳок тепалигида Оби Раҳмат ариғининг бўйида расадхона биносини қурдиради. Унинг атрофида эса баланд ҳужралар барпо этади».

Расадхона қурилиши 1420 йилдан 1429 йилгача давом этади. Расадхона битиши билан астрономик кузатишлар бошланиб кетади. Расадхона билан мадрасанинг биргаликда фаолияти Улуғбек илмий мактабида астрономия ва математикани ўрта асрлар давридаги энг юқори поғонага кўтарди.

Давлат ишлари билан боғлиқ бўлган юриш-кўчишлар, расадхонадаги кузатишлар ва мадрасадаги дарслар Улуғбекнинг кўп вақтини оларди. Ундан ташқари илмий ишларга умумий раҳбарлик қилиш ҳам кўп вақтни талаб қиларди. Шунинг учун бўлса керак, Улуғбекнинг қаламига мансублиги маълум бўлган илмий асарлар сон жиҳатидан кўп эмас — улар тўртта.

Улуғбек илмий меросининг энг асосийси, маълум ва машҳури унинг

«Зижи» бўлиб, бу асар «Зижи Улуғбек», «Зижи жадиди Гурагоний» деб ҳам аталади. «Зиж»дан ташқари унинг қаламига мансуб математик асари — «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», астрономик асар «Рисолаи Улуғбек» (ягона нусхаси Ҳиндистонда Алигарҳ университети кутубхонасида сақланади) ва тарихга доир «Тарихи арбаъ улус» асаридир.

Улуғбек «Зижи» ўз таркибига кўра VIII—IX асрларда бошланган астрономик анъанани давом эттирса ҳам илмий поғонаси уларга нисбатан беқиёс баланд.

Бу асар муқаддима ва тўрт мақоладан иборат. Муқаддиманинг бошида Қуръондан юлдузлар ва сайёраларга тааллуқли оятлар келтирилади. Улуғбек бу билан астрономик кузатишларнинг зарурлигини ғоявий асосламоқчи бўлади. Муқаддиманинг кейинги қисмида Улуғбек ушбу сўзларни битган:

«Сўнг, парвардигор бандаларининг фақиру ҳақири, улардан Аллоҳга энг интилувчиси Улуғбек ибни Шоҳруҳ ибни Темур Гурагон бундай дейди: ... Бу сўзлардан кўринадики, «Зиж»нинг муаллифи Улуғбекнинг ўзи бўлган. Бироқ бу ишда унга ёрдам берганларни Улуғбек қуйидаги сўзлар билан одилона тақдирлайди:

«Ишнинг бошланиши олимлар алломаси, камолат ва ҳикмат байроғини ўрнатган, таҳлили ва таҳқиқ маслакида бўлган Қозизода Румий деб шуҳрат қозонмиш жаноби ҳазрат Мавлоно Салоҳ ал-милла ваддин Мусонинг, унга раҳмат ва гафронлар бўлсун, ва ҳазрат Мавлоно Аъзам, оламдаги ҳукамоларнинг ифтихори, қадимги билимларда мукаммал, масалалар мушкилотларини ҳал этувчи Мавлоно Фиёс ал-милла ваддин Жамшид, Аллоҳ таоло унинг қабрини салқин қилсун, иккинсининг қўллаши ва ёрдамида бўлди...

Аввал бошида ҳазрат мавлоно марҳум Фиёсиддин Жамшид: «Ажибу лоъ Аллоҳ» чақириғини эшитиб, тоат билан ижобат этди ва бу жаҳон дорулғурудан у жаҳон жорулсурурга риҳлат этди. Иш асносида, ҳали бу муҳим асар бажарилиб тугатилмасидан, ҳазрат устоз Қозизода, Аллоҳ таоло уни раҳмат қилсин, парвардигор раҳматига пайваста бўлди.

Бироқ фарзанди аржуманд Али ибни Муҳаммад Қушчи болалик йилларидан фанлар соҳасида илғорлаб боради ва унинг тармоқлари билан машғул. Умид ва ишонч комилки, унинг шуҳрати иншо Аллоҳ, яқин ва тез онларда жаҳон атрофлари ва мамлакатларига тарқалади. Ва бу муҳим китоб тамомила ёзилиб бўлди. Юлдузларнинг сифатларидан кузатилган барча нарсалар имтиҳон қилиниб, бу китобга киритилиб собит этилди».

Бу келтирилган катта парчадан кўринадики, Қозизода Улуғбекнинг устози бўлган ва «Зиж»нинг анча қисми унинг иштирокида ёзилган. Бундан яна шу нарса кўринадики, Улуғбек Самарқанддаги яна бир йирик олим Жамшид Кошийни устоз демайди, балки унинг ёши Румийдан катта бўлгани учун Мавлоно-йи Аъзам дейиш билан чекланади. Ҳақиқатан ҳам, у киши Самарқандга 1416 йили, яъни Улуғбек 22 яшар навқирон йигит ва олим сифатида етилганда келади. Бу даврда у Улуғбекка фақат айрим умумий масалаларда тажрибалироқ маслаҳатчи бўлиши мумкин эди. Ундан ташқари, Коший «Зиж»нинг ёзилишида жуда кам иштирок этади, чунки у «аҳволнинг бошида», яъни расадхонадаги кузатишлар бошланиши биланоқ вафот этади. Бироқ фан тарихидан шу нарса маълумки, Коший «Зиж»нинг назарий қисмини араб тилида таржима этган ва ҳозир бу таржимани нусхалари мавжуд. Демак бундан кўринадики, Улуғбек аввал «Зиж»нинг назарий қисмини ёзган, сўнг жадвалий қисми узоқ кузатишлар натижасида тuzилган. Коший эса назарий қисм ёзилиши билан уни арабчага ағдарган ва жадваллар устида ишлар бошланиши билан вафот этган.

Яна бир диққатга сазовор нарса, бу Улуғбек Али Қушчини «фарзанди аржуманд» дейишидир. Аслида Али Қушчи унинг фарзанди эмас эди. Лекин у Улуғбекнинг шогирди бўлиб, илм соҳасида устозига Абдуллатиф ва Абдулазизлардан, яъни ўз фарзандларидан ҳам содиқ ва вафодор эди. Шунинг учун ҳам Улуғбек уни ўз ўғлидек кўрар эди ва унинг ёрдами билан «Зиж»ни охирига етказди.

Энди «Зиж»нинг мазмуни ҳақида тўхталайлик. Асарнинг биринчи мақоласи (ёки китоби) етти бобдан иборат бўлиб, у эралар ва тавқимлар масалаларига бағишланган. Бу бобларда исломда қўлланиладиган асосий эра — ҳижри эраси, урёний-юноний эраси, «жалоллий» эраси, хитой ва уйғур эраси, форсий-қадимий эраси ва бу эраларда келтирилган саналарни бирдан-бирига мослаштириб кўчириш ҳамда бу эралардаги машҳур кунлар ҳақида баҳс юритилади. Бундан ташқари ушбу мақолада туркий мучал йиллари ҳақида ҳам муфассал баён этилади.

Иккинчи мақола 22 бобдан иборат. У асосан математика ва сферик астрономия масалаларига бағишланган. Иккинчи ва учинчи бобларда ўрта асрлар учун энг аниқ бўлган синуслар ва тангенслар жадваллари келтирилади. Мақоланинг тўртинчи бобида Улуғбек эклиптиканинг (фалакул буруж) осмон экваторига (муъаддалун наҳор) оғиш бурчагининг миқдорини келтиради. Бу ҳақда у бундай дейди: «Бизнинг кузатишимизча энг катта оғиш (яъни эклиптиканинг осмон экваторига оғиши) бурчагини йигирма уч даража ўттиз дақиқа ўн етти сония топдик». Улуғбек топган бу миқдор ўрта асрлар даври учун анча аниқ эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу бурчакнинг миқдори барча давр астрономлари учун катта аҳамиятга эга эди, чунки ёритгичлар ва яшаш жойларининг аниқ координатларини топиш шу бурчак миқдорига боғлиқ эди.

«Зиж»нинг учинчи мақоласи 13 бобдан иборат бўлиб, фақат астрономия масалаларига бағишланган. Бунда Қуёш, Ой ва беш сайёранинг ҳаракатлари ҳақида баҳс юритилади. Асарда келтирилган жадвалларнинг аксарияти шу мақолага тааллуқлидир. Бу жадваллар орасида энг аҳамиятга эга бўлгани 13-бобда келтирилган ва «Турғун юлдузларнинг узунлама ва кенглама бўйича ҳолатларини аниқлаш» деб аталган юлдузлар жадвалидир. Улуғбек «Зиж»нинг бошқа зижлардан фарқини кўрсатиш учун шу ерда мазкур жадвал бошидаги унинг сўзларини келтиради. У айтади:

«Птолемейгача бўлган астрономлар бир минг йигирма икки юлдузнинг ҳолатини аниқладилар. Птолемей эса уларни олтига катталик бўйича тартиблаб, ўз «Алмажистий»сида келтирди. Уларнинг энг каттаси — биринчи катталикда, энг кичиги эса олтинчи катталикдадир. Ҳар бир катталикни у уч қисмга ажратди. Уларни бир-бирдан фарқ қилиш учун қирқ саккиз юлдуз туркумига жойлаштирди. Уларнинг йигирма биттаси фалакул буруждан (эклиптика) шимолда, ўн иккитаси фалакул буружда ва ўн бештаси фалакул буруждан жанубда жойлашади. Бу юлдузлардан айримлари шу юлдуз туркумларининг ўзида, айримлари эса туркумдан ташқарида жойлашади. Бу кейингиларни юлдуз туркумларининг ташқи юлдузлари деб ҳисобланади.

Абдураҳмон Сўфий турғун юлдузларни аниқлаш тўғрисида махсус китоб ёзган, барча кишилар унга мурожаат қиладилар ва уни қабул этадилар.

Биз эса юлдузларнинг осмон куррасидаги ҳолатини кузатишимизга қадар улар ҳақида Абдураҳмоннинг китобидагига асосланардик. Бироқ ўзимиз кузатганимиздан кейин баъзи юлдузларнинг ҳолати унинг китобидагига мос келмаслигини кўрдик. Аллоҳ бизнинг кузатишларимизга таовун берганидан сўнг бу юлдузлар ва бошқа юлдузларнинг ҳолатлари Абдураҳмоннинг айтганига зид эканлигининг шоҳиди бўлдик. Биз бу юлдузларни ўз кузатишимизга мос келган ҳолда куррага

жойлаштирганимизда эса кузатганимизга ҳеч зид келмаганлигини кўрдик. Биз бунга имонмиз. Биз барча юлдуз туркумларидаги юлдузларни кузатдик. Лекин бундан йигирма етти юлдуз мустасно, чунки уларнинг жанубий масофаларининг катталашиши туфайли улар Самарқандда кўринмасди. Бу Самарқанда кўринмайдиган юлдузлардан еттитаси Мижмара («Қурбонгоҳ») юлдуз туркумидан, саккизтаси Сафина («Кема») туркумидан — булар 36 нчи юлдуздан 41 нчигача ва 44, 45 юлдузлар; ўн биттаси Кентаврус («Кентавр») туркумидан — булар 27 нчидан охиригача ва яна битта Сабъ («Хайвон») юлдуз туркумидан — бу 10 нчи юлдуз.

Шу йигирма етти юлдузни биз китобимизга Абдурахмон Сўфий санаси билан келтирамиз. Қолган саккиз юлдуз ҳақида Абдурахмон Сўфий ўз китобида уларни Птолемей кўрган ерда ҳеч қандай юлдуз топмаганлигини айтган. Биз ҳам ҳар қанча ҳаракат қилсак-да ўша жойларда ҳеч қандай юлдузни топмадик. Шунинг учун биз ҳам у саккиз юлдузни бу китобимизда келтирмаймиз. Бу юлдузлар Мумсик ал-аинна («Жилов ушловчи»)нинг 14 нчи, Субънинг 11 нчи юлдузи ва Ҳутдан ташқарида жанубдаги олтита юлдуздир.

Келтирилган парчадан кўринадики, Улуғбекнинг юлдузлар жадвали ўрта асрлар давридаги энг нодир ва мукамал жадвал бўлган. Бу парча Улуғбек расадхонасида юлдузлар глобуси ясалган деган хулосага ҳам олиб келади.

«Зиж»нинг охириги — тўртинчи мақоласи фақат икки бобдан иборат ва у асосан илми нужумга бағишланган.

Улуғбек «Зиж»и ўрта асрлардаги энг мукамал астрономик асар бўлиб, тезда замондошларининг диққатини ўзига жалб этди. Энг аввал, бу асар Самарқандда Улуғбек атрофида тўпланган олимлар ижодига таъсир кўрсатди. «Зиж»да ҳеч қандай назарий дастурлар баён этилмайди ва теоремалар исботланмайди, балки назарий мавқедаги жумлалар қоида тарзида баён қилинади. Шунингдек, муҳим аҳамиятга эга бўлган миқдорлар ва параметрлар «биз шундай топдик» деган ибора билан ҳисобсиз ва исботсиз келтирилади. «Зиж»ни ўрганиш шуни кўрсатадики у фақат амалий қўлланишга мўлжалланган бўлиб, назарий масалаларни баён этишни Улуғбек олдига мақсад қилиб қўймаган. Шунинг учун бўлса керак, «Зиж»ни биринчи бўлиб Самарқанд олимларининг ўзи хусусан Али Қушчи шарҳлаган. Ундан кейинги шарҳларни Мирим Чалабий ва Ҳусайн Биржандий ёзади.

1449 йили Улуғбекнинг фожнали ҳалокатидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетадилар. Улар ўзлари билан борган ерларига Самарқанд олимларининг ютуқларини ва «Зиж»нинг нусхаларини ҳам етказадилар. Хусусан Али Қушчи 1473 йили Истанбулга бориб, у ерда расадхона қуради. Шу тариқа Улуғбек «Зиж»и Туркияда тарқалади ва Туркия орқали Оврупа мамлакатларига ҳам етиб боради.

Ҳозирги кундаги маълумотларга кўра, «Зиж»нинг 100 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд. Урта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва таниқли бўлмаган. «Зиж» мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган ва шарҳланган. Уни шарҳлаган олимлардан қуйидагиларни эслатиш мумкин: Шамсиддин Муҳаммад ибни Абул Фатҳ ас-Сўфий ал-Мисрий (ваф. 1495), Абулқодир ибни Рўёний Лаҳижий (ваф. 1519), Мирим Чалабий (ваф. 1525), Ҳусайн Биржандий (ваф. 1525), Ғиёсиддин Шерозий (ваф. 1542).

Улуғбек «Зиж»и айниқса Ҳиндистон олимларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд олимларининг илмий анъаналарини Ҳиндистонга Бобурнинг ўзи етказган деган маълумот бор. Бобурнинг ворислари ўтмишдаги шоҳларга ўхшаб атрофига олимларни тўплайдилар ва улар-

нинг илмий изланишларига шароит яратадилар. Ҳинд олимлари кўп тарафдан Самарқанд олимларига тақлид қиладилар. Масалан, Шоҳ Жаҳони Аввал замонида Лаҳор ва Деҳлида ишлаган Фаридиддин Масъуд ад-Деҳлавий (ваф. 1629) «Зижи Шоҳ Жаҳоний» номли асар ёзади. Ундаги мақола ва бобларнинг сони худди Улуғбек «Зиж»идагидек ва жадвалларнинг ҳам кўп қисми Улуғбекдан олинган. Йирик ҳинд олими Савай Жай Синх (1630—1743) ҳам ўзининг «Зиж»и Муҳаммадшоҳий» номли асарини Улуғбек «Зиж»ининг катта таъсири остида ёзган. «Зиж»нинг Фарбий Оврупа фанига ҳам таъсири катта бўлди. Умуман олганда Фарбий Оврупа Темур ва унинг фарзандларини, айниқса Улуғбекни XV асрданоқ биларди. Али Қушчининг Истанбулдаги фаолияти туфайли Улуғбекнинг олимлиги ҳақидаги хабар ҳам Оврупага тарқалади.

1638 йили Истанбулга инглиз олими ва шарқшуноси, Оксфорд университетининг профессори Жўн Гривс (1602—1652) келади. Қайтишида у ўзи билан Улуғбек «Зиж»ининг бир нусхасини Англияга олиб кетади. У 1648 йили аввал «Зиж»даги 38 юлдузнинг жадвалини чоп этади. Уша йилнинг ўзида Гривс «Зиж»даги географик жадвални ҳам нашр этади. 1650 йили эса у «Зиж»даги биринчи мақоланинг лотинча таржимасини таржима этади. Гривс 1652 йили мазкур охирги икки йилни қайта нашр этади.

Яна бир инглиз олими ва шарқшуноси Тўмас Ҳайд (1636—1703) «Зиж»даги турғун юлдузлар жадвалини 1665 йили форсча ва лотинчада нашр этади. Шуниси диққатга сазоворки, Ҳайд Гривснинг ишларидан бутунлай беҳабар эди. Демак, «Зиж»нинг нусхалари қандайдир йўллар билан унга ҳам етиб келган.

Ҳайднинг нашридан 15 йил кейин поляк олими Ян Гевелий (1611—1687) Данцигда «Зиж»нинг айрим жадвалларини нашр этади. Бундан кейин XVIII ва XIX асрларда қатор Оврупа олимлари «Зиж»нинг айрим қисмларини нашр этадилар. Француз шарқшуноси Л. А. Сейидо (1808—1876) «Зиж»нинг тўрттала мақолалари олдидаги сўзбошилари ва муқаддимасининг французча таржимасини 1847—1853 йиллар нашр этади. Ва ниҳоят, XX аср бошларида америкалик олим Э. Б. Нобел «Зиж»нинг Англия кутубхоналарида сақланадиган 28 қўлёзмаси асосида юлдузлар жадвалининг инглизча таржимасини нашр этади. (Вашингтон, 1917).

Шундай бўлишига қарамай Улуғбек «Зиж»и умуман олганда тўлиқ равишда ўрганилмаган ва бирор замонавий тилга тўла таржима этилмаган.

Ҳозирги кунда Улуғбекнинг 600 йиллик мавлуди муносабати билан каминна томонидан унинг шоҳ асарининг тўлиқ русча таржимасини мукамал изоҳлар билан нашри тайёрланапти.

Б. АХМЕДОВ

УЛУГБЕК И ЕГО ИСТОРИЧЕСКИЙ ТРУД «ТАРИХ-И АРБА' УЛУС»

Большой вклад Улугбека в историю развития точных наук, особенно в астрономию и математику, получил широкое признание как у нас в стране, так и за ее пределами. Его научное наследие изучается в Европе с XVII в., ему посвящено множество работ (Дж. Гривс, Т. Хайд, Ф. Бейли, Л. Седийо, В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин, Е. Кнобль, Т. Н. Кары-Ниязов и др.). Тем не менее наши знания об Улугбеке и его научном наследии все еще остаются неполными. По сей день не издан полный перевод главного труда ученого — «Зиджи джадиди горагин» («Новая гураганова астрономическая таблица»), не исследованы

многочисленные комментарии к нему, созданные в XV—XVII вв., не изучены отдельные стороны многогранной деятельности Улугбека.

Различные источники средневековья характеризуют Мирзо Улугбека как разностороннего ученого, глубоко знавшего, помимо точных наук, классическую литературу, языковедение, музыку, историю.

Так, под руководством и при непосредственном участии Улугбека написано оригинальное сочинение по истории монгольских государств — «Улус-и арба'» («Четыре улуса»), или «Улуси арба'йи Чингизи» («Четыре улуса Чингизова»), «Тарих-и арба' улус» («История четырех улусов»). Труд пользовался большой известностью, к нему обращались многие выдающиеся историки средневековья. Однако эта сторона деятельности ученого пока мало изучена. Более того, как о самой работе, так и об авторстве Улугбека бытуют превратные суждения. Например, английский ориенталист Майлс, первым из европейских ученых изучивший и издавший сокращенный английский перевод рассматриваемого труда, необоснованно назвал книгу «Шаджарат ат-атрак» («Генеалогия тюрков»)¹, тогда как на последнем листе текста, с которого он перевел, ясно написано: «Эта рукопись — «Улус-и арба'йи Чингизи» и перечисление имен правителей [из] потомков Турк-хана ибн Иафаса ибн Нуха, да будет над ними мир, имена хаканов Туркестан-замина, приведенные в этом трактате, перенесены из сборника, который сочинил Султан ас-Са'ид Улугбек Мирза-йи мученик, да озарит Аллах могилу его, о хаканах четырех улусов»².

В. В. Бартольд, использовавший при написании ряда своих работ («Туркестан в эпоху монгольского нашествия», «Улугбек и его время») это сочинение Улугбека как исторический источник, высказал мнение, что оно не имеет самостоятельного значения. Он указывал: «Сын и преемник Шахруха Улугбек (ум. в 1449 г.) написал «Историю четырех улусов» («Тарих-и арба' улус»), обнимающую, как показывает заглавие, историю всей монгольской империи. Сочинение Улугбека не дошло до нас, но у некоторых авторов мы находим цитаты из него, особенно в «Хабиб ас-сияр» Хондемира. По этим цитатам видно, что история монгольских государств была доведена автором до своего времени, но что автор часто ограничивался приведением имен ханов без сообщения каких-либо подробностей о их царствовании. Поэтому едва ли есть основание особенно жалеть об утрате этой книги»³.

«Приписанный Улугбеку исторический труд, — читаем у В. В. Бартольда в другой работе, — вероятно, представлял бы некоторый интерес как литературный памятник и как материал для исторической критики, но едва ли открытие экземпляра этого труда существенно обогатило бы наши сведения по истории монгольской империи и образовавшихся после ее распада государств»⁴.

Такая оценка, на наш взгляд, объясняется двумя причинами: отсутствием в рукописохранилищах мира полного списка «Тарих-и арба' улус»⁵ и малоизученностью нарративных источников XV—XVII вв. Сочинение Улугбека, как уже отмечалось, знали многие средневековые историки. Один из выдающихся историков периода правления Тимуридов Хондемир (880/1475—941/1534—35) в своем «Хуласат ал-ахбар» и «Хабиб ас-сияр» широко пользовался этим трудом. Девятая макала

¹ The Shajarat ul-Atrak, or Genealogical Tree of the Turks and Tatars/Transl. and abrid. by Glonel Milles. London, 1832. P. 182a.

² Улус-и арба'йи Чингизи. Ркп. Британского Музея. АДД 16190, л. 182a.

³ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия//Соч. Т. I. М., 1963. С. 105.

⁴ Бартольд В. В. Улугбек и его время//Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964. С. 142.

⁵ По утверждению Шефера (Letters...//Journal Asiatique. Serie 4. Vol. XVII. P. 591), две копии полного списка труда хранятся в библиотеках Турции.

в первом и часть первая из третьего джуза во втором сочинении Хондемира, посвященные ханам Туркестана, Чингиз-хану и особенно его потомкам, правившим улусом Чагатая, полностью основаны на «Таварих-и арба' улус».

Труд Улугбека служил первоисточником и многим историкам XVI—XVII вв., в частности автору «Таварих-и гузида, Нусрат-наме»⁶. Создатель труда «Зубдат ал-асар» (первая половина XVI в.) в разделе, посвященном истории тюрко-монгольских народов, также ссылается на «Тарих-и хани», который «... был украшен именем Улугбека мирзы»⁷.

Изучение сочинения известного среднеазиатского ученого-энциклопедиста Махмуда ибн Вали (XVII в.) «Бахр ал-асрар фи манакиб ал-ахйар» («Море тайн относительно доблестей благородных»)⁸ показало, что первая часть (руки) его XV тома, повествующая об истории монгольской империи и образовавшихся после ее распада государствах (Золотая Орда, Улус Чагатая, Хулагуидское государство), по структуре и содержанию совпадает с «Тарих-и арба' улус» Улугбека.

Ценные сведения об Улугбеке-историке оставил и Мирза Мухаммад Хайдар (конец XV — начало XVI в.), у которого мы читаем: «Мудрый Мирза Улугбек написал историю и дал ей название «Улус-и арба»⁹.

Суммируя все сказанное, можно предположить, что «Тарих-и арба' улус», подобно «Джами' ат-таварих» Рашид ад-дина,— коллективный труд, созданный при непосредственном участии и под руководством Улугбека.

Полный список «Тарих-и арба' улус» не сохранился, имеется лишь четыре экземпляра его сокращенной редакции. Два из них находятся в рукописохранилищах Англии (в библиотеке «Индия Оффис» и Британском Музее)¹⁰. Список, принадлежащий библиотеке «Индия Оффис» (Ог 8106), переписан в конце XVIII в., а экземпляр Британского Музея (АДД. 26190), с которого был сделан упомянутый перевод Майлса,— в XIX в. Два других списка хранятся в Банкипуре (Индия; переписан в XVII в.) и в центральной библиотеке Гарвардского университета (США; переписан в конце XVII — начале XVIII в.)¹¹.

В «Тарих-и арба' улус» излагается история четырех государств, возникших сразу же после смерти Чингиз-хана (624/1227).— Улуг юрта (т. е. собственно Монголии и Северного Китая), Улуса Джучи, более известного как Золотая Орда, Улуса Хулагуидов (на территории Ирана и Ирака) под владычеством внука Чингиз-хана Хулагу-хана (654/1256—663/1265) и Улуса Чагатая (район Семиречья, Кашгара и Средней Азии), в XIII — первой половине XIV в.

После пространного традиционного введения, повествующего о до-

⁶ Таварих-и гузида, Нусрат-наме: Исследование, критический текст, аннотированное оглавление А. М. Акрамова. Ташкент, 1967. С. 10—11. Труд Улугбека назван здесь «Мунтахаб ат-таварих-и шахи» («Сокращенная шахская история»).

⁷ Зубдат ал-асар. Ркп. ИВ АН РУз, № 608, л. 86а. Отметим, что и книга «Мукаддима-йи Зафар-наме» Шараф ад-дина Али Йазди, идентичная по плану и содержанию «Тарих-и арба' улус», но значительно уступающая последней в подробности изложения, также основана на официальных хрониках (написанных на монгольском и тюркском языках), которые он называет «Тарих-и хани» (Мукаддима-йи Зафар-наме». Ркп. ИВ АН РУз, инв. № 1520/1, л. 76, 9а.

⁸ Подробно о труде и его авторе см.: Ахмедов Б. А. Махмуд ибн Вали и его энциклопедический труд//Общественные науки в Узбекистане. 1969. № 11. С. 62—65.

⁹ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. Ркп. АН РУз, инв. № 1430, л. 85а.

¹⁰ Согласно Ч. Стори (Персидская литература: Библиографический обзор. Т. II. 778), список Британского Музея является копией списка библиотеки «Индия Оффис».

¹¹ Подробное описание его см.: Афшар И. Нусхаха-йи хатт-и фарси дар китабхана-йи Данишгах-и Харвард нашрийа-йи китабхана-йи марказий-йи Данишгах-и Техран дар бара-йи нусхаха-йи хатти. Т. IV. Техран, 1344/ 1951. С. 1—12.

исламских пророках, Яфасе и его потомках (л. 16—19а), описываются события, связанные с Огуз-ханом, легендарным предком всех тюрков, и его потомками (л. 10а—37а). Затем обстоятельно излагается история Чингиз-хана со времени восшествия его на престол до последних дней (л. 37а—1096).

Несмотря на компилятивность приводимых исторических данных, здесь содержатся ценные сведения, отсутствующие в других нарративных источниках, в том числе у Джувейни и Рашид ад-дина. Например, ни Ибн ал-Асир, ни Джувейни, ни Рашид ад-дин ничего не пишут об оборонительных работах хорезмшаха Ала ад-дина Мухаммада (596/1200—617/1220) в Самарканде накануне монгольского нашествия. А в «Тарих-и арба' улус» приводятся на этот счет любопытные сведения, подтвержденные ныне археологическими раскопками¹². В частности, там говорится, что накануне монгольского нашествия по приказу хорезмшаха 30 тыс. человек были мобилизованы на укрепление крепостных стен города¹³. Возьмем другой пример. Весной 1221 г. монголы захватили и разрушили один из древнейших центров Хорасана — город Балх. Согласно Ибн ал-Асиру, город сдался добровольно и потому Чингиз-хан пощадил его¹⁴. Однако, по словам Джувейни, могущественный хан нарушил свое обещание и разрушил город¹⁵.

Мирза Улугбек описывает эти события иначе. Чингиз-хан не удовлетворил просьбу о помиловании вышедших к нему навстречу балхских сановников на том основании, что они укрывали в городе людей последнего хорезмшаха Джалал ад-дина (617/1220—628/1231)¹⁶.

История Улуг юрта излагается в «Тарих-и арба' улус», начиная с Угедея (624/1227—639/1241) до Урдай-каана, потомка Арик-буги (л. 1106—1176). И здесь мы находим много интересных фактов. Так, повествуется о семнадцати каанах (из двадцати одного), царствовавших в Улуг юрте после смерти Чингиз-хана до Тимура: Угедей-каане, Гуюке, Менгу-каане, Тимур-каане, Хираиде, Кайду, Кушбулай-каане, Туктае, Нуширван-каане, Буку-Тимуре, Йисурдаре, Инка-каане, Анг (или Онг)-каане, Икки-Тимуре, Тайдзи-каане, который бежал к Тимуру в 1398 г. и поступил к нему на службу, Дандардаре и Урдай-каане. Хотя сведения о правлении указанных каанов весьма скудные, однако они имеют немаловажное значение. Улугбек приводит имена большинства правителей Улуг юрта, тогда как Рашид ад-дин, например, называет только пять каанов (Угедея, Гуюка, Менгу, Хубилая и Тимур-каана)¹⁷, а Шараф ад-дин 'Али Йазди — четырнадцать¹⁸.

Значительное место в сочинении Улугбека отведено истории правителей Дашт-и кипчака (Золотой Орды), где правили потомки Джучи, старшего сына Чингиз-хана (л. 1176—128а). Здесь излагается история тридцати девяти ханов Золотой Орды, начиная с Джучи и кончая Мухаммад-ханом, современником султана Шахруха (807/1405—850/1447). Особое значение имеют, на наш взгляд, сведения о возникновении термина «узбек» как этнонима и топонима. На этот счет существует несколько точек зрения¹⁹. По мнению Н. А. Аристова, А. Ю. Якубовского,

¹² Шишкин В. А. Кал'а-и Афрасиаб//Афрасиаб. Вып. I. Ташкент, 1969. С. 136—141.

¹³ Улус-и арба'йи Чингизи, л. 69а.

¹⁴ Тарих-и ал-Камил. Т. XII/Изд. Торьерберга. Лейден, 1853. С. 255.

¹⁵ Тарих-и джаханкушай. Ч. I/Изд. Мирза Мухаммад-хана Казвини. Лейден—Лондон, 1912. С. 103—104.

¹⁶ Улус-и арба'йи Чингиз, л. 83а.

¹⁷ Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т. II. М.; Л., 1960. С. 7—64, 114—122, 128—148, 152—213.

¹⁸ Мукаддима-йи Зафар-наме. Ркп. ИВ АН РУз, № 1520/I, л. 596—62а.

¹⁹ Подробнее об этом см.: Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М., 1965. С. 11—17.

П. П. Иванова, а также зарубежных ученых М. А. Чаплички и Х. Хукем, данный термин берет начало от правителя Золотой Орды Узбек-хана. В. В. Григорьев и А. А. Семенов считают, что узбеками назывались тюрко-монгольские племена Ак-Орды, т. е. восточной части Золотой Орды. Иной точки зрения придерживались Г. Вамбери, Ховорс, Пелльо, предполагавшие, что тюрко-монгольские племена Дашт-и кипчака назывались так из-за своей «вольности».

Изучение первоисточников (Гардизи, Рашид ад-дин, Хамдаллах Казвини, «Аноним Искандера», Хондемир, «Таварих-и гузиде, Нусрат-наме», «Михман-наме-йи Бухара», «Тарих-и Абу-л-Хайр-хани» и др.) показало, что в какой-то степени верны два последних мнения. Термин «узбек» как этноним действительно появился в 60-х годах XIV в. как собирательное имя для всего тюрко-монгольского населения восточной части Дашт-и кипчака, которое не повиновалось правителям Золотой Орды и откололось от нее в начале XIV в. Но из этого вовсе не следует, что узбеки приобрели известность лишь с середины XIV в.

Предки узбеков, казахов, каракалпаков и других тюркских народов уже в глубокой древности жили на заселяемой ими сейчас территории, хотя тогда они еще не назывались узбеками, казахами, каракалпаками. Сведения, изложенные по этому вопросу Улугбеком, сводятся к следующему. Узбек-хан стал царем в Улусе узбеков (712/1312—742/1341). Затем население Дашт-и кипчака было обращено в ислам благодаря усилиям Сайид-ата в 720/1320 г. Принявшие ислам стали называться узбеками, а те, кто не сделал этого, — калмыками. Особого внимания заслуживают те места текста, где говорится, что именовавшиеся узбеками перекочевали на территорию, которую называли арка (тыл), т. е. в Туркестан-замин²⁰.

Отсюда вытекают два вывода. Во-первых, эта территория, т. е. восточная часть Дашт-и кипчака, еще до Узбек-хана называлась Улусом узбеков, а во-вторых, Узбек-хан через 9 лет после восшествия на престол обратил население своего улуса в мусульманство. Следовательно, появление термина «узбек» отодвинулось хронологически лет на пятьдесят и появилось сразу же после раскола Золотой Орды на два самостоятельных государства: Ак-Орду и Кок-Орду.

Небезынтересен и третий раздел труда, посвященный истории иранских ильханов (л. 128а—164а), где описываются политические взаимоотношения государства Ильханидов с Чагатайским улусом, Египтом и др.²¹

Наибольшую ценность представляет четвертая часть труда, где говорится об улусе Чагатая (л. 164б—182а). Как известно, политическая история Мавераннахра, Кашгара и Семиречья после нашествия Чингиз-хана вплоть до Тимура исследована еще мало. Отрывочные сведения, содержащиеся в средневековых нарративных источниках, весьма скудны. В этой связи труд Улугбека, где приводятся имена правивших этим государством двадцати восьми ханов, начиная от Чагатая (624/1227—639/1241) до Туглук-Тимура (760/1359—771/1370) и подставных ханов при Тимуре — Суюргатмышы и Султан Махмуд-хана, и описаны важнейшие события, происходившие в период их правления, чрезвычайно важен. Имеющиеся здесь сведения вкупе с изложенными в «Мукаддима-йи Зафарнаме» Шараф ад-дина 'Али Йазди, «Бахр ал-асрар», Махмуда ибн Вали и другими источниками, а также с материалами археологических раскопок и данными нумизматики, несомненно, позволят воссоздать историю Улуса Чагатая и восполнить пробел в истории Средней Азии и Кашгара.

²⁰ Улус-и арба'йи Чингизи, л. 121б—122а.

²¹ Там же, л. 132а, б, 133а, 145б, 147а, 148б и др.

Таким образом, «Тарих-и арба' улус», несмотря на краткость изложения отдельных исторических событий, содержит очень ценный материал по истории монгольских государств: Улуг юрта, Золотой Орды, государства Хулагуидов и Чагатайского улуса²².

²² К юбилею Улугбека выпущен узбекский перевод «Тарих-и арба' улус». См.: Мирзо Улугбек. Турт улус тарихи//Кириш сўзи Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Б. Аҳмедовники. Таржимонлар: Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасанов. Тошкент, 1994.

Э. В. РТВЕЛАДЗЕ

МОНЕТЫ УЛУГБЕКА

Исследователи неоднократно отмечали отсутствие обобщающих работ о денежном хозяйстве и монетном чекане в государстве Тимура и Тимуридов. Если о монетах Тимура все же появилось, особенно за последнее время, несколько статей (Е. А. Давидович, М. Е. Массон, Э. В. Ртвеладзе, Г. Алиева и др.), то литература о монетах Тимуридов, в частности Улугбека, по-прежнему остается весьма скудной.

По существу единственной аналитической статьей, посвященной обращению медных монет в пору правления Улугбека, остается статья, опубликованная около 30 лет назад знатоком средневековой нумизматики Средней Азии Е. А. Давидович, где она впервые на основании анализа медных монет ряда кладов доказала осуществление Улугбеком денежной реформы 832/1428—29 г., раскрыла ее содержание, определила особенности обращения медных монет при этом правителе и их наименования¹.

Важное значение по-прежнему сохраняет вышедшая более 70 лет назад статья В. В. Бартольда, в которой он исправил чтение легенд на серебряных теньгах с именем Улугбека, предложенных Стенли Лэн-Пулем². Этому английскому востоковеду и нумизмату принадлежит, насколько нам известно, первая публикация серебряных тенег Улугбека в пору его самостоятельного правления с 850/1447 г. по 853/1449 г.³

Этими тремя работами по существу исчерпывается научная литература о монетах Улугбека. В остальных статьях содержатся лишь краткие упоминания о находке в тех или иных местах Средней Азии медных монет Улугбека, в основном 832/1428/29 г., или описание кладов этих монет⁴. Отметим также неизданные лекции основоположника учебного курса нумизматики Средней Азии М. Е. Массона, где дается и характеристика денежного обращения Мавераннахра времени Улугбека.

Как явствует из имеющихся данных, при Улугбеке выпускались серебряные теньги и медные адли. Но если выпуск медных монет в городах Мавераннахра контролировался, вероятно, самим Улугбеком, то в отношении чеканки серебряных монет, эмиссии которых были почти всегда прерогативой верховного правителя, картина несколько иная.

До 850/1447 г.—года смерти Шахруха—на территории Мавераннахра чеканились и обращались серебряные монеты только с именем Шахруха—«теньги Шахрухи», «теньги мискали». Они имели более заниженный вес (4,7—5,5 г), нежели тимуровские теньги (6 г и выше),

¹ Давидович Е. А. Материалы для характеристики денежной реформы Улугбека//Из истории эпохи Улугбека. Ташкент, 1963. С. 274—300.

² Бартольд В. В. Монеты Улугбека//Соч. Т. IV. М., 1966. С. 362—364.

³ Lane-Poole S. Catalogue of oriental coins in the British Museum. Vol. VII. London, 1904. P. 38. N 709 (pl. III); add. II. P. 154. N 109a (pl. XXXI).

⁴ Федоров М. Н. Клад монет Улугбека из Самарканда//Общественные науки в Узбекистане. 1969. № 9. С. 98—99.

и выпускались на более чем сорока монетных дворах обширного государства Шахруха, в том числе в городах Мавераннахра (Бухара, Самарканд, Термез, Хутталь, Хульм, Шахрухия).

Только после смерти Шахруха 12 марта 1447 г. Улугбек, став единоличным правителем Мавераннахра и обладателем престола государства, выпускает первые серебряные теньги со своим именем.

Монеты эти весьма редки. Известны теньги Улугбека, чеканенные в Герате в 852—853/1448—49 г. и Самарканде в 853/1449 г.— т. е. выпускались они, видимо, всего незадолго до смерти Улугбека 25—27 сентября 1449 г. По внешнему виду теньги Улугбека похожи на теньги Шахруха, но отличаются от них рядом существенных признаков.

В частности, на л. ст. их помещена тамга Тимура из трех кружков, а в легенде упомянуто его имя; и то, и другое отсутствовало на монетах Шахруха и других тимуридских правителей, что дало право В. В. Бартольду сказать об Улугбеке: «...Никто из других тимуридов не проявил такого благоговения к памяти основателя династии»⁵.

Усилиями С. Лэн-Пуля, А. К. Маркова, В. Г. Тиценгаузена и особенно В. В. Бартольда была восстановлена легенда на монетах Улугбека. В предложенном В. В. Бартольдом переводе она выглядит так: «Духовным покровительством Тимур-куракана, Улугбек-куракан, мое слово», причем В. Г. Тиценгаузен установил, что встречающееся в легенде «сузим» является тюркским эквивалентом монгольского «угэману» — «слово наше», отмеченного в таком написании на монетах Тимура.

Характерно, что Улугбек, как и его дед Тимур, никогда не именовал себя ханом, а только ханским зятем (куракан), подчеркивая тем самым не генетическое родство с Чингизидами, а лишь семейное — посредством бракосочетания с женщинами из этого рода.

В связи с этим, а также с другими наблюдениями, В. В. Бартольд совершенно справедливо подчеркивает, что, как и его дед, Улугбек во всех своих деяниях, в отличие от Шахруха, сохранял верность монгольским традициям⁶.

Медные монеты Улугбека известны в основном двух годов чеканки: 823/1420 и особенно 832/1428—29, но также 850/1446—47 г. и 852/1448—49 г. Все они — без имени Улугбека, легенды содержат только выпускные сведения: год и место чеканки. Как установила Е. А. Давидович, медные монеты Улугбека именовались «адли»⁷. Эти две группы монет Улугбека разных лет чеканки отличаются друг от друга внешним обликом.

Монеты 825 г. х. имеют на лицевой стороне шестиконечную звезду, внутренняя часть которой заполнена орнаментом, а в шести отсеках между вершинами звезды помещена легенда с указанием места чеканки и ее наименованием; к примеру — «Чекан Самарканда. Адли». На оборотной стороне указан год чеканки — 823 г. х.

На лицевой стороне монет 832 г. х. — круглый картуш, оформленный растительным орнаментом, внутри которого помещено наименование монетного двора, вокруг — легенда, содержащая название монеты и слова «Фулус адлис. Чекан».

На оборотной стороне указано время чеканки с добавлением предлога «в» — «В дату года 832».

Вес монет — от 2,3 до 8,6 г.

Чеканка монет 823 г. х. была децентрализованной и осуществлялась в Бухаре, Карши, Самарканде, Термезе, Шахрисабзе, Шахрухии.

Первоначально чеканка монет 832 г. х. также была децентрализо-

⁵ Бартольд В. В. Указ. соч. С. 364.

⁶ Там же. С. 363.

⁷ Давидович Е. А. Указ. статья. С. 287.

ванной (те же города, а также Андижан), но затем были произведены обмен и изъятие старых монет и осуществлена централизация эмиссии монет на монетном дворе Бухары, где свыше 20 лет велась в больших масштабах чеканка монет, обеспеченных равным общегосударственным обращением. Эти монеты Улугбека ходили еще много лет спустя после его смерти. К примеру, на городище Будрач — средневековом Чаганиане они обращались, как установлено нами, вплоть до начала XVI в.

Таковы вкратце сведения, которыми располагает пока наука в отношении монет Улугбека.

Аммо норозилик зимдан давом этарди. Бинобарин, ҳукмдор Абдуллатиф Мирзога суиқасд ҳозирланмоқда эди. Суиқасд уюштирувчилар Улуғбек Мирзо ва Абдулазиз Мирзонинг навкарлари ва яқин кишилари эди. Улар валинеъматларининг қасосларици олишдек улғувор вазифани ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Абдуллатиф Мирзога қарши тайёрланаётган суиқасддан унинг яқин кишиларидан айримлари хабардор бўлсада, аммо ҳукмдорнинг ғазабидан қўрқиб, айтишга журъат қилмаганлар, ёки умуман «огоҳ» этишни истамаганлар. Абдулатиф Мирзонинг яқин кишиларидан бири, кейинчалик тарихчи Абдураззоқ Самарқандийга, суиқасддан хабардор бўлсада бироқ, ҳукмдорнинг ғазабидан қўрқиб огоҳлантирмаганлиги ҳақид: сўзлаган.

«Тарих-и Абулхайрихоний»нинг муаллифи Масъуд бин Усмон ал Қўҳистонийнинг ҳикоя қилишича, Абдуллатиф Мирзо шаҳар четининг шимолий қисмида жойлашган «Боғи майдон»да, тарихчи Мирхонднинг ёзишича, «Боғи чинор»да айш-ишратга машғул бўлиб, анча кайфи ошиб ухлаб қолган. Шу кеча Абдуллатиф Мирзо уйқуда туш кўради,— деб ҳикоясини давом эттиради Масъуд бин Усмон ал-Қўҳистоний. Тушида унинг олдига номаълум бир киши кириб келиб, қўлидаги усти ҳарир рўмол билан ёпилган лаганни унинг олдига қўяди. Абдуллатиф Мирзо оҳиста қўл чўзиб, лаган устидаги рўмолни кўтарганида ўзининг кесилган бошини кўради ва даҳшатдан қаттиқ қичқириб, уйғониб кетади. Абдуллатиф Мирзо мазкур қўрқинчли туш таъбирини Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сидан топмоқ истагида жовондан мазкур китобни олиб, тўғри келган жойини очади. Очилган варақда қўйидаги байт ёзилган экан:

Падаркуш подишоҳиро нашояд
Ва ғар шояд ба шаш моҳи напояд

яъни «Отасини ўлдирган подшоликка нолайқдир, агар лойиқ бўлса ҳам, олти ойдан ошмайди».

Абдуллатиф Мирзо кўрган тушидан, боз устига унинг таъбиридан кўрқувга тушиб, бу беҳосият боғдан тезроқ жўнаб кетишга ҳаракат қилади. Абдуллатиф Мирзо субҳидамда «Боғи майдон»дан чиқиб, отга миниб шаҳар томон кетаётганида, йўл устида содир бўлган воқеаларни «Тарих-и Абулҳайрихоний» номли асарда қуйидагича тасвирланади:

«Жангу жадалларда Рустами дoston ва Исфандиёрдек бўлгон Бобо Хусайн баҳодир, икки номдор подшоҳ: Улуғбек Кўрагон бирла Мирзо Абдулазиз шаҳид этилгонларидан сўнгра қасд қилуб, бадкирдор Абдуллатиф Мирзонинг хизматига кирдилар ва кеча демайин, кундуз демайин онга тиришиб хизмат қилдилар, аммо қалбида онга кина сақлаб, ул бадкирдорни маҳв этиш ҳаёли билан юрдилар. Бобо Хусайн баҳодир ўша кунни камонни елкага осиб, жонин шу ишга тикди, содиқ навқари бирлан Абдуллатифнинг йўлини пойлади. Шаҳзоданинг навқари Чорраҳа дарбозасидан ташқариға чиқди ва тор кўча бўйлаб йўлга тушди. Кўчанинг бир тарафида жарлик булиб, иккинчи тарафида Боғи Навнинг баланд девори эди. Бобо Хусайн баҳодир ва анинг навқари от устида йўл четидаги катта қайрағоч орқасида пойлаб турдилар. Абдуллатиф аларнинг ёнгинасидан ўтиб кетди, лекин беш-олти қадам ўтгач, Бобо Хусайн баҳодир камонни елкасидан олди ва ани уқлаб шаҳзодани аниқ нишонга олди. Абдуллатиф фақат «Оллоҳ, ўқ тегди» деб айтишга улгурди холос⁵. У отдан қулаб тушди ва шу топдаёқ жон берди. Ўқ анинг чап курагини тешиб ўтиб юрагига қадалгон эркан. Мирзонинг мулозимлари олди-орқасига қарамай тум-тарақай бўлиб қочдилар. Бобо Хусайн баҳодирнинг навқари чопиб бориб, Абдуллатифнинг бошини кесиб олди ва ҳуржунға солди. Падаркуш Абдуллатифнинг бошини шу пайтнинг ўзидаёқ Регистонга олиб бориб, Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйдилар».

Дарҳақиқат, бу воқеа ҳижрий 854 йил рабби ул-аввал ойининг 25-сида, мелодий 1450 йил 9 май кунни содир бўлганди.

Абдуллатиф Мирзонинг фожеали ҳалокатидан сўнг, арқони давлат бирлашиб, Абдулло Мирзони Кўк сарой авахтасидин олиб чиқиб, салтанат тахтига ўтқазиб, подшоҳ деб эълон қилдилар. Абдуллатиф Мирзодан беш ўғил қолади. «Тарихи Қасира»да зикр қилинишича, Абдуллатиф Мирзонинг беш ўғли бўлиб, тўнғичи Абдураззоқ Мирзо, иккинчиси Аҳмад Мирзо, учинчиси Маҳмуд Мирзо, тўртинчиси Муҳаммад Жўки Мирзо ва бешинчиси Муҳаммад Боқи Мирзо эди. Мазкур шаҳзодаларнинг оналари ҳақида маълумот йўқ. Ҳар ҳолда Абдуллатиф Мирзонинг ҳарамида бир эмас, бир неча хотинлари бўлган бўлиши мумкин.

Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг, унинг фарзандларини Ҳиротга Гавҳар Шод бегим ҳузурига жўнатган эдилар. Шаҳзодалар аввал бувилари Гавҳар Шод бегим тарбиясида; кейинчалик Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо саройида мулозиматда эдилар.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, Султон Абусайид Мирзо Хуросон тахтини ҳам ўз тасарруфига киритади. Табиийки, Шоҳруҳ Мирзо авлодига мансуб бўлган шаҳзодалар, Султон Абусайид Мирзога нисбатан адоват ва ҳусумат назари билан қарай бошлайдилар. Бинобарин, Султон Абусайид Мирзо Шоҳруҳ авлодининг Мовароуннаҳр ва Хуросон тахтига бўлган даъволаридан батамом халос бўлиш мақсадида, бир неча шаҳзодаларни, жумладан Абдуллатиф Мирзонинг тўнғич ўғли 17 ёшли Абдураззоқ Мирзони заҳар ичириб, ўлдиртиради. Шундан сўнг Аҳмад Мирзо Балхда қўзғолон кўтаради.

⁵ Масъуд ибн Усмон ал-Қўҳистоний. Тарих-и Абулҳайрихоний. УзР ФА Шарқшунослик инс-ти қўлёзма рақами — 9989. 4076—408а-саҳифалар.

Қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилиб, 16 ёшли Аҳмад Мирзо эса қатл қилинади.

Абдуллатиф Мирзонинг учинчи ўгли Маҳмуд Мирзо укаси Муҳаммад Жўки Мирзо билан биргаликда кўп йиллар давомида Султон Абусайид Мирзога қарши курашади. Ниҳоят, 1463 йилда Маҳмуд Мирзо қўлга олиниб, қатл қилинади.

Муҳаммад Жўки Мирзо Абдуллатиф Мирзонинг тўртинчи ўгли бўлиб, 1447 йилда Ҳиротда туғилган эди. Отаси Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг у ҳам Ҳиротда — Абулқосим Бобур саройида тарбия топиб, 1457 йилда эса Шоҳруҳия, Ахсикент, Тошкент ва Сайрам вилоятларини бошқариш учун юборилган эди. Абулқосим Бобур вафотидан (1457) сўнг Хуросонни Султон Абусайид ўз тасарруфига киритгач, 1458 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо Яссига (Туркистон) — Абулхайрхон ҳузурига кўмак истаб боради. Тарихдан маълумки, 1451 йилда Абулхайрхон Султон Абусайид Мирзонинг Самарқанд тахтига ўтиришига ёрдамлашган ва эвазига Улуғбек Мирзонинг Робия Султон бегим исмли қизини хотинликка олиб кетган эди.

Муҳаммад Жўки Мирзо аммаси туфайли Абулхайрхон ҳузурига берган эди. Абулхайрхон шаҳзодани яхши кутиб олади. Абулхайрхон ўзининг харбий саркардаларидан Бўрка Султон бошчилигида катта қўшинни Муҳаммад Жўки Мирзо ихтиёрига беради. Бўрка Султон қўшинни Могароуннаҳр ҳудудига шиддат билан бостириб кириб, Султон Абусайид Мирзо қўшинини Кармана ёнида мағлубиятга учратади. Шундан сўнг ўзбеклар қўшини Шоҳруҳияни эгаллайди. Муҳаммад Жўки Мирзо ўзбеклар ёрдамида Шоҳруҳия, Ахсикент ва Сайрамни қўлга киритади⁶. Султон Абусайид Мирзо Муҳаммад Жўки Мирзо билан сулҳ тузишдан бошқа иложи қолмади. Муҳаммад Жўки Мирзо гарчи Султон Абусайид Мирзонинг ҳукмронлигини расман тан олмасда, амалда эса номингагина бўйсунарди.

1461 йилда Муҳаммад Жўки Мирзо Султон Абусайид Мирзога қарши бош кўтаради. Қўзғолонга Шоҳруҳиянинг барча аҳолиси қатнашади. Султон қўшинлари шаҳарни қамал қилади. Аммо қамал кўпга чўзилмайди. Султон Абусайид Мирзо қўзғолончилар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. 1461 йил охирида сулҳ тузилади ва шаҳар қамалдан озод қилинади. Аммо кўп ўтмай 1462 йилда шаҳар яна Султон қўшини томонидан қамал қилинади. Қамал бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят, 1463 йил кузида қўзғолончиларнинг талабига мувофиқ, Хўжа Аҳрорни воситачилик учун таклиф қилдилар. Хўжа Аҳрор келиб ҳар икки томонни мурасага келтиради⁷, ҳамда таслим бўлган қўзғолончиларнинг барчасини гуноҳидан ўтиб, уларга зарар етказмасликка Султон Абусайид Мирзони қасамёд қилдиради. Ана шундан сўнг Муҳаммад Жўки Мирзо бошлиқ шаҳар халқи Султонга таслим бўладилар. Султон Абусайид Мирзо ваёда қилган авфи умийини фақат қўзғолон иштирокчиларигагина жорий қилади. Қўзғолон бошлиғи Муҳаммад Жўки Мирзони эса 1464 йил январидан ушлатиб, Ихтиёриддин қалъасининг зиндонига ташлаттиради... Муҳаммад Жўки Мирзо 16 ёшида ўша йили зиндонда вафот этади.

Абдуллатиф Мирзонинг бешинчи ўгли Муҳаммад Боқи Мирзо ёш болалик давридаёқ вафот этган.

Шундай қилиб, Улуғбек Мирзо зурриётига мансуб бўлган авлод, унинг қатлидан 15 йил ўтгач батомом тугайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Улуғбек Мирзонинг Робия Султон исмли қизидан туғилган икки хонзодаларни ҳисобга олмаганда, Абдуллатиф Мирзонинг болаларидан бошқа набиралари йўқ эди.

⁶ Масъуд ибн Усмон ал-Қўҳистоний. Тарихи Абулхайрхоний. ЎзР ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзма рақами — 9989. 4696-саҳифа.

⁷ Бартольд В. В. Соч. Том II. Ч. 2. М., 1964, С. 170.

АЛИ ҚУШЧИ — УЛУҒБЕК МАКТАБИНИНГ ДАВОМЧИСИ

Темурийлар давридаги Мовароуннаҳр фан ва маданияти ҳақида, хусусан, XV аср биринчи ярмида Самарқандда Мирзо Улуғбек раҳбарлигида бунёдга келган фанний мактаб ва маданий қурилишлар ҳақида сўз борар экан, бу мактабнинг энг йирик намояндаларидан бири Али Қушчини ҳам эслаб ўтишимиз лозим бўлади. Бунинг боиси бор: Али Қушчи аввало Улуғбекнинг истеъдодли шогирди, сўнг унинг илмий астрономик изланишларида кўмакдоши ва ҳамкори ҳамда, Улуғбекнинг ўз таъбири билан айтганда, унинг «фарзанди аржуманди», яъни тутинган азиз ўғлидир.

Али Қушчи астрономия, математика, геометрия, фалсафа, илми калом ва ҳоказо аниқ ва ижтимоий фанларнинг йигирмага яқин тармоғи бўйича китоблар, рисоалар, шарҳлар ёзган. Умрининг охирида давр воқеалари тақозоси билан Туркияга бориб қолган ва Самарқанддаги илмий ютуқларнинг Яқин Шарқда, у ердан Европада ҳам машҳур бўлиб кетишига йўл очган. Ана шу сабабларга биноан биз Темурийлар даври маданий ҳаёти, фанний ютуқлари борасида сўзлар эканмииз бунда Али Қушчининг номи ҳам салмоқли ўрин тутати.

Али Қушчининг ҳаёти ҳақида илмий адабиётда ҳозиргача эълон қилинган маълумотлар у қадар кўп эмас. Бунга асосий сабаб, тарихий бош манбаларнинг ўзида ҳам бу ҳақда тафсилотлар камлигидир. Лекин шунга қарамай у фақатгина кейинги даврларда эмас, ҳали ҳаётлигидаёқ ўзига замондош илм аҳллари орасида забардаст олим сифатида танилган. Масалан, машҳур тарихнавис Абдураззоқ Самарқандий «Матлаъи саъдайн» номли асарида уни «замон Батлиймуси» деб улуғлаган; атоқли шоир, мутафаккир адиб Абдурахмон Жомий у билан бўлган суҳбатида катта иззат ва ҳурмат билдирган ва унинг илтимосларини адо этган; тазкиранавис Давлатшоҳ Самарқандий, тарихнавислар Мирхонд ва Хондамир ўз асарларида Али Қушчини Улуғбек давридаги олимларнинг саромадлари даврасида тилга олганлар, «Бадойе ал-вақоийе» асарининг муаллифи Восифий эса, Али Қушчининг «Шарҳи Тажрид» номли фалсафа ва илми каломга оид китоби мадрасаларда кенг ўрганилганлиги ҳақида сўзлаган ва бу соҳадаги илмий баҳслашувларда асосий қўлланма бўлганлигидан хабар берган.

Мана, Али Қушчи даврдан ҳозиргача неча асрлар кечди, лекин олим яратган асарларнинг аксари қўлёзма нусхаларда кўчирилиб, баъзилари муаллиф ёзгани араб ва форс-тожик тилларидан бошқа тилларга таржима қилиниб, бизгача етиб келди.

Али Қушчининг асарлари ўрганилиши билан баробар, улуғ номи ҳам фан ва маданиятимиз тарихидан ўчмас ўрин эгаллади: илмий хизматлари тақдирланар экан, ҳаёти саҳифалари ҳам бир қадар ёритилиб келинди.

Унинг ҳаётига оид маълумотлардан хулоса қилиб айтсак, Али Қушчи,— тўла аталиши бўйича мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Самарқандий ал-Қушчи, 1402 йили Самарқанд шаҳрида таваллуд топди.

Али Қушчининг номи эшитилиши биланоқ, нега унга «Қушчи» лақаби берилган, деган савол туғилади. Тарихий адабиётда бунга икки сабаб кўрсатилган: Али Қушчининг отаси Муҳаммад Темурийлар саройида ов қушларига қаровчи ходимлардан бўлганлиги ёки шикор қилишни яхши кўрган Мирзо Улуғбек овға чиққан вақтларида ўз севиқли шогирди Алоуддин Алига шунқорини бериб қўйиш одати бўлганлиги. Ана шу икки сабабга кўра, бўлажак олим «Қушчи» деб ипуҳрат топиб кетган.

Али Қушчи ёшлик чоғларидаёқ илм ўрганишга катта иштиёқ кўрсатган ва шу туфайли Улуғбекнинг эътиборини ўзига жалб қилиб, унинг раҳбарлигида Самарқандда аниқ фанлар — математика, геометрия, астрономия ва ҳоказолар бўйича таълим олган, ўз замонининг етук олимлари Қозизода Румий, Фиёсуддин Жамшид ҳамда Улуғбек ҳузурида дарс ўтган. Сўнг Али Қушчи Кермон шаҳарига борган, у ерда бир неча йил таҳсил кўргач яна Самарқандга қайтиб келган. Манбаларда қайд қилинишича, у Кермондан Самарқандга қайтиб келганида Улуғбек ундан «сен нима келтирдинг», деб сўрайди. Али Қушчи: мен ашколи қамар (ой шакллари)ни ҳал қилдим»,— деб жавоб беради. Улуғбек «келтир» деб буюрганида, Али Қушчи тик турган ҳолда Кермонда ёзгани «Рисолайи ашкол ал-қамар» номли рисоласини ўлдан ўқиб беради. Али Қушчидаги бундай катта истеъдодни кўрган Улуғбек уни Самарқанд расадхонаси ишларига жалб қилади. Али Қушчи расадхонада аввало Фиёсуддин Жамшид, Қозизода Румийлар билан ишлайди, улар бирин-кетин вафот этгандан сўнг эса «Зижи жадиди Кўрагоний»ни тугаллашда Улуғбекнинг яқин кўмакдоши ва ҳамкори бўлиб қолади.

Мирзо Улуғбек 1449 йили ўз ўғли Абдуллатиф томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. Бу мудҳиш воқеадан сўнг Улуғбекнинг сеvimли шогирди ва илмий ишларда ҳамкори бўлган Али Қушчининг ҳаёти қандай кечди? У Самарқандда қолиб илмий ишлар билан шугулланишга имкон топа олдимиз ёки тез орада бу ердан жўнаб кетдимиз?! Бу саволлар устида кўп тадқиқотчилар ўйлаганлару, лекин бирор-бир аниқ гапни айтган эмаслар. Аксар илмий ишларда Али Қушчи Улуғбек вафотидан кўп ўтмаёқ Самарқанддан кетиб қолганлиги, бир қанча йиллар номаълум жойларда яшаб, 1470 йил атрофида Табризга ва ундан Стамбулга борганлиги айтилади.

Агар биз Али Қушчи ҳаёти йилларини шартли равишда Самарқанд (Мовароуннаҳр) даври ва Стамбул (Туркия) даври деб иккига бўлиб қарасак, Туркия даври илмий адабиётда анча кенг ёритилгану, аммо Мовароуннаҳр даври жуда қисқа баён қилинган. Шу жиҳатдан олинганда олимнинг Самарқанддан кетган йилини аниқлаш масаласи унинг ҳаёти давларини ёритиш борасида анча аҳамиятлидир. Бугина эмас, яна ҳам муҳимроғи Мирзо Улуғбек Самарқандда яратган илмий мактаб унинг фожиали вафотидан кейин ҳам давом этганми, деган саволга ҳам бир қадар тўғри жавоб Али Қушчининг Улуғбекдан кейинги Самарқандда илмий ишларга раҳбарлик қила олувчи олим сифатида шу ерда истиқомат қилганлигига боғлиқдир. Чунончи, XV аср иккинчи ярмида Ҳиротда яшаган тарихнавис Хондамир: Али Қушчи қариган чоғида Рум, яъни Туркия сафарини ихтиёр қилди, лекин кўп ўтмай ўша ерда вафот топганлиги ҳақида хабар келди», деб ёзди. Али Қушчининг замондоши, Абдурахмон Жомийнинг таржимаи ҳолини ёзган Абдулвасе ан-Низомий эса Али Қушчи Ҳиротда Жомий билан суҳбатда бўлганлиги, бу суҳбат асносида Али Қушчи Румга жўнаш тараддудида эканлигини билдирганини ёзади ва Жомийнинг унга айтган: «қариганда ватанни тарк қилиш маслаҳатдан эмас» деган мазмундаги сўзларини келтиради. Бироқ бу сўзлардан ҳали Али Қушчининг Самарқанддан қайси йили жўнаб кетганлиги аниқ англашилмайди, бунинг учун яна ҳам аниқроқ далиллар талаб қилинади. Қуйида диққатингизни жалб қилмоқчи бўлганимиз ҳужжатлар, фикримизча ана шундай далил хизматини ўтай олса керак. Бу ҳужжатларни Абдулвасе ан-Низомийнинг Ҳиротда Жомий билан Али Қушчи ораларида бўлиб ўтган суҳбати ҳақидаги маълумотларига яқин сифатида баҳолаш мумкин. Ҳужжатлар эндигина Ҳусайн Бойқаро ҳузурида давлат ишлари билан шугулланишга бошлаган (1469—1470) Алишер Навоийга Абдурахмон Жомий томонидан ёзилган учта хатдан иборат. Хатларни Навоий ўзининг хатлар тўплами («Мажмуайи муросалоти»)-

га Жомийнинг ўз дастхати ҳолида киритган. Бу тўплам ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади (рақам 2178) ва «Навоий альбоми» номи билан машҳур. Энди хатлар мазмунига тўхталамиз.

Али Қушчиға оид учта хатдан бирида Жомий шундай ёзади (асли форсий тилда: «Эҳтиёжмандлик изҳоридин сўнг арзимиз шулким, жаноб мавлоно Алоуддин Али қай ерга бормасинлар, (жойлардаги амалдорлар) у кишини улуғлаш ва эҳтиром қилишни ўзларига вожиб деб билишлари лозимлиги ҳақида, у кишига тааллуқли нарсаларга ҳеч бىр жиҳатдан дахл қилмасликлари ва уловларини олмасликлари ҳақида бир нишон-ҳужжат берилишини илтимос қиладилар. Утинчимиз шулким, иноят қилиб бу борада саъй кўрсатсалар! Сизга мадад ёр бўлсин! Вассалом! Ал-фақир Абдурахмон Жомий».

Бундан маълум бўладики, Али Қушчи Ҳиротда Жомийнинг воситачилиги орқали ўзига Темурийлар ҳукмдорларидан йўл ҳужжати олишга ҳаракат қилган. Аммо Жомийнинг иккинчи хати мазмунига қараганда, унга бундай ҳужжат берилиши анча кечиккан ва Жомий яна бошқа хат ёзишга мажбур бўлган. Хат мазмуни: «Эҳтиёжмандлик изҳоридан сўнг арзимиз шулким, жаноб мавлоно Али Қушчи илгари арзга етказганимиз ижозат олиш борасида қатъийлик билдирмоқдалар ва ранжиш изҳор қилмоқдалар. Илтимос шулким, иноят кўрсатиб ижозатни тезроқ қўлга киритсалар, Сизга мадад ёр бўлсин! Вассалам!»

Учинчи хат мазмунига қараганда, бу илтимосдан сўнг Али Қушчи Ҳиротдан жўнаб кетиши учун рухсат берилган ва у йўлга тушган, энди эса Жомий Самарқанддан Ҳиротга келиб Али Қушчи изидан кетмоқчи бўлган унинг оила аъзолари ва хеш-ақраболари учун йўл қоғози олиб беришга ўринмоқда: «эҳтиёжмандлик изҳоридан сўнг, арзимиз шулким,— дейди Жомий бу учинчи хатда,— мавлоно Алоуддин Али Қушчининг хеш-ақраболари Самарқанд томондан бу ерга келдилар, у кишининг изидан боришни истайдилар ва йўл нишонига муҳтождирлар. Илтимос шулким, саъй кўрсатсалар, чунки улар (мавлонога) тезроқ етиб олишни истайдилар, Сизга мадад ёр бўлсин! Вассалом!»

Демак, Али Қушчи Ҳиротдан аввало ўзи жўнаб кетган, оила аъзолари ва хеш-ақраболари эса у билан изма-из Самарқанддан Ҳиротга ва бу ердан яна унинг кетидан Табризга жўнаганлар.

Мазкур хатларда, «Навоий альбоми»даги аксар хатлардагидек, тарихсана ва ой-кунлар кўрсатилган эмас, аммо альбомни текстологик жиҳатдан ўрганиш, воқеаларни таққослаш шундай натижа берадики, Жомий ўз хатларини Ҳиротдаги Темурийлар саройига 1469—1470 йиллар орасида ёзган. Демак, Али Қушчи бу вақтгача Самарқанддан кетган эмас, у Улуғбекдан кейин ҳам 20 йил давомида Самарқандда ўз илмий ишлари билан машғул бўлган, мадрасада дарс берган. XV—XVI асрларга оид Самарқанд ҳужжатларидан бирдан англашилишича шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида Хожа Убайдуллоҳ Ахрор мадрасасининг жануб томонида Али Қушчининг уйлари жойлашган. Унинг замондешлари Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандийлар сўзича бу вақтларда Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси яхши ишлаб турган. Демак, Улуғбек яратган фанний-маланий мактаб ўз ҳомийсининг қатл этилишидан кейин ҳам ўз ишини давом эттирган. Бу деган сўз XV аср Самарқанд илмий мактаби маълум ижтимоий, маданий асосларга эга бўлган ва баъзи олимлар айтганидек, тасофий ҳол эмас. Али Қушчи Улуғбек қатл этилгандан кейинроқ қочиб кетган ҳам эмас!

Бпроқ 1469—1470 йилга келиб, Темурий ҳукмдорларидан Султон Абу Саъид вафот этгач Темурий шаҳзодалар орасидаги тахт учун курашлар вақтида Али Қушчи Самарқанддан кетишга мажбур бўлган. У Жомий билан бўлган суҳбатида қайд қилишига қараганда, Самарқанддан кетишига сабаб, бу ерда ўз илмий режаларини амалга оши-

риш учун эди «мураббий» (яъни бирор ҳомийлик қилувчи киши) қолмаганлигидир. Шунга кўра Али Қушчи ўз хеш-ақраболар ва оила аъзолари билан биргаликда Темурий ҳукмдорларнинг расмий рухсати билан Самарқанддан Ҳирот орқали жўнаб кетган. Али Қушчи Ҳиротдан жўнагач қайси шаҳарлар орқали юрганлиги, қаерда қанча вақт истиқомат қилганлиги ҳозирча номаълум. Лекин шуниси аниқки, у 1471 йили оқ қўюнликлар сулоласига мансуб Узун Ҳасаннинг элчиси сифатида ҳозирги Эрон Озарбайжонидаги Табриз шаҳаридан Истанбулга, Туркия султони Муҳаммад II Фотиҳ ҳузурига элчи бўлиб келди. Али Қушчининг ўз замонаси қодир олимларидан эканлигини яхши билган Муҳаммад Фотиҳ уни бутунлай Истанбулга келишга чорлади. Али Қушчи элчилик вазифасини адо этиб бўлгач, 1472 йили Табриздан Истанбулга кўчди ва ўзи билан 200 нафар хеш-ақраболарини ҳам олиб келди, бу келишида Муҳаммад Фотиҳ уни зўр эътибор ва эъзоз-икромлар билан қарши олди. Барча Истанбул олимлари унга пешвоз чиқдилар. 1473 йили Муҳаммад Фотиҳ мазкур Узун Ҳасанга қарши юришида Али Қушчини ҳам бошқа олимлар қаторида ўзи билан сафарга олиб кетди, Истанбулга қайтганидан сўнг эса Али Қушчини Аё Сўфия мадрасасига бош мударрис қилиб тайинлади, унинг ўзига катта маош белгилади, Самарқанддан у билан келган бошқа кишиларга ҳам вазифалар берди. Али Қушчи Истанбулда қисқа вақт ичида бир қанча илмий асарлар ёзди, туркиялик бир олим билан «мадрасалар низоми» (яъни программасини)ни тузди, Фотиҳ жомеини учун бир қуёш соати ясади ва ҳоказо. Бироқ у Истанбулга келганидан икки йилгина вақт ўтгач, 1474 йил 14 декабрда вафот этди. Уни Истанбулдаги Аййуб султон қабристонига дафн этдилар. Турк олими Сухейл Унвернинг аниқлашича Али Қушчи қабри устига қўйилган тош 1815—1819 йилларгача сақланган.

Али Қушчи асарларидан энг муҳим ва машҳурлари (юқорида сўзлаганимиз «Шарҳи Тажрид»дан ташқари), Улуғбекнинг «Зижи султоний Кўрагоний» асарига Али Қушчи томонидан тузилган шарҳ — «Шарҳи Зижи Кўрагоний», Туркия султони Муҳаммад Фотиҳ номи билан аталган математикадан баҳс этувчи «Муҳаммадийя», шу султонга бағишланган астрономияга оид «Фатҳийя», Али Қушчи Кермонда эканида ёзгани «Ҳалли ашколи қамар», «Рисола дар илми ҳайъат» (астрономияга оид рисола) ва бошқа асарлардир.

Бу айтиб ўтилганлар Али Қушчининг фан тарихига муҳим ҳисса бўлиб кирган энг аҳамиятли деб саналиб келаётган асарларидир. Бироқ дунёдаги Шарқ қўлёмалари сақланаётган кутубхоналар каталоглари, энциклопедиялар, Улуғбек ва Али Қушчининг илмий фаолиятига бағишланган тадқиқотлардан маълум бўлишича олимнинг аниқ ва ижтимоий фанларга оид асарлари 30 дан ортиқ ададни ташкил этади. Уларнинг барчаси ҳам ўз соҳаси бўйича етук билим ва чуқур мулоҳазалар эгаси, қайси фандан баҳс этмасин унга янгилликлар киритишга интилан олимнинг ижодий маҳсули деб баҳоланган. Аммо биз хулоса тарзида ушбу шубҳасиз ҳақиқатни айтиб ўтишни лозим топамиз: Али Қушчи қаерга борган бўлмасин ва қандай асарлар ёзмасин, у Темурийлар даврида мавжуд бўлган илмий ва маданий қурилишлар намояндаси сифатида гавдаланди, унинг ёзган асарлари, мадрасаларда ўқитган дарслари — барчаси Али Қушчининг XV аср биринчи ярмидаги Самарқанд илмий мактабда Мирзо Улуғбек раҳбарлигида олган билимларининг натижаси. давоми ва ривожини эди.

МУСУЛМОН ШАРҚИДА ИЛМЛАР ТАСНИФИ ВА УНДА АСТРОНОМИЯНИНГ УРНИ ҲАҚИДА

Маълумки, илмий билиш ривожланиши тарихида, қадимги вақтда барча табиий ва ижтимоий илмлар асосларини ўз ичига олган ягона — фалсафа илми мавжуд бўлган.

Эрамиздан олинги III асрдан бошлаб, яъни Эллинизм даврида баъзи бир илмлар, аввало риёзиёт ва тибб алоҳида илм бўлиб ажраб чиқди. Шу билан бир вақтда қадимги юнон фалсафаси нафақат фалсафий, балки риёзиёт, табиий ва ижтимоий фанларнинг масалаларини қамраб олган натурфилософия сифатида ривожланди.

Ижтимоий ҳаёт, алалхусус инсон ва унга зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаш масалалари илмларни тобора ривожланишига ва янгилари вужудга келишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, илмларни ажралиб янги соҳалар йўналишлари бўйича тараққий этишига олиб келди.

Шарқда илмлар ривожланишининг авж олиши IX асрдан бошланди. Араб халифалигининг тобора кенгайиб бориши, янги мамлакатларни забт этилиши, ислом динини янги минтақаларда тарқатилиши, табиийки, турли илмларни янада ривожланишига олиб келди. Халифаликнинг, айниқса Аббосийлар даврида, пойтахти илм-фан тараққиётининг марказига айланди. Бу ерда бошқа илмлар қаторида самовий жисмлар ҳақидаги фан — илму-н-нужум — астрономия, жумладан унда ишлатиладиган асбоблар, юқорида зикр этилган шароитлар ҳамда денгизда кемалар қатновининг кўпайиши, тижорат, иқтисод, сув манбаларидан фойдаланиш, намоз ўқиш, рамазон ойини аниқлаш ва бошқа бир қатор сабаблар туфайли пайдо бўлди, такомиллашди ва ривожланди.

Барча айтилган шарт-шароитларни мукамал ўрганиш, турли томондан тадқиқ қилишда астрономиянинг ўз навбатида бир қанча шўъбалари бўлган. Булар зижлар ва тақвимлар тузиш, вақтни, ой мавқеларини аниқлаш, мавсумлар, иқлимлар каби илмлардир¹.

Илмларнинг борган сари ривожланиши илмлар таснифини тақозо қилди. Бу эса илмий билиш масалаларини ҳар томонлама ўрганишга катта замин яратди. Антик даврда илмлар таснифи аниқ шакланди² ва бу соҳа таълимотлари қадимги Юнон мутафаккирлари Демокрит, Афлотун ва айниқса Арасту асарларида ишлаб чиқилди³. Улар таълимоти негизда илмлар оддийдан мураккабга, умумийдан яккага ўтиш тартибда жойлашган эди.

Арасту фалсафани назарий, амалий ҳамда ижодий қисмларга ажратади. Биринчи, назарий қисм ўз ичига мантиқ, табиёт, риёзиёт ва илоҳиётни қамраб олади.

Арастуда риёзиёт асосан арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқадан ташкил топган эди.

Шарқда Юнон мутафаккирлари таълимоти ва асарлари, аниқроғи таржималарнинг тарқалиши туфайли ўрта асрлик олимлар уларнинг илмлар таснифи ҳақидаги қарашлари билан ҳам танишдилар.

Илмларни тартибга солиш ва биринчи илмлар таснифларини ишлаб чиқиш Шарқда, биз юқорида зикр этган, IX асрдан бошланди.

Бу таснифларда, гарчи ўзгарган ҳолда бўлса ҳам, Юнонда қабул қилинган шакл асосан сақланиб қолди, яъни фалсафани назарий ва

¹ Бу мақоламиздаги асосий мақсад астрономиянинг илмлар таснифидаги ўрнини кўрсатиш. Шунинг учун биз бу ерда ўрта асрларда астрономия таркибига кирган йиғирмага яқин илм шўъбаси устида тўхтаб ўтирмаймиз.

² Қаранг: Кедров Б. М. Классификация наук. М., 1961, Т. I.

³ Қаранг: Асмус В. Ф. Античная философия. М., 1978.

амалий қисмга ажратиш анъанага айланди. Биз кўриб чиқмоқчи бўлган астрономия Юнон ва Шарқдаги барча таснифларда назарий фассафининг риёзиёт илми таркибига кирган⁴. Риёзиёт эса таснифларда доимо илоҳиёт ва тиббиёт орасида ўртанча илм бўлган.

Назарий фалсафани учга бўлишда ўрта аср олимлари модда (материя)га нисбатан бўладиган муносабатга асосландилар. Масалан, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари») асарида: ... қуйи илм бўлган тиббиёт «элемент ва модда (материя)га эга бўлган нарсаларни ўрганеди»⁵,— дейди. У риёзиётни худди олий илм — илоҳиёт ва қуйи илм — тиббиёт ўртасидаги ўртанча илмдек⁶ ҳисоблайди ва бу илм ўрганувчи мавзу «материяда мавжуд бўлган нарсалар»⁷ объектив борлиқдаги нарсаларга миқдорлар, шакллар, ҳажмлардир. Шундай қилиб, риёзиёт ҳам модда (материя)га боғлиқ бўлган, ҳам боғлиқ бўлмаган нарсаларни ўрганувчи илmdir. Олий — илоҳиёт илми — эса «Элемент ва материядан ташқарида бўладиган нарсаларни ўрганеди»⁸.

Риёзиёт, Сарча олимлар фикрича, бевосита соң, миқдор, шакл, ҳажм, нисбат ва ҳоказоларни ўрганеди ва у асосан тўртта йирик қисмга бўлинади. Бу бўлинишда, кўпгина олимлар таъкидлашларича, риёзиёт илмлари қуйидаги тартибда жойлашади.

Арифметика.
Ҳандаса (геометрия)
Илму-н нуҷум (астрономия)
Муסיқа⁹

Риёзиётнинг бу шаклдаги¹⁰ тартибини Абу Наср ал-Форобий, «Их-

⁴ Шарқдаги илмлар таснифи ҳақида тўлиқроқ маълумотни қаранг: Каримов У. И. Классификация наук по Ибн Синс//Материалы первой Всесоюзной науч. конф. востоковедов. Ташкент, 4—11 июня 1957 г. Ташкент, 1958. С. 981—990; Хайруллаев М. М. Учение Фараби о классификации наук//Докл. первой Среднеазиатской конф. по истории науки и техники. Душанбе, 1967; егo же. Культурное наследие и история философской мысли. Ташкент, 1985; Хайруллаев М. М., Бахадиров Р. М. Абу Абдуллах ал-Хорезми. М., 1986; ва бошқалар.

⁵ Liber Mafatih al-Olum. Auctore Abū Abdallah Mohammed ibn Ahmed ibn Jusuf al-Katib al-Khowarezmi/Ed., indices adjecit G. Van Vloten. Lugduni Batavorum, 1895. (кейини чалик: Мафотиҳ ал-улум). 132 бет. Бу фикр шунингдек бошқа ўрта асрлик олимларда ҳам зикр этилган. Бу ҳақда қаранг: Шамсуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъид ал-Ансорий ал-Ақфоний ас-Саховий. Олий мақсадларга интилувчилар учун қўлланма. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 1458/II рақамли қўлёзмаси. 57а—57б ва 196—736-бетлар (араб тилида); Ибн Халдуно. Муқаддима. Қоҳира, 1322/1904—1905 (араб тилида); Тошкўлпур-зода Аҳмад Афанди. Илмлар ҳолати. Биринчи жилд. Истанбул. 1895. 349-бет (турк тилида); Муҳаммад Али ибн Али ат-Таҳонавий. Илмлар атамаларини тадқиқ қилиш. Истанбул, 1317/1899—1900, 45, 49-бетлар (араб тилида).

⁶ Мафотиҳ ал-улум, 133-бет. Шунингдек қаранг: Олий мақсадларга интилувчилар учун қўлланма, 74в—77б-бетлар; Муқаддима, 478—488-бетлар; Илмлар ҳолати. Биринчи жилд, 402—431-бетлар; Илмлар атамаларини тадқиқ қилиш, 46—48-бетлар.

⁷ Мафотиҳ ал-улум, 132-бет.

⁸ Мафотиҳ ал-улум, 132-бет. Шунингдек қаранг: Муқаддима, 425—476-бетлар; Илмлар ҳолати. Биринчи жилд. 442—747-бетлар. Иккинчи жилд, 3—711-бетлар; Илмлар атамаларини тадқиқ қилиш, 46—48-бетлар.

⁹ Антик Юнон мутафаккирлари Аристоксен (эрамыздан олдинги тахминан 350 йиллар)нинг муסיқавий таълимоти изидан бориб, муסיқани риёзиёт илмлари қаторига киритганлар ва уни «Гармония» деб номлаганлар. Гармонияка деганда улар сонлар муносабати орқали ифода этилган муסיқавий оралиқлар мутаносиблигини назарда тутганлар. Юнон олимларининг анъанаси ўрта аср Шарқ маданиятига таъсир катта бўлганлиги муסיқада ҳам ўз аксини топган.

¹⁰ Риёзиёт таснифда асосан зикр этилган тўрт илмдан иборат бўлган. Аммо унинг алгебра, ҳисоб илми, майдон юзасини ўлчаш илми, оғир юкларни сурши, механика каби кўп бўлимлари ва бўлимчалари ҳали бордир. Биз бу мақоламызда асосан астрономия илми ва унинг илмлар таснифидаги ўрн ҳақида фикр юритганимиз учун уларга тўхтамаймиз.

вон ас-сафо», Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Ҳожи Халифа ва ат-Таҳонавий асарларида учратамиз¹¹.

Ўрта асрларда илмий билиш асосини ташкил этади деган ғояни олға сурган ҳамда барча билимларни эгаллашдан олдин риёзиётни билиш керак деб ҳисоблаган ал-Қиндий фалсафа илм сифатида риёзиёт асосида ташкил топганлигини таъкидлайди¹². Ал-Қиндий риёзиётда авваламбор миқдор билан боғлиқ арифметика ва мусиқани, сўнгра эса сифат билан боғлиқ деб ҳисобланган ҳандаса ва юлдузшуносликни зикр этади¹³. Демак, ал-Қиндийда астрономия риёзиёт илмлари ичида энг сўнги ўринда туради.

Риёзиёт таркибида арифметикани биринчи ўринда деб ҳисоблаган олимлардан Тошкўпри-зода¹⁴ ва Абул Латиф Доғистоний¹⁵ иккинчи ўринга астрономияни қўядилар. Сўнгра эса уларда ҳандаса ва охирида мусиқа келади. Доғистоний ўзининг илмлар таснифида мусиқани муман зикр этмайди.

Яна бир гуруҳ олимлар риёзиёт таркибидаги илмлардан ҳандасани биринчи ўринга қўядилар. Бу ҳолатда ҳам риёзиёт тартибига турлича ёндошиш бор. Ибн Надим, Фахруддин Розий ва Ибн Халдун ҳандасадан сўнг арифметика, мусиқа ва астрономияни баён қилсалар¹⁶, Насириддин Тусий, ал-Макий ва Сочикли-зода эса ҳандасадан кейин арифметика, астрономия ва мусиқани қўядилар¹⁷.

Риёзиётдаги ушбу тартибнинг бошқачароқ кўриниши, яъни иккинчи ўринга астрономияни қўйиш ал-Ансорий ва Ҳожи Халифа асарла-

¹¹ Биз зикр этган биринчи шаклдаги тартиб шарқ олимларининг қуйидаги асарларида баён қилинган: Абу Наср ал-Форобий. Саодатга эришиш рисоласи. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 2385/LVIII рақамли қўлёзмаси (араб тилида); Абу Наср ал-Форобий. Илмлар таснифи (Ихсо ал-улум). Техрон, 1348 (Форс тилида); Ихвон ас-сафо. «Ихвон ас-сафо ва Хуллон ал-вафо» рисоалари. Бомбей, 1887 (араб тилида); Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий. Илмлар калитлари. Лейден, 1895 (араб тилида); Абу Али ибн Сино. Ақлий илмлар қисмлари. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 2385/XXXIX рақамли қўлёзмаси (араб тилида); Ҳожи Халифа. Китоблар ва илмлар номларидан шубҳаларни йўқотиш китоби. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 2537 рақамли қўлёзмаси (араб тилида). Бу асарнинг босма нусхаси Истанбулда 1310/1892—93—1311/1893—94 йилларда икки жилдада чоп этилган: Муҳаммад Али ибн Али ат-Таҳонавий. Илмлар атмаларини тадқиқ қилиш. Истанбул, 1317/1899—1900 (араб тилида).

¹² Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока. Ташкент, 1972. С. 19.

¹³ Ал-Қиндий таснифи унинг «Инсон билимлари таснифи», «Илм мағзи ва унинг таснифи», «Арасту китобларининг сони ва фалсафани эгаллаш учун нимани билиш керак» каби асарларида берилган. Аммо, афсуски, охириги асаридан бошқаси бизгача егиб келмаган. Қаранг: Из философского наследия народов Ближнего и Среднего Востока, С. 18.

¹⁴ Тошкўпри-зода Аҳмад Афанди. Илмлар ҳолати. Икки жилдик. Истанбул, 1895 (турк тилида).

¹⁵ Абул Латиф Доғистоний ал-Аварий. Илмларни билишда юлдузлар ҳаракатининг йўли. Тамирхон, 1910 (араб тилида).

¹⁶ Риёзиётда ҳандасадан сўнг арифметика, мусиқа ва астрономия зикр этилган олимларнинг қуйидаги асарларида баён этилган: Абул Фараж Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим ал-Варроқ ал-Бағдодий. Фихрист. Қоҳира, 1929 (араб тилида); Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн (Фахруддин Розий тахаллуси билан машҳур). Илмлар мажмуъи. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг 415/1 рақамли қўлёзмаси (форс тилида); Абу Зайд Абдул Раҳмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Муқаддима. Қоҳира, 1322/1904—1905 (араб тилида).

¹⁷ Риёзиётда ҳандасадан сўнг арифметика, астрономия ва мусиқа зикр этилган олимларнинг қуйидаги асарларида баён этилган: Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасани Тусий (Насириддин Тусий тахаллуси билан машҳур). Ахлоқи Носирий. ЎР ФА Шарқшунослик институтининг 480/XL/VI рақамли қўлёзмаси (форс тилида); Амир Бахш ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал-Маккий. Илмлар кўзгуси. ЎР ФА Шарқшунослик институтининг 10703/IX рақамли қўлёзмаси (араб тилида); Сочикли-зода Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Маръаший. Илмлар тартиби. Қозон, 1319/1910 (араб тилида);

рида учрайди¹⁸. Улар аввало ҳандаса, сўнгра астрономия, кейин эса арифметика ва муסיқани баён этадилар.

Илмлар таснифига онд яратилган асарлар орасида риёзиёт илмларидан астрономияни биринчи ўринга қўйиш, биз ўрганиб чиққан ўттиздан ортиқ асарлар орасида, фақат ат-Тавҳидийда¹⁹ учрайди. Унда риёзиёт астрономия, арифметика ва ҳандасадан иборат. Унинг муסיқани умуман зикр этмаслигини биз ад-Доғистонийда ҳам учратамиз.

Астрономия, яъни юлдузлар ва уларга тааллуқли илм ҳақида гапирганда, юлдузларга боғлиқ бўлган, яна бир фикрни билдириш лозим деб ҳисоблаймиз. Биз, ўрта асрларда мавжуд бўлган, илм сифатида тан олинган ва ҳозирги кунларда ҳам маълум даражада эътибор бераётган астрология — юлдузлар ҳаракатига қараб инсон ҳаётидаги бўладиган ўзгаришлар ва тақдирини айтиб бериш ҳамда белгилаш илми ҳақидадир. Бизнинг фикримиз астрология шугулланадиган йўналиш, мавзу эмас, балки унинг илмлар таснифидаги ўрни ҳақида.

Биз бу хусусида, тадқиқ қилинган асарларда, уч хил муносабат мавжудлигини аниқладик.

Биринчидан, Абу Наср ал-Форобий, Фахруддин Розий, Насриддин Тусий, Ибн Халдун, Ҳожи Халифа каби олимлар уни астрономиянинг ё қисми, ё бўлаги, ё бўлими деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи ва уни қўлловчи олимлар гуруҳи эса астрономия табиий илмлар тартибига киради деб таъкидлайдилар. Биз бу фикр тарафдорлари сифатида «Ихвон ас-сафо», Ибн Сино, Ғазолий, ал-Ансорий, Тошкўпри-зода, ат-Таҳонавийларни зикр этсак бўлади.

Ва, ниҳоят, бу илмга нисбатан учинчи хил муносабат — баъзи олимлар тарафидан астрология илм сифатида тан олинмай инкор этилишидир. Бундай муносабатдаги олимлар қаторига «Раддияга раддия» муаллифи Ибн Рушд ва Сочиқли-зода киради.

Демак, ўрта асрдаги юлдузлар билан боғлиқ икки илмга муносабат турлича бўлган, яъни бири — астрономия — доимо тўлиқ қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган, иккинчисига — астрология — эса хар хил даражада эътибор берилган.

Илмлар таснифларида риёзиёт илмларининг жойлашини таҳлил қиладиган бўлсак, астрономия илми асосан XV асрдан кейин яшаган Ҳожи Халифа, Тошкўпри-зода, Доғистоний каби олимларда янада юқори поғонага кўтарилганлигини кўраемиз. Бу эса:

— астрономия илмини ривожланиши;

— 829 йилда Бағдодда катта расадхона қурилиши муносабати билан астрономик кузатишлар янада авж олиб кетиши;

— Халифа ал-Маъмун (810—833)²⁰ даврида, яъни Бағдод астрономик мактаби ривожланишининг гуллаган вақтида ўша давр олимлари Синжор текислигида ер меридианининг бир градуси узунлигини ўлчашларида²¹;

— астрономик жадваллар тузилиши;

¹⁸ Шамсуддин Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Саъид ал-Ансорий ал-Акфоний ас-Саҳовий. Олий мақсадларга интилувчилар учун қўлланма. ЎРФА Шарқшунослик институтининг 1458/II рақамли қўлёмаси (араб тилида); Мустафо ибн Абдуллоҳ (Ҳожи Халифа ва Котиб Чалабий тахаллуслари билан машҳур). Китоблар ва илмлар номларидаги шубҳаларни йўқотиш китоби. ЎРФА Шарқшунослик институтининг 2537 рақамли қўлёмаси (араб тилида).

¹⁹ Абу Хаййон ат-Тавҳидий. Илмлар ҳақидаги рисола. Константинополь, 1883 (араб тилида).

²⁰ Халифанинг тахтада ўтирган йиллари «Босворт К. З. Мусулманские династии. М., 1971» китоби асосида берилди.

²¹ Қаранг: Абу Райхан Беруни. Избр. произвед. Т. 3. Ташкент, 1966, С. 210—211.

— астрономияга оид асарлар — «Зижлар» пайдо бўлиши ушбу фанни ўрганишнинг моҳияти ва нақадар зарурлигидан келиб чиқди.

Оврупада узоқ вақт астрономик тадқиқот асослари сифатида Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳамда ал-Фарғоний ва ал-Марвазий жадваллари ишлатилиб келинади.

Урта Осиёда астрономия ўз ривожланишининг энг юқори даражасига XV асрда етди²². Бу даврда ижод этган Улуғбек ва унинг мактаби вакиллари томонидан астрономия илмининг ривожлантирилганлиги астрономияни бошқа илмларга нисбатан салобати ва салмоғи жуда ошиб кетишига олиб келди.

Биз шу кунларда нишонлаётган улуғ сана — Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нафақат Марказий Осиёлик буюк алломаниннг ўзига тааллуқли маросим бўлибгина қолмай, балки умумжаҳон ва умумбашар тараққиётидаги муайян бир соҳа — илму-н-нужум, яъни астрономия илмининг ривожланиш босқичларидан бирига бағишланган катта тантанадир.

Қадриятларимиз тикланаётган ва уларга янада кўпроқ эътибор берилаётган ҳозирги пайт мустақил Ўзбекистонда давр тақозосидир.

Юқорида келтирилган далиллар ва фикрларни мухтасар қилиб умумлаштирадиган бўлсак, инсоният ривожланиши тарихида астрономия шубҳасиз асосий ўришлардан бирини эгаллаганлиги ва уни ривожланишига улкан ҳисса қўшган бобомиз Улуғбекнинг хизматлари буюк эканлигини қайд этиш лозимдир.

²² Қараг: Қары-Ниязов Т. Н. Астрономическая школа Улугбека. М., 1950.

ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

УЛУҒБЕК ДАВРИГА ОИД БАЪЗИ ТАРИХИЙ МАНБАЛАР

Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатларининг XIV—XVI асрлардаги, яъни Темур ва темурийлар давридаги тарихни ёритишда илк манба хизматини ўтайдиган талайгина асарлар фанга маълум. Шунинг учун ҳам ўзининг кўп илмий ишларини Урта Осиё тарихига бағишлаган машҳур олим В. В. Бартольд бу манбаларга тўхталар экан: «Темурийлар даври тадқиқотчиси ушбу даврга оид манбаларнинг камлигидан эмас, балки жуда кўплигидан ҳамда уларнинг турли кутубхоналарда тарққлигидан қийналади» деб ёзган эди¹. Дарҳақиқат, Абу-л-Фазл Муҳаммад Тарагай Улуғбек қурагон замонни, муҳити, унинг буюк олимлиги, давлат арбоблиги ва астрономик мактабини ёритадиган ҳужжат тўпламлари ҳамда бошқа ёдгорликларни ҳисобга олмасак, фақат мукаммал тарихий асар сифатида ёзилган манбалар ҳам катта бир рўйхатни ташкил этади. Қуйида биз учтасига кенгроқ, қолганларига² қисқароқ тўхталиб ўтамиз.

Ғиёсиддин Қошийнинг Самарқанддан Қошонга отасига ёзган мактуби

XIV—XV асрнинг математика ва фалакиёт илмининг буюк алломаларидан бири Жамшид ибн Маъсуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин ал-Қоший кўпроқ Ғиёсиддин ал-Қоший исми билан машҳур эди, Самарқанддаги Улуғбек мактабининг етакчи олими, ўз даврининг математик, табиб ва ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган кошонлик эди. Ғиёсиддин Қошийнинг таваллуд топган йили номаълум. Умрининг асосий қисмини Қошонда ўтказди, риёзиёт ва фалакиёт илмига қизикар, қадимги Греция, Эрон ва ўртаосиёлик машҳур олимларнинг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳ ёзар эди. У табобат фани билан ҳам шуғулланган эди. Ғиёсиддин Қошийнинг ижоди Урта ва Яқин Шарқда шуҳрат қозонди, ҳаётининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказди ва тахминан 1429 йили вафот этди.

Олимнинг қаламига мансуб бўлган мактублардан бири Самарқандда форс тилида ёзилган бўлиб, ўз отасига — Қошонга юборилган. Мактубни 823/1420—824/1421 йилларда ёзилган деб тахмин қилиш мумкин.

Мактуб Ғиёсиддин Қошийнинг отасига йўлланган бўлиб, унинг саволларига жавоб шаклида тузилган. Худди шундай мазмундаги мактубни Ғиёсиддин отасига илгарироқ ҳам йўллаган эди. Лекин у мактубнинг манзилга етганлигига амин бўлмади, уни такроран ёзиб юборади. Мактубда Ғиёсиддиннинг атрофидаги олимлар ҳақида келтирилган батафсил маълумотларга қараганда у Қошондан Самарқандга яқиндагина келган, деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу фикрга унинг Самарқанддаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар энд. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мактуб ёзиш пайтидан олдин Ғиёсиддин у ерда тахминан бир йил яшаган. Олим мактубида мавлоно Бадриддин исмли бир кишини ҳамда ўзларининг чала билимлари билан мактабниб юрган шахсларни ёмонлайди. Ушбу мактубда Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Қошийнинг ўзи ва Самарқанд мактабининг бошқа олимларининг илмий фаолиятларига оид маълумотлари диққатга сазовордир.

Ғиёсиддин Самарқанд Урта Осиёнинг маданий маркази сифатида Қошондан афзаллигини тавсифлайди. Мактубда Улуғбекни кўзга кўринган давлат арбоби ва ҳукмдоргина эмас, балки йирик олим сифатида тасвирлайди: «...Оллоҳга ва унинг неъматларига шукроналар бўлсинким, Ислом подшоҳи донишманд кишидирлар Мен бу нарсани одоб расми юзасидан айтаётганим йўқ.

Ҳақиқат шуки, аввало у кишим Қуръони каримни аксарият қисмини, унинг тафсириларини ва муфассирларнинг ҳар бир оят ҳақидаги сўзларини ёддан биладилар. У ўзининг ҳар бир айтган фикрини тасдиқлаш учун Қуръондан муносоиб оят

¹ Бартольд В. В. Мир Али-Шир и политическая жизнь // Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964. С. 199.

² Асарлар хронологик тартибда келтирилган.

ва соз бўлган ўзлаштирмалар келтиради. Ҳар кун Қуръонни ёддан билган кишилар ҳузурда ундан икки сурасини бирор хатосиз ўқийдилар.

У араб тилининг сарфу наҳвини яхши биладилар. Арабчада ғоят яхши ёзгилар. Шунингдек, у кишим фикрдан анча хабардорлар, мантиқ, адабиёт услубларини ҳамда мусиқа назария асосларини биладилар. У кишим риёзиёт фанининг барча тармоқларини мукаммал эгаллаган ва шундай жиддий маҳорат кўрсатганларки, кунлардан бир кун отда кетаётиб, 818 йил ражаб ойининг ўнинчи ва ўн бешинчи кунлари орасидаги (мелодий 1415 йил 15—20 сентябр) душанба кунини йил мавсумининг қайси кунига муносиб келишини топмоқчи бўлганлар. Шунга кўра, у отда кетаётиб, ҳаёлий ҳисоб билан Қуёшнинг тақвими градуслар ва дақиқаларгача ёддан ҳисоблаб чиқди ва отдан тушгач, ҳисоб тўғрилигини бу бандан бечора (Ғиёсиддин Қошӣ)дан сўраб аниқлаб олдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаёлий ҳисобда айрим сонларни ёдда тутмоқ ва бошқа миқдорларни буларга асосланиб топмоқ керак. Лекин инсоннинг ёдлаш қуввати заифдир ва у даража ва дақиқаларни у қадар аниқ топа олмайди ва фақат градуслар билангина чекланади.

Инсон били бўлганидан бери шу кунгача ҳали ҳеч кимса бу қадар аниқ ҳисоблай олмаган эди. Қисқа қилиб айтмоқчиманки, у кишим бу фан соҳасида ғоят катта маҳоратга эришганлар, юлдузшуносликка тааллуқли амалларни яхши бажарадилар ва чуқур далиллар билан худди керагидек исботлайдилар. Носириддин «Тазкира» сийдан ва «Тухфа»дан шу қадар зўр дарс ўтадиларки, уларга ҳеч қандай қўшимча қилишниёт ҳожати қолмади.

...Ҳар доим бир неча кун орасида Улугбек дарсларда қатнашадилар ва шу чоғларда риёзиёт бўйича сабаблар ўтказишни афзалроқ деб кўрадилар. ...Ҳазрати олимлари мазкур ҳалданни сийдириб, каминангиз (Ғиёсиддин Қошӣ) таклиф қилган «Фаҳр секстанти» каби бошқа бир асбоби ясашни буюрдилар. Расадхонанинг янги биноси мана шунинг таклифларини бўйича қурилиши буюрилди»³.

Улугбек мадрасаларда ва саройда ўтказиладиган катта илмий анжуманлардаги баҳсларнинг фаол қатнашчиси эди. Ушбу маълумотларни келтириш мумкин бўлган билан Улугбекнинг устози Қозизода Румийнинг исми тилга олинади.

Мактубдан кўриниб турибдики, Улугбек аниқ илмий муаммолар билан шуғулланар, Қозизода ва Ғиёсиддин эса у билан доимо муомалада бўлар эдилар.

Улугбекнинг риёзий фанларга илтиқли бўлгани туфайли Қозизода уларга алоҳида эътибор билан қарар эдилар. У 814/1411—1412 й. Маҳмуд б. Умар ал-Жаминий (тоғо Чагиний)нинг (тахм. 1344/1345 йили вафот этган) «Ал-мулаххас фи-л-хай'а»—«Астрономияга оид қисқартма»⁴ асарига ва 818/1412—1413 йили эса XIII асрнинг иккинчи ярмидаги самарқандлик математик ва астроном Шамсиддин Муҳаммад Самарқандийнинг «Ашқал ат-та'сис»—«Асосланган таклифлар» номли асарларга ўз шарҳларини туздилар.

Ғиёсиддин ўз мактубида Улугбек мадрасада тўплаган олимларнинг ичиде Қозизода Румийнинг энг маърифатли олим деб ажратиб кўрсатади. Бошқа олимларнинг исмини Ғиёсиддин кўпинча эслатиб ўтмайди, фақат бир неча марта Самарқандда энг машҳур олимлар—фанининг деярли ҳамма соҳасидан кўп мударрислар, шунингдек, астрономлар ва ҳисобловчилар йиғилишганлигини таъкидлаб ўтади.

Ғиёсиддиннинг таъкидлашича, Мароғи расадхонасида мавжуд бўлган «Фаҳри секстант» асбобининг вазифаси нимадан иборатлигини атрофдаги олимларнинг биронтаси билмаган ва гўё Улугбек у (Ғиёсиддин)нинг тушунчасига асосланиб расадхонанинг биносини қуришга қарор қилди.

Ғиёсиддин келтирган баъзи мулоҳазалар кишини ҳайратда қолдиришига қарамай, мактубда Улугбекнинг астрономик мактаби тарихини ўрганиш учун талайгина муҳим маълумотлар мавжуд. Масалан, Ғиёсиддин Улугбек фикрдан ажойиб билимларга эгаллигини эслатиб ўтади. Шу вақтга қадар бу тўғрисида олимлар орасида шубҳа юрар эди.

Тасодифан эмасдир, Алоаддин ал-Бухорий 850/1447 й. Абу Ханифа ан-Нўман б. Сабит б. Зуга (150/767 й. вафот этган)нинг асарига ёзган «Шарҳ ала ал-фиқҳ ал-акбар»—«Буюк фикҳ»га ёзилган Шарҳини Улугбекга бағишлади⁵.

Ғиёсиддин шунини эслатиб ўтадики, Абу Райҳон Берунийнинг (973 йили туғилган) «Қонун-и Мас'уд» асари Улугбек ва унинг атрофидаги ҳамкорлари Қозизода Румий, Ғиёсиддин Қошӣ ва бошқалар учун доим керак бўлиб турадиган китоб эди. Ушбу маълумотлар Самарқанд мактаби буюк олимининг мероси билан узлуксиз боғланганлигини далилдир.

Мактубда расадхонанинг деворига ўрнатилган қуёш нуридан фойдаланишга мослаштирилган соат ҳақида маълумот келтирилади. Гарчи Улугбек асарларида

³ Письмо Гийас ад-Дина Каши к своему отцу, С. 45—49.

⁴ Казин-З аде Руми. Комментарий на «Компендий астрономин» Чагиния/ Предисловие, перевод с арабского языка и примечание чл.-кор. АН РУз П. Г. Бултакова. Ташкент, 1993.

⁵ Уз ФАнинг Шарқшунослик институти қўлёмаси. Инв. № 4817.

шу нарсага тўғридан-тўғри кўрсатма берилмаган бўлса ҳам, ушбу маълумот Т. Н. Қори-Ниезийнинг тахминини тасдиқлайди⁶.

Шундай қилиб, Гиесиддиннинг мактуби — Улуғбек расадхонасида ишлатилган астрономик асбоб-ускуналар бўйича бой манба бўлиб, шундай асбоблар мавжудлигини археологик қазинмалар асосида қилинган тахминни қисман бўлса-да ҳужжат асосида тасдиқлайди. Мактубда келтирилган мазмунга бой махсус астрономик маълумотлар уни оригинал илмий рисолага яқинлаштиради ва унда Улуғбек ва унинг атрофидаги олимлар ҳақида келтирилган батафсил маълумотлар ҳужжатнинг асл нусхалигида ҳар хил тахминларни инкор этади.

Д. Ю. Юсупова. Письмо Гийас ад-Дина Қаша к своему отцу из Самарканды в Кашан. // Из истории науки эпохи Улуғбека. Ташкент: Фан. 1979. С. 37—64.

«Ажойиб ал-мақдур» фи тарихи Таймур» — «Темур тарихида тақдир ажойиботлари»

Асарнинг муаллифи XIV—XV асрларда яшаб ижод қилган араб тарихнависи Ибн Арабшоҳ. Асар 1436 йилда ёзилган бўлиб, 1437 йилдан сўнг унга айрим қўшимчалар киритилган. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмидаги Урта Осиё ва Урта Шарқ мамлакатлари тарихига доир муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асарнинг муаллифи 1401—1408 йилларда Самарқандда яшаганда олган таассуротлари ҳамда Мовароуннаҳрдан жўнаб кетгач, илгарироқ Темур томонидан забт этилган бир қанча шаҳар ва мамлакатларда саёҳатда бўлиб, у жойларда кўрган ва эшитганлари, шунингдек, муаллиф замонадорларининг ҳикоялари тарзидаги аниқ маълумотларга асосланиб ёзилиши унинг ишончли тарихий манба эканлигидан далолат беради.

Ўз даврининг етук тарихнависи, адиби, шоири ва фикҳ олими сифатида машҳур бўлган Ибн Арабшоҳнинг қаламига ўндан ортиқ тарихий-адабий асарлар мансуб.

Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ал-мақдур»и деярли ярим асрлик давр воқеаларини ўз ичига олган ва кўп сонли «зикр» (баён)лардан иборат. Ушбу зикрларда келтирилган тарихий маълумотларнинг аксар қисмини шунинг воқеалар ташкил этса-да: ўша давр ҳаётининг бошқа томонларига доир кўпгина аниқ маълумотлар учрайди. Масалан, Ибн Арабшоҳ асари ўша пайтда бўлган базмлар, тўю тантаналар ҳақида ҳам маълум даражада тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Жумладан, муаллиф «Ажойиб ал-мақдур»да келтирилган Улуғбекнинг никоҳ тўйига бағишлаб ўтказилган тантаналар васфи бунга яққол мисол бўла олади. Шу пайтда Самарқандда яшаган Ибн Арабшоҳ, шубҳасиз, бу тантаналарнинг шоҳиди бўлиб, ўз кўрганларини жонли ва мароқли тарзда ҳикоя қилади⁷. Муаллиф келтирилган маълумотлар феодал ҳокимларнинг дабдабали ҳаёт кечириб, айш-ишрат суришларини яққол ифодалайди. Дарҳақиқат, вақт-вақти билан ўтказилиб турилган маросимлар бир томондан, ҳоким синфлар шон-шухратиини намойиш қилишга қаратилган бўлса, иккинчидан меҳнаткаш халқ оммасининг иштирок этиши билан бу тантаналар оммавий тус олган. Муаллиф баёнча: «... Кейин у ўғли Шоҳрухнинг фарзанди, ўзининг зийрак набираси Улуғбекни уйлантиришга киришди. ... Темур Самарқанд аҳлига зеби зийнатга ўралишни улар устидан жабру ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловлардан озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю кичик, юқориқуйи (табақали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилч яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларини ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида, бир мўлда жойлашган Конгил деб аталадиган жойга чиқишларини амр қилди. У жойнинг ҳавоси мушкдан ҳам соф, суви қанддан ҳам ширин бўлиб, гўё бу (жойлар) жаннат бўстонидан (бўлиб олинган) бир қитъа, жаннат мутасаддийси Ризвои ундан гафлатда қолган. ... Темур аскарлари гаржи мавж ураётган денгиз мисоли бўлса-да ушбу бўстонда гўё қайбир томонда адашиб юрган Бану Исроил (яхудийлар) га ўхшайди. Сўнгра Темур подшоҳлар, султонлар, тожу тахтлар эгалари бўлган устунларга боққа чиқиб, унда ёйиллиларини амр қилди. ... Кейин Темур амр қилди: унинг суродилларини бу яшнаган макон маркази қилиб қўйдиларки, гўё у ушбу айланаётган фалаклар» доирасининг (марказий) нуқтаси бўлди...

...«Темурдан кейин унинг пушти камаридан бўлган болаларидан Амроншоҳ, юқорида зикр қилиб ўтилганидек, уни Қаро Юсуф ўлдирди ва шу кунларда ҳокимиятида турган Шоҳрух ва Сулаймоншоҳнинг хотини Султон Бахт деб аталадиган қиз бўлиб, у (Бахт) ўзини эркакча тутиб, уларни хуш кўрмасди. Бу, Самарқандга

⁶ Қары-Ниязов Т. Н. Астрономическая школа Улуғбека // Избр. труды: в 8-ми т. Т. VI. Ташкент, 1967. С. 149.

⁷ Уша асар. 119-бет.

⁸ Бу ҳақда яна қаранг: Белецкий А. М. Из истории участия ремесленников в городских празднествах в Средней Азии в XIV—XV вв. во владениях Тимура // Труды отдела Востока Гос. Эрмитажа. Т. II. М., 1940. С. 196—197.

келган Бағдод аёлларининг таъсири остида бузилганидан бўлиб, унинг (Бахтнинг) хунук ҳикоятлари бордир. Темур набираларининг кўпчилиги, фақат Шоҳрух болаларидан бошқалари инкирозга учради. Набираларининг энг кўзга кўринган Самарқанд ҳоқими Улуғбек, Шероз ҳоқими Иброҳим Султон, Кермон ҳоқими Бойсунқур эди. Булар иккаласи ҳам 838/1434—1435 йилда вафот этди ва Жўқий, қайсики у Қора Юсуф ўғли Искандарга қарши юриш қилган ва Қорайлук ўлгандан кейин уни (Искандарни) майда-майда қилди. Бу воқеалар 839/июль 1435—июнь 1436 йилнинг ойларида бўлиб, унинг ўзи шу йилнинг охирида вафот топди»⁹.

Ибн Арабшоҳ. Ажонб ал-мақдур фи тарихи Тамур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. Тошкент: Меҳнат, 1992. 1-китоб, 326-бет; 2-китоб, 191-бет.

«Тазкират уш-шуаро» — «Шоирлар бўстони»

Муаллифи—Давлатшоҳ Самарқандийнинг отаси Алоуддавла ибн Бахтишоҳ ал-Ғозий Мирзо Шоҳрухнинг кўзга кўринган амирларидан эди. Амир ўғлининг таҳсилига жиддий эътибор берди. Уни атоқли олим ва шоир Фазлуллоҳ Самарқандийга шоғирдликка топширди. Лекин ёш Давлатшоҳ 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмай, сарой хизматчиси ҳамда ҳарбий киши бўлиб қолди. У дастлаб Абу Саъид, сўнгра Султон Ҳусайн Бойқаро олиб борган аксарий урушларда қатнашди. Беҳуда ўтган умрига афсус чекиб, кейинчалик надомат билан деди: «Мен осийбанда йигитлик хангомини, фазл касб этиш айёмини жаҳолат ва батолатда поёнига етказдим. Абдий хизматнинг сармоси эрмиш уч кунлик умри беҳуда ўтказдим. Бир вақт ҳисоб-китоб қилиб, ҳаёт рўзномасига назар ташласам, қимматбаҳо умрим карвони гумроҳлик биёбониди эллик манзилига босиб ўтибди...» Давлатшоҳ бу гапларни мазкур «Тазкират уш-шуаро» асари аввалида, демаски, уни ёза бошлаган вақтда, таҳминан 1485 йилда айтган. Уша вақтда у эллик ёшда бўлса, 1435—1436 йилги олимнинг таваллуд санаси деб ҳисоблаш мумкин. Давлатшоҳ Самарқандий олтинчи йилча умр кўрган ва «Мирот ус-сафо»-- «Поклик ойнаси» муаллифи Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сиддиқ Нишопурийнинг (XVII—XVIII) маълумотига кўра, 1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, ўздан илгари ўтган шоир ва олимлар ҳақида китоб ёзишга киришадди. «Тазкират уш-шуаро» 892/1486 йили битказилган ва жуда катта давр—қарийб беш аср мобайнида яшаб ижод этган бир юз эллик нафэр шоир ва адиб фаолиятини тадқиқ қабзасига олган. Асар муқаддима, хотима ва етти табақа (қисм)дан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, шунингдек, классик араб шоирлардан Мутанаббий (915—965), Абу Аъло ал-Маррий (973—1058), Лабид (XII аср) ва бошқалар (ҳаммаси бўлиб ўн шоир), китобнинг қолган етти қисмида X—XV асрларда Урта Осиё, Эрон ва Ироқда яшаб ижод этган шоир адиблар, хотимада эса мазкур таъзира муаллифи билан замондош олти йирик шоир фузало—Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Афзалиддин Муҳаммад, Амир Аҳмад Суҳайлий, Хўжа Шаҳобиддин Абдулла Марварид ҳамда хожа Осафий ҳақида маълумотлар келтирган.

Давлатшоҳ ўз асарида XIV—XV асрнинг йирик шоирларидан бири Хўжа Исматулло Бухорий (1365—1426) ҳақида гап юртар экан, Улуғбекни ҳам тилга олиб бундай дейди: Хўжа Исматнинг ошиқона газаллари, орифона сўзлари Шоҳруҳ Султон замонида шу қадар зўр шухрат топдики, халқ бошқа шоирлар шеърларини қўлга олмай қўйди... Аммо хожа Исмат олам подшоҳи Улуғбек курагон ҳукмронлиги даврида ҳокимларни мадҳ этмоқни тарк этди. Номи зикр этилган султон ундан шеър айтишни ёлвориб сўради. (Шунинг учун) заруратдан ул ҳазрат маҳдида бир неча қасида ёзди. Охири шеър ёзмай қўйди. (Шундай бўлса ҳам) унинг шарофатли мажлиси шоирлар тилаги ва фозиллар тўпланадиган жой бўлиб қолди. Мавлоно Бисотий Самарқандий, мавлоно Хаёлий Бухорий, мавлоно Бурундук, хожа Рустам Хурёний ва Тоҳир Абивардий... хожа Исмат бирлан суҳбатдошу асрдош ақобир ва шоирлар жумласидандирлар. Хожа Исматнинг вафоти Улуғбек курагон замонида 829/1426 йили содир бўлган...

Аммо... олим, одил, ғолиб (ва) ҳимматли подшоҳ Улуғбек курагон... юлдузлар илмида Мажистий кушо¹⁰ эрди. Фозиллар ҳокимларнинг яқдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки (Искандар) Зулқарнайн замонидан шу дамгача Улуғбек курагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган. У риёзиёт илмини шу даража эгаллаган эрдик: замонасининг (улкан) олимлари, чунончи уламолар ва ҳокимлар фаҳри Қозизода Румий ҳақида Ғиёсиддин Жамшид билан биргаликда юлдузлар илмига расад боғлади. (Лекин) замонасининг бу икки улуг олими расад охирига етмай туриб вафот этдилар ва султон (Улуғбек) бор ҳимматини бу ишга охирига етказмоққа сарф қилди. Расаднинг қолган қисмини мирзонинг ўзи поёнига

⁹ Ушбу парчаларни У. Уватов таржимасидан келтирдик (Ибн Арабшоҳ. Ажонб ал-мақдур). 1-китоб. 304—307-бетлар; 2-китоб. 84-бет.

¹⁰ Мажистий — Қадимги юнон олими Клавдий Птолемейнинг (II аср) астрономияга оид ўн уч китобдан иборат «Альмагест» асарининг арабча номланиши.

етказди, «Зижи султоний»ни кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади. Букуи бу эиж ҳақлмлар наздида муътабар ва амалдадир. Баъзи (олим)лар уни «Зижи Насири Элхоний»дан¹¹ ортиқ кўрадилар.

(Улуғбек кўрагон) Самарқандда бир олий мадраса ҳам бино қилдиким, бе-заги, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаш итги иқлимда ҳам йўқдир. Шу кунларда у олий мадрасада юздан ортиқ талаба ўқиб, истиқомат қилмоқда.

У отаси Шоҳруҳ баҳодир ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Мовароуннаҳрни қирқ йил мустақил идора этди. Султон Улуғбек салтанатни бошқариш, адлу инсофда мақбул йул тутар эди. Айтишларича, унинг даврида тўрт харвор ҳосил берадиган бир жариб¹² ердан мол ва хирож учун тўрт донак фулус¹³ солиқ олганлар. Бу бир донак кумуш дирҳамга¹⁴ тенгдир...

Ҳикоят: Мирзо Улуғбек фаросати ҳам хотирасининг қуввати шу даражада эдиким, ҳар жойда бирон жониворга ўқ отиб, ов қилса, бу тарихни эслаб қолар, воқеа қайси кунни, қаерда содир бўлганлигини, жониворлардан қайсилари овланганлигини дафтарга битиб кўяр эди. Тасодифан ўша дафтар ғойиб бўлди ва қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақловчилар саросимага тушдилар. Подшоҳ деди: «Ташвиш тортманглар, мен дафтарга ёзилган (гап)ларни бошдан-оёқ ёд биламан». (Шундан кейин) подшоҳ котибларни чақиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, аввалги (йўқолган) дафтар топилди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар. Онҳазрат истедоди, ўткир зеҳни борасидаги бундай нақллар кўпдир.

Ҳикоят: Маърифатли шайх Озарий¹⁵, унга таърифининг раҳмати бўлсин, (бундай) деган: «Мен 800/1398 йили Қорабоғда, улуғ амир Темур қиссахони — тоғам билан эдим. Улуғбек мирзо хизматига тайинландим. Ўша вақтда ҳали ёш бола эдим ва бир неча йил гўдаклик шодлигини шахзода билан ўтказдим. У билан бирга ўйнар, нақлу ҳикоятлар айтар эдим. У мен билан яқин дўст ва ўртоқ бўлиб қолди. 852/1448 йили мазкур подшоҳ Хуросонни забт этди ва Исфаронга келиб тушди. Ешлик ўтиб, қариб қолган эдим. Ўрнимдан туриб, Шоҳ ҳузурига бордим. Мени узоқдан фақир тақводор либосида кўрди. Салом-алиқдан кейин сўради: «Эй, дарвиш, сен эски ҳамсуҳбатимиз кўринасан, қиссахонимизнинг жияни эмасмисан?» Шоҳнинг ўткир зеҳни, фаросату пок идрокдан лол қолиб, дедим: «Ҳа, жаноблари қиссахоннинг жияниман». Улуғбек Қорабоғда айтилган ҳикоятлар, Гуржистон газоти ҳамда Озарбайжон ажойиботларини ўртага солди. Мен ёдимда қолганларини айтиб бердим».

Шоҳруҳ Султон вафотидан сўнг, Мирзо Улуғбек мерос қолган мулкни талаб қилиб, Мовароуннаҳрдан Хуросонга лашкар тортди. Амирзода Алоуддавла унга қаршилик кўрсатди. Бодғиста қарашли Тарноб деган жойда сўқишдилар. Улуғбек кўрагон ғалаба қозониб, тамом Хуросонни қўлга киритди. (Ўша пайтда) унинг тўқсон минг лашкари бор эди. Бу уруш ва талашларда Хуросон харобага айланди. Ўша вайронагарчилик асарлари ҳалигача бор.

852 йил рамазон ойи/1448 йил ноябрь ойида Улуғбек кўрагон Хуросонни забт этиш билан машғул экан, Абулхайрхон¹⁶ Самарқандни қамал қилди. Улуғбек султон лашкарлари ўлжа кўлигидан, уни (тезроқ) ўз юртларига етказиш пайига тушиб қолдилар ва гуруҳ-туруҳ тарқалиб кета бердилар. (Бундай шароитда) мирзо Улуғбек (Мовароуннаҳрга) қайтишдан ўзга чора топмади. У Ироқ юриши билан банд эди, Жуйинга қарашли Оби Равшан сувининг кўпригидан ўтиб, орқага қайтди.

Шу аснода пойтахт Ҳиротга қарашли Нерату қалъасида қамоқда ётган Қора Юсуф туркманнинг ўғли Амир Ерали банддан қутилиб, Ҳиротга ҳужум қилди ва уни эгаллади. Бу воқеа Улуғбек кўрагон толенининг ластлашувига сабаб бўлди.

(Улуғбек мирзо) Балх ва унга қарашли ерларни ўғли Абдуллатифга бериб, ўзи Жайхундан ўтди. (Улуғбек) кичик ўғли Абдулазизни (кўпроқ) эъзозлагани ва ҳурматлагани туфайлидан, Абдуллатифни шайтон йўлдан уриб, отасига осийлик этди, унга қарши исён кўтарди. Улуғбек кўрагон уч ой мобайнида Жайхун бўйида Абдуллатиф билан уруш қилди. Шу тобда Туркистон туркларидан аргун қабиласи бахтиёр султон Абу Саъидни подшоҳ кўтарди. Улар Улуғбек ўрдасини ташлаб, Самарқанд томон юрдилар ва уни қамал қилдилар. Бу ҳол Улуғбекни яна ҳам шоширди. Натижада, Самарқандни ихтиёр этиб, орқага қайтишга мажбур эди. Бу орада Абдуллатиф ҳам Жайхундан ўтиб, Самарқандга юрди... 853 йил шаъбон/1449 йил сентябрь-октябрь ойида Самарқанд ёнидаги ота-бола урушида Абдуллатиф ғолиб

¹¹ «Зижи Насири Элхоний» — улкан қомусий олим Насириддин Тусий (1201—1274) томонидан Мароға (Озарбайжон) обсерваториясида қарийб ўн икки йил олиб борилган кузатишлар натижасида ёзилган астрономияга оид асар (1271 йили битказилган).

¹² Жариб — тахминан, бир танобга тенг ер ўлчови

¹³ Донак фулус — донак — бирор нарса (масалан, динорнинг) олтидан бир қисми, бир таноб ҳажмидаги ер. Фулус — майда мис чақа.

¹⁴ Дирҳам — уч грамм оғирликдаги кумуш танга

¹⁵ Шайх Озарий ҳақида тўлароқ қаранг: Давлатшоҳ Самарқандий. Шоҳрлар бўстони. 157—160-бетлар.

¹⁶ Абулхайрхон Шайбоний — XV асрда кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солган тарихий шахс (1428—1468).

келди. Улуғбек мирзо Самарқанд қалъасидан паноҳ топмоқчи эди, лекин ўзи бошини силаган (амир)лардан Мироншоҳ қовчин ҳаромнамаклик қилиб, қалъага киритмади. (Шундан кейин) у ноилж Туркистон томонга қочди. Абдуллатиф Самарқанд тахтини эгаллади. Гумашталари Шоҳруҳия (қалъаси)га ҳам киритмаганларидан кейин, Улуғбек кўрагон Абулхайрон ҳузурига ёлвориб боришни ўйлади. Аммо ота билан фарзанд ўртасида шафқат бўлиши лозимлигини андиша қилиб, бемурувват фарзанди олдиға — Самарқандга келди. Мазкур йилнинг рамазон ойи/1449 йил октябрь эди... Ул бадбахт бошда отага иззату икром кўрсатиб, кўнглини олди. Аммо уни яна шайтон йўлдан уриб, дилида отани ўлдириш ҳирсини уйғотди. Самарқанд ёнидаги Оби Сабух бўйида ул олиму одил подшоһи шахид этдилар. Орадан етти ой ўтмай, ажал жаллоди ундан ҳам интиқом олди. (Абдуллатиф) нима эккан бўлса, шунни ўрди. Албатта, золимлар аҳволи оқибати шундайдир.

Шоҳ бўлмас отани ўлдирган одам,
Ошмас олти ойдан, агар бўлса ҳам.

Аммо, буюк олим, башарият муаллими Фахриддин Розий¹⁷... «Хадонқ ул-анвор» — «Нурлар боғи» китобида айтибдурким, қадим подшолар хонадонидан ҳеч ким Шеруя¹⁸ ибн Парвиз ибн Хурмузд ибн Ануширвон ибн Кубод ибн Феруз ибн Язднжерд ибн Баҳром Гўрдан Гўрдан олижаноброқ подшоҳ бўлмаган. Баҳром (Гўр) ота томонидан Ардашер Попоконга, Ардашер ўз навбатида Афридунга, Афридун эса Қаюмарга бориб уланади. Уша олижаноб шахзода (Шеруя) тубан бир иш қилиб кўйиб, отасини ўлдирган. (Лекин), етти ой ўтмасдан, ўзи ҳам вабога учраб, жаҳаннам йўлини тутган. (Яна) аббосий халифалари хонадонидан Мустансир ибн Мутаваккил¹⁹... ҳам аслзода подшоҳ ўтмаган... Аммо у (Мустанхир) ҳам отасини ўлдирган ва олти ойга етмасдан (тахтдан тушиб) олий насабига фахр бўлолмай қолган. Абдуллатиф ибн Улуғбек ибн Шоҳруҳ ибн Темур кўрагон... нинг аҳволи ҳам худди шундай. Бу бахтиқаро шахзода ёшлигида Шоҳруҳ тарбиясида ўсди. Шоҳруҳ султон уни бошқа барча авлодидан ортиқроқ суярди. Шунақа эъзозу икром, шону шуҳрати бўла туриб, шу қадар бахтиқароликким, унинг зикри юқорида ўтди...

Мирзо Улуғбек кўрагоннинг азиз умри эллик саккиз йил бўлди. Хуросонда отасидан сўнг саккиз ой, отаси подшо эканида Самарқандда қирқ йил ҳукмронлик қилди.

Бир азиз мана бу таърихни Мирзо Улуғбек вафотига айтган:

Чун Улуғбек илму ҳикмат денгизи,
Ки набийлар динига ҳам бўлди пушт.
Тотди шахидлик болни Аббосдин,
Шул сабаб ҳарф тарихи — «Аббос қушт»²⁰.

Мавлонан муаззам Алоуддин Шошийким, илми ҳикматда замонасининг яктоси эди, машоихдан хожа Ҳасан Аттор... ва шоирлардан хожа Исмадулло Бухорий билан Камол Бадахший... Мирзо Улуғбекнинг шарофатли даврида майдонга чиққан олимлар, тариқат машоихларию шоирлар жумласидандир²¹.

Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони («Газкират уш—шуаро»дан). Форс-тожик тилидан Бўриной Аҳмедов таржимаи. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 3, 146—152-бетлар.

«Рўзнома-йи газовот-и Ҳиндистон» — «Ҳиндистонга (қилинган) юришининг кундалик дафтари»

Муаллиф—Ғиёсиддин Али. Асар 801/1399 й. тузилган, Темур жанглари тарихини кенг ёритади. Шу жумладан, муаллифнинг маълумотига қараганда, Темур Ҳиндистонга қилган юришидан Сарой Мулк-хонумни ва энг севимли набираси—Улуғбекни Ҳиндистоннинг иссиқ ҳавосини назарда тутиб йўлдан Самарқандга қайтариб юборди²², 1399 йилнинг 29-мартида Улуғбек ўз бувиси билан Амударё соҳилида Темурни кутиб олдилар²³.

¹⁷ Фахриддин Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн ар-Розий (1210 йил вафот этган) улкан қомусий олим.

¹⁸ Шеруя — сосонийлар сулоласига (Эрон) мансуб Хусрав II нинг невараси. 628 йил отаси Кубод I ни ўлдириб тахтни эгаллаган.

¹⁹ Мустансир ибн Мутаваккил (861—862) ҳам отасини ўлдириб тахтни эгаллаган, лекин олти ойдан ўтмай ўзи ҳам ўлган.

²⁰ «Аббос қушт» — сўзларидаги ҳарфлардан (араб алифбоси бўйича) абжад ҳисобида 853/1449 рақами, яъни Улуғбекнинг ўлдирилган йили келиб чиқади.

²¹ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони, 146—152-бетлар.

²² Гияс ад-Дин Али. Дневник похода. С. 67—68.

²³ Уша ерда. 184-бет.

Гияс ад-Дин Али. Дневник похода Темура в Индию. Перевод с перс., предисловие и примечания А. А. Семенова. М., 1958.

«Тарих-и арбаъ улус» — «Тўрт улус тарихи»

Асар Мирзо Улуғбекнинг илмий раҳбарлиги ва шахсан иштирокида яратилган ва 1425 йили ёзиб тамомланган.

Асар ҳақида батафсил қарањ Ушбу сон, Б. Аҳмедовнинг мақоласи ва Хондамирнинг «Хулосат ул-ахбор» ва «Хабиб ас-сияр», Мирзо Муҳаммад Дуғлотнинг «Тарих-и Рашидий» ва Маҳмуд б. Валининг «Баҳр ул-асрор» асарлари ҳақида бизнинг мақоламиз.

Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Бўрибой Аҳмедов, Наим Норкулов ва Маҳмуд Ҳасанийлар таржимаси, Тошкент: Чўлпон. 1994.

«Мужмали Фасихий» — «Фасихийнинг (тарихлардан) тўплами»

Муаллиф — Фасих Аҳмад б. Жалолиддин Муҳаммад Ҳавофий 1375 йилнинг 28 сентябрида Ҳиротда туғилган. У шу ерда таълим-тарбия олди. 1405 йили давлат ишларига жалб этилиб, Самарқандга юборилди. 1415 йилгача нуфузли амирлардан Алоуддин Али Тархон (1417 йилда вафот этган) хизматига бўлади, сўнгра Шохрух Мирзо сарой ишларига жалб этилди. Ҳаётининг сўнги йилларини Шохрухнинг ўғли Бойсунқор Баҳодирхон саройида ўтказди. 1425 йили Бойсунқор уни девонлик мансабига тайинлади. Бироқ кўп вақт ўтмай темурийлар саройидаги хизматдан бутунлай четлаштирилди ва у ўзининг бизга маълум бўлган бирдан-бир асари — «Мужмали ут-таворих»ни ёзишга киришди ва 1442 йил уни ёзиб тугатди. Асарнинг охириги қисми мазмунан оригинал бўлиб, унда Урта ва Марказий Осиёда содир бўлган сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг тарихнавис назарида муҳим кўринган барча томонларини йилма-йил кўрсатиб берилган ишончли манба. Жумладан, Улуғбекнинг туғилиши, унга ҳукмронликка топширилган жойлар, ҳарбий юришлари ва жанглари, ака-укалари, фарзандлари, Самарқанд ва Ҳиротдаги отаси билан бўлган учрашувлари, онаси билан боғланган воқеалар ва расадхонада олиб борилган ишлар (астрономик жадвали тузилиши) ҳақида маълумотлар мавжуд.

Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Ю. Юсуповой. Ташкент: Фан, 1980.

«Зижи жадиди Кўрагоний» — «Улуғбек Кўрагонийнинг астрономик жадвали»

Ушбу асар олимнинг кўп йиллик илмий изланишларининг 1444 й. яратилган асосий маҳсули. Асар ҳақида батафсилроқ маълумотларни қ: шу сонда А. Аҳмедов ва А. Ё. Вильданованинг мақолалари.

«Матлам саъдайн ва мажмаи ал-бахрайн» «Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»

Муаллиф — Камолиддин Абдураззоқ б. Жалолиддин Исоқ Самарқандий (Ҳиротда 816/1413 й. туғилган; 887/1482 й. вафот этган). Кўп вақт Самарқандда яшанганлиги туфайли Самарқандий нисба билан машҳур эди.

Асар 872/1467—1468—874/1469—1470 йиллар мобайнида ёзилган, 875/1470 й. Абдураззоқ Самарқандий ўз асарини давом эттирди. Унда асосан Шохрух ва Султон Абу Сайд (855/1451—873/1469) даврида содир бўлган сиёсий ҳамда шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий характерли воқеалар тўғрисида баён этилади.

Асар Темур ва темурийлар даврида Урта Осиё, Эрон ва Афғонистонда содир бўлган воқеалар тарихини ўрганиш учун қимматли маълумотларга бой. Жумладан, Улуғбекнинг сиёсий ва ижодий ҳаётига тегишли муҳим маълумотлар келтирилган.

Абдураззоқ Самарқандий. Матлам саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, I-қ. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли лугатлар А. Уринбоевники. Тошкент. 1969.

«Мажмуан мурасалот» — «Хатлар тўплами»

Ушбу тўпланда машҳур шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг (1492 й. вафот этган) 337 дастхати мавжуд. Шу жумладан 3 таси Али Қушчининг ҳаётига тегишли. Улар ҳақида батафсил қ: А. Уринбоевнинг мақоласи.

Письма — автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Навои»/Введение, перевод, примечания и указатели А. Урунбаева. Ташкент: Фан, 1992.

«Мажолисун нафоис»

Муаллиф—Алишер Навоий, асосан 1490—1491 йилда ёзилган, 1498 йилда эса Алишер Навоийнинг ўзи томонидан унга янгиликлар киритилган, яъни асарнинг иккинчи редакцияси бажарилган. Тазкира саккиз бўлимдан иборат бўлиб, Навоий уларни «мажлислар» деб атайдди. Буларга Навоий 459 нафар шоир, ёзувчи ва олим ҳақида маълумот беради.

Навоий Улуғбек ҳақида тўхталар экан, унинг доншмандлиги: риёзиётда билими чуқурлиги, «Зиж» ҳатталигини билдириб, унинг даврида яшаб ижод қилган Мавлоно Бадахший шоир ва Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган Хўжа Хўрд ҳақида гап юритади²⁴.

Алишер Навоий. Мажолисун нафоис. Илмий танқидий текст. Тайёрловчи, Суйиша Ганиева. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент, 1961.

«Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр» — «Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси»

Муаллифи — Ҳирот тарихчиси Хондамир (тўла исми Ғиёсуддин Муҳаммад ибн Хўжа Хумомуддин ибн Хўжа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳонуддин).

Хондамир 878/1473—881/1476 йиллар орасида Ҳирот шаҳрида туғилган ва ўша ерда таълим олган бўлса керак, деб тахмин қилинади. У тезда тарих, адабиёт ва иншон пухта эғаллаб, ўз замонасининг йирик олими сифатида машҳур бўлди.

Хондамир олтинчи уч йил умр кўрди ва ана шу вақт ичида тахминан ўн учта асар ёзган, бизгача саккизтаси етиб келган, «Хулосат ул-ахбор» шулар жумласидандир. Асар 904/1498—1499—905/1499—1500 йиллар орасида ёзилган ва Алишер Навоийга бағишланган; Одам Атодан Султон Ҳусайн ҳукмронлиги (яъни иккинчи марта тахтга ўтирган 875/1471 йили)гача умумий тарихни касб этади ва кириш қисм, муқаддима, 10 боб (мақола) ва хулосадан иборат.

Асарнинг 9- (Мўғуллар ҳақида) ва қисман 10- (Темур ва темурийлар) бобларини ёзишда муаллиф бир қатор ўзидан илгари ўтган тарихнависларнинг асарларидан фойдаланган. Масалан, Туркистон подшоҳлари Чигатойлар тарихи (XIII—XIV аср ўртаси), муаллиф ўзи таъкидлашига қараганда, «Тарих-и арба' улус» асоида ёзилган.

«Хулосат ул-ахбор»да ушбу асарни Хондамир «Рисола» деб номлайди ва унинг муаллифини эса Улуғбек деб айтади²⁵.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, инв. № 2209, в 345а—382б; 382б—468б.

«Хабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар» — «Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржиман ҳоли»

Хондамирнинг энг йирик асари 927/1520—1521—930/1523—1524 йиллар мобайнида ёзилган ва вазир Қаримуддин Хўжа Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланган, номи ҳам қисман шу вазир номи билан боғланган. Қитобда қадим замондан то 930/1524 йилга қадар Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Урта Осиёда содир бўлган воқеалар қаламга олинган.

Асар муқаддима, кириш қисм, уч жилд, ҳар бири тўрт қисм (жуз) ва хулоса (ихтирам)дан иборат. Асарнинг учинчи жилди — энг катта қисми мўғуллар, темурийлар ва Шоҳ Исмоил тарихини ўз ичига олган. Ушбу жилднинг биринчи қисмида Чигатой улусида ҳукмронлик қилган Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи ёритилган. Худди шу қисмини ёзишда муаллиф «Тарих-и арба' улус»дан тўла фойдаланган ва «Хулосат ул-ахбор»да «Улуғбек унинг муаллифи» деган фикрни тузатиб, ушбу асар Улуғбекнинг раҳбарлигида ёзилган деб таъкидлаб ўтади.

Хондамир Улуғбек ва Али Қушчи орасида бўлган дўстона муносабатлар ҳақида гап юритиб туриб «... Мавлоно Али умрининг охирида Рум мамлақатида бўлиб қолган, у ерда оғир касалга дучор бўлган ва вафот этган»²⁶ дейди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Улуғбекнинг ушбу асари бизгача қисқартма тарзида етиб келган, шунинг учун «Хулосат ул-ахбор», «Хабиб ус-сияр»нинг мазкур

²⁴ Мажолисун нафоис, 24, 174, 182, 199-бетлар.

²⁵ Хондамир. Хулосат ул-ахбор, в. 382 б.

²⁶ Хабیب ас-сияр. III-ж., 3-қ. 61-бет.

қисмларини ва «Тарихи-и арба» улус»ни бизгача етиб келган ҳолда бир-бири билан солиштириб ўрганиш шарқшуносларнинг янги вазифаси деб биламиз.

Тарих-и Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод башар, та'лиф Ғиёсуддин ибн Ҳумо-муддин ул-Ҳусайни ба муқаддима-йи ба қалами ақон Жалолуддин Ҳумоий, ж. III. Техрон нашри. 1954; Бомбай, 1857.

«Зубдат ал-асар» — «Асарлар қаймоғи»

Муаллиф—Абдаллоҳ б. Муҳаммад б. Али Насраллоҳи. Асар 931/1525 йилдан кейин ёзилган ва мусулмон мамлакатлари тарихини дунё яратилишидан то 931/1525 йилга қадар ўз ичига қамраган ва ўн бир бўлим (фасл)га бўлинган.

Муаллиф X ва XI бўлимларини, яъни турк мўғул халқлари тарихини баён этар экан «Мирзо Улуғбекнинг номи билан зийнатланган «Тарих-и хоний» асарига таяндим» деб айтади (в. 86 а—б). Бу ерда гап шубҳасиз «Тарих-и арба» улус», аниқроғи, унинг биринчи қисми ҳақида бораётганга ўхшайди.

Ўз ФАнинг Шарқшунослик институти қўлёзмалари, инв. № 5368, 608.

«Бобурнома»

Муаллиф—Заҳриддин Муҳаммад Бобур (888/1483 й. Андижонда туғилган; 937/1530 й. вафот этган). Асарда XIV асрнинг охири XV асрнинг бошидаги Урта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган, 1494—1503 йилларда содир бўлган воқеалар ҳақида гап юритилади, ҳамда Фарғона ва Мовароуннаҳр-нинг қисқа жўғрофий очерки берилган (шу жумладан, Улуғбек Самарқандда барпо этган «уриллишлар (мачитлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва боғлар) ва бўлган жой-лари ҳақида маълумотлар келтирилган).

Заҳриддин Мухаммад Бобур. Бобур-наме. Записки Бабура. Перевод М. Салье. Примечание к переводу М. Салье и Д. Г. Вороновского, Ташкент, 1956.

«Тарих-и Рашидий» — «Рашидий солномаси»

Муаллиф—Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, кўпроқ уни Мирзо Ҳайдар деб аташади (905/1499—1500 й. Тошкентда туғилган; 958/1551 й. Қашмирда ўлдирилган), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг холаваччаси, кўза кўринган муаррихлардан бири, давлат арбоби; дуглот қабиласи аслзодалар насабига тегишли эди. Чиғатой улуси-нинг вилоятларидан бирида—Қашғарда нуфузли ўрин эгаллаган.

Тахминан 953/1546 й. Абдурашидхон б. Султон Саидхон б. Юнусхонга (939/1533—978/1570) бағишлаб хотираномаларини яради.

Хотираномалар икки дафтардан иборат: (1) ёзилиши 951/1544—1545 й. бошланган ва 953/1546—1547 й. тугатилган, Тоғлук-Темур (748/1347—1348 й. тахтга ўтирган) давридан бошлаб (то Абдурашидхонгача Мўғулистон ва Қашғарда ҳукмронлик қилган мўғул подшоҳлари тарихига бағишланган, (2) муаллифнинг хотираномалари, ёзилиши 948/1541—1542 й. бошланган; 950/1543—1544 й. тугатилган ва 948/1541—1542 йилларгача баён этилган, шу даврда Урта Осиё Шарқий Туркистон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда содир бўлган кўпгина тарихий воқеалар баёни ва биографик ва жўғрофий маълумотлар кенг ёритилган.

Хусусан, Улуғбек «Тарих-и арба» улус» асари ҳақида мана буларни ўқиймиз: «Донишманд подшоҳ Мирзо Улуғбек бир тарихий асар ёзди ва унга «Улус-и арба?» деб ном қўйди²⁷.

Тарих-и Рашидий, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, инв. № 1430; № 10191/111 — Ўзбек тилига қилинган таржима 1253/1837 й. бажарилган, XIX асрда кучирилган бўлса керак.

«Тарих-и Феришта» — «Феришта солномаси»

Муаллиф—Қосим Хиндушоҳ (XVIa. охири XVIIa. боши) ўз асарини 1015/1606—1607 й. ёзиб тугатган. Ушбу асар мусулмон Ҳиндистон, айнан унинг майда сулолалар тарихидан муҳим манба деб ҳисобланади. Унда Улуғбекнинг устози ҳамда тарбиячиси ҳақида маълумот келтирилади.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари, инв. № 864; № 612; № 613, № 826.

²⁷ Тарих-и Рашидий. инв. № 1430, в. 85а.

«Баҳр ул-асрор» — «Сирлар денгизи»

Асарнинг муаллифи — йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Вали 1004/1595—1596 йилда туғилган.

Ушбу шоҳ асар Аштархоний Нодир Муҳаммадхон (1015/1606—1051/1642; иккинчи маротаба 1055/1645—1061/1651) буйруғига биноан 1044/1634—1050/1641 йиллар атрофида ёзилган. Асар батафсил ёзилган кириш қисми, хотима ва етти жилд (улар эса ҳар бири жуфт қисм)дан иборат. Асарнинг, аниқроғи унинг муғуллар империяси ва Чингизхоннинг ўлиmidан кейин империя ўрнида ташкил топган Улуғ юрт, яъни Мўғулистон, Олтин Урда, Чигатой улуси, шунингдек, Чингизхоннинг набираси Ҳалокухон асос солган Элхонийлар давлати (Эрон, Озарбайжон) тарихини ўз ичига¹ олган олтинчи жилди мундарижаси ҳамда мазмуни жиҳатидан Улуғбекнинг «Тарих-и арба' улус»ига ўхшаб кетади.

1. Баҳр ул-асрор. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, инв. № 1375, 1385, 2372, 7418; India ofis кутубхонасининг қўлёзмаси, № 575 (эски рақам — 1496).

2. Махмуд ибн Вали. Море тайн относительно доблестей благородных (география). Введение, перевод, примечания, указатели Б. А. Ахмедова. Ташкент: ФАН. 1977.

3. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи, 5—6-бетлар.

«Мухит ат-таворих» — «Тарихлар оқёуси»

Муаллиф—Муҳаммад Амин б. Мирзо Муҳаммад Замон Бухорий Суфйаний, лақаби Қироқ Яроқчи (XVII—XVIII б.ш.) 3 рамазон 1110/1699 йилнинг 5 мартида асарни ёзиб тугатган. У қадим замондан то XVII аср охиригача воқе бўлган умумий тарихни ёрнтади. Ушбу асарда Улуғбек мусиқашунос сифатида тавсифланиб, бешта мусиқий асарнинг муаллифи деб айтиб ўтилади.

¹ Хамраев У. Мухаммад Амин и его сочинение «Мухит ат-таварих»: Автореф... канд. дисс. Ташкент, 1970.

² Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалари, инв. № 835, 836, 5410.

«Тарих-и жадида-йи Тошкент» — «Тошкентнинг янги тарихи»

Муаллиф — Домулла Муҳаммад Солиҳ-хўжа, Домулла Раҳим-хўжа б. Мулла Абдурахим-хўжанинг ўғли (Тошкент шаҳрининг Қор ёғди маҳалласида тахминан 1245/1830 йилда туғилган. 1304/1886—1887 й.) ушбу асарни ёзиб тугатган. Асар икки жилд (дафтар), иккинчи жилди уч бобдан иборат. Ушбу жилднинг учинчи бобида муаллиф Тошкентнинг тарихий топографияси, ҳавоси, қишлоқ хўжалиги, шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли машғулотлари ҳақида баён қилади. Худди шу ерда Улуғбек Мўғулистондан Самарқандга қайтган йили ҳақида маълумотлар ҳам келтирилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, инв. № 7791, № 11072, № 11073, № 5732/1, № 5732/11.

«Тарих-и Салими; — «Салимийнинг солномаси»

Муаллиф—Салим-бек б. Муҳаммад раҳим, Салимий лақаби билан машҳур (1267/1850—1851 й. туғилган). Асар тахминан йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларида ёзилган ва Чингизхон давридан то муаллифнинг ҳаётли вақтига қадар Урта Осиё тарихи баён этилган.

Бухоро хонлигининг маъмурий ва солиғ тизимига оид маълумотлар алоҳида эътиборга эга.

Улуғбек ҳукмронлик қилган давридаги хараж — қишлоқ хўжалик солиғи ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмаси, инв. № 2016.

Д. Юсупова

УЛУҒБЕКНИНГ ТУҒИЛИШИ ҲАҚИДА ЕЗМА МАНБАЛАР МАЪЛУМОТИ

Темур ва темурийлар салтанати ҳақида ўша даврнинг ўздаёқ бир қанча тарихий асарлар ёзилган бўлиб, уларда воқеий кечмишлар анча батафсил ёритилган. Лекин, айни пайтда ҳар бир ёзма манба, унинг ёзилиши шарт-шароити ва муаллифнинг шахсий ёндашуви ва иқтидорига қараб ўзига хос томонларга ҳам эга.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Улуғбек Эроннинг Султония шаҳрида дунёга келади. Бобоси Амир Темур бу вақтда гарбий беш йиллик (794/1392—798/1396) юришда бўлиб, Месопотамиядаги Мордин қалъасини забт этмоқда эди.

Улуғбекнинг туғилиши ҳақида ҳикоя қилувчи қуйидаги парчаларни Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»¹ ва Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворих»² асарларидан олиб таржима қилдик.

Ибн Арабшоҳнинг «Ажонб ал-мақдур» асаридан парча эса, унинг ўзбекча таржимасидан олинди³. Улуғбекнинг туғилиши ҳақида Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида ҳам айtilган, бироқ у Ҳофизи Аbru асари матнидан бир оз қисқароқ⁴.

Шарафиддин Али Яздий

Зафарнома

(в. 256 б.). Кейинги кун. хуршид шахсувори уфқ узра чиқиб, осмоннинг нилгун қўрғони атрофидан ҳимоя излаган кавокиб лашкарини бутунлай улоқтириб ташлагандан сўнг, оламни забт этувчи аскарлар мардоналик юзларини яна қалъа сари қаратдилар. Улар юқорига чиқиб, қўрғонга кирмай, тоғу камарларга бекинганларнинг ҳаммасини тутиб пастга олиб тушдилар (в. 657 а). Қалъа аҳли галиб лашкарнинг куч-ғайратини мушоҳада этгач, уларни қўрқув ва таҳлика босди, [омонлик тилаб] ялиниб-ёлворишга тушдилар. Осмониктидор Соҳибқирон бахтиёр лашкар билан қалъа этагидан қайтди ва ўзининг ҳумоюн ўрдусига келиб қўнди. Улар қалъадан кўплаб тўққиз-тўққиз ва бедов отлар олиб чиқиб тортиқ қилдилар, мол ва хирож тўламоқни бўйниларига олдилар, бўйсунмоқлик шарт-вазифаларини қабул қилдилар.

Шу пайт Мордин аҳолисига бир бахтли воқеа ёрдам берди. Яъни, тун ўтгач, тонгнинг хушхабарчиси оламнинг пасту баландликларига улуғ ёритгич—Қуёшнинг чиқиш башорати нафасини элтганда, жума кuni эрталаб⁵ Султония томонидан Сароймулк хоним қошидан элчи етиб келди. У олам аҳлининг шахзодаси амирзода Шоҳруҳга улуғ тангри бир фарзанд каромат қилгани, салтанат водийсидаги иқбол ниҳолида бир тоза гул очилгани башоратини етказди.

Назм:

Оламнинг толеъи яхшиланди бир бахтли юлдуз туфайли,
Мулк ва дин тизими тартибга тушди бир асл гавҳар туфайли.

(в. 257 а). Амирзода Улуғбекнинг туғилганлиги ҳақида сўз.

Якшанба кuni ўн тўққизинчи жумоди ал-аввал етти юз тўқсон олтинчи (22 март, 1394) йили, жалолий солномаси⁶ бўйича фарвардин ойида⁷, ит йили, Султония қалъасида.

Назм:

Жаҳон султони Шоҳруҳга
Худо ой юзми бир шахзода берди.
Ул ойдан, худди машриқ қуёшдан [чарақлагандай],
Шоҳлик осмоннинг чуққиси ярқираб кетди.
Бахт-саодат жилоси ва улуғлик нурлари
Юзида товланиб турарди, худди хуршид ва моҳ [товлангандай].
Дерсан, Ой осмондан бир юлдуз
Иқбол ила тахтгоҳга чиқмиш.

Илми нужум билимдонлари [унинг] туғилган вақтини ва бахт юлдузининг

¹ Шарафуддин Али Яздий. «Зафарнома» (Фотофаксимил нашр.)/Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Уринбоев. Масъул муҳаррир А. К. Арендс. Тошкент, 1972.

² Ҳофизи Аbru. Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий, Фотиҳ, 4371/1.

³ Ибн Арабшоҳ. Ажонб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиб отлари)/Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. Масъул муҳаррир А. Уринбоев. Тошкент, 1972.

⁴ Низомиддин Шомий. Зафарнома. I—II жилдлар, Прага. 1937—1956-йиллар; I жилд, 250-бет.

⁵ ...жума кuni эрталаб—15 жумоди ал-охир 796 (17 апрель 1394) йил.

⁶ Жалолий солномаси—шамсий солнома; у дастлаб Яздигард (VII аср) солномаси аталиб, кейинчалик, аниқроғи 1079 йили султон Жалолиддин Маликшоҳ (1072—1092) салжуқий саройида Умар Хайём бошчилигидаги олимлар томонидан қайта ислоҳ этилиб «Жалолий солномаси» номини олган.

⁷ Фарвардин ойи—эронликлар қуёш солномасидаги биринчи ой.

кўрнгишини аниқлаб, турли уйларнинг⁸ марказларини назардан ўтказган ҳамда юлдузлар ва буржлар жойлашини белгилашда барча шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, аъмоли тафсилотларини [тегишли] ўрнига қўйиб, ҳумоюн толеъи⁹ жадвалини давлат қалами билан саодат дафтарига чиздилар.

Н а з м:

Асад¹⁰ — толеъ ва унинг эгаси Қуёш,
Ул саабдан салтанатда бўлди бахтиёр.
Офтоб топиб шараф Ҳамалдан¹¹,
Илмдан амал сари йўналган эди.

Қувонч орттирувчи бу башорат жаҳонгир Соҳибқироннинг муборак қулоғига етиб боргач, кайфияти чоғ бўлди ва хурсандлигню, шодлигидан ул Ҳазратнинг қаҳру газабни бутунлай сўнди; [Аллоҳнинг] ул тухфаси шукронасига Мордин [қалъаси] ва атрофлари аҳолисининг гуноҳлари ёзиғига (в. 257 б) афв ва озод этмоқ рақамини чекди. Улардан интиқом олмоқдан воз кечиб, бўйниларига олган тўловни ҳам бекор қилди, ҳамда ул учта вилоятни Султон Исонинг биродари бўлмиш Султон Солиҳга топширди ва [бу ҳақда] ол тамға билан ярлиғ эълон қилди.

Н а з м:

Хоҳласа бир кишига зар беради,
Зар ўрнига у шаҳру кишвар беради.

Ҳофизи Абру

Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий

(в. 266 б.). Улуғ амирзода Улуғбек кўрагоннинг, — Аллоҳ унинг подшоҳлиги ва султонлигини абадий этсин, — саодатли туғилиши ҳақида сўз.

Мордин [қалъаси] аҳолиси [кечирмоқни сўраб] ялиниб-ёлвориб турган бир пайтда, муҳтарам маҳди аъло Сароймулк хоним қошидан чопар келиб, улуғ парвардигор амир Соҳибқиронга жаҳон ва жаҳон халқи амири ва амирзодаси, замин ва замон султони Шоҳруҳ баҳодир, — Аллоҳ унинг подшоҳлиги ва султонлигини абадий этсин, — томонидан бир фарзанд каромат этди, давлат ниҳолида бир гул очилди, улуғворлик садафидан ва каромат денгизидан бир тоза гавҳар юз кўрсатди, — деган хабарни етказди. Жаҳон ва жаҳон халқи махдум ва махдумзодасининг саодатли туғилиши ўн тўққизинчи жўмоди ал-аввал етти юз тўқсон олтинчи (22 март, 1394) йили юз бермиш. Унинг хабари шу кунларда ҳазрат амир Соҳибқиронга етиб келди.

Ҳазрат Соҳибқирон бу хабардан хурсанд бўлиб, ушбунинг шукронасига Мордин мамлакати ва унинг аҳолисини [қамалдан] озод қилишга буюрди. Ул вилоятни илгари [уша ерда] ҳоким бўлган Султон Солиҳга белгилади.

Ибн Арабшоҳ

Ажонб ал-мақдур фи тарихи Таймур

(Темур тарихида тақдир ажойиботлари)

(142-бет). Темур яширган ҳийла ва унинг бадғараз ниятлари чақмоқ тошидан учқун чиқмаганлиги изоҳи

Тун нобарор келиб, ҳайбат билан қалъани олишга муваффақ бўла олмагач, Темур ўз фикрини қайраб, макрини янгилади ва қабоҳатли муомладан юз ўгириб, муросага ўтди. Темур пайшанба куни наҳориди ўз аскарини [ҳамладан] тўхтатиб, элчи орқали уларга (мординликларга) хат юбориб, ўз хати жараёнида [шундай] деди:

«Мордин қалъаси аҳлига — заифларга, мискин оғирларга, ташналарга билдиримизки, биз уларни афв этиб, уларнинг руҳларини қонларига омонлик бахш этдик. Энди улар бежавонир бўлсинлар ва [бизнинг] ҳақимизга дуоларини зиёда қилсинлар». Мен бу рисолаи қай тарзда учратган бўлсам, шундайлигича нақл қилдим.

⁸ Уй — Қуёшнинг эклиптика бўйлаб 12 та буржда бўлиши; бу буржлар айни вақтда уйлар ҳам дейилади.

⁹ Толеъ — гороскоп; арабча «толеъ» — чиқиш. Қадимги мунажжимлар тушунчасида эклиптиканинг уфқ чизини билан кесишиш нуқтаси. Эклиптика — осмон сферасида Қуёш йил бўйи кўринма ҳаракат қиладиган катта айлана.

¹⁰ Асад — ўн икки буржнинг бешинчиси, унинг толъи Қуёшга тегишлидир.

¹¹ Ҳамал — ўн икки буржнинг биринчиси; шараф (шараф қўнимгоҳи) — юқори нуқта, сайёраларнинг энг юксак даражага кўтарилиши, экзальтация. Қуёш Ҳамал буржида экзальтация ҳолатида бўлади.

Юқоридаги парча таржималар учта тарихий асардан олинди, улардан иккитаси темурийлар саройида ёзилган: Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари Шерозда Форс ҳокими Шоҳрухнинг ўгли Муҳаммад Султон саройида, 1419—1425 йилларда; Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий» асари Ҳиротда Мирзо Шоҳрух саройида, 1423—1427 йилларда.

Ибн Арабшоҳ маълумотида келсак, бу тарихчи ёшлигида, Дамашқдан Самарқандга келиб қолган (Амир Темур Сурияни забт этиши туфайли). Лекин, у Темур вафотидан сўнг бир оз вақт ўтгач, Самарқанддан кетади. Маълум муддат Волга бўйи, сўнгра Рум мамлакати (Туркия)да яшаб, 1421 йили ўз ватанига қайтади. «Ажойиб ал-мақдур» асарини ҳам юртига қайтгандан сўнг, 1436 йили ёзган. Агар Али Яздий ва Ҳофизи Абру асарлари Амир Темурга ён босиб ёзилган дейдиган бўлсак, Ибн Арабшоҳ асари аксинча, тўла салбий ёндашув асосида битилган.

Энди юқоридаги парчалар устида мулоҳаза юритайлик. «Зафарнома» ва «Зубдат ат-таворих»даги маълумотлар деярли ўхшаш, фақат Али Яздий воқеаларни батафсилроқ баён қилган, холос. Ибн Арабшоҳ эса, Морддин қалъаси қамалини тавсиялаган бўлса-да, бироқ қалъа Улуғбек туғилганлиги хабари шарафига қамалдан ва тўловдан озод этилганлиги ҳақида оғиз ҳам очмаган. Лекин, бу асарда юқоридаги воқеа бўйича Али Яздий маълумотларини тўлдирадиган жойи ҳам бор.

Шарафиддин Али Яздий ўз асарида Амир Темур Морддин аҳолисидан ўч олишдан воз кечиб, уларга юкланган тўловни ҳам бекор қилганлиги ҳақида ярлиғ имзолаганини ёзган. Ибн Арабшоҳ ҳам Амир Темур морддинликларга хат юбориб, уларни афв этганлигини, шунингдек бу хатни ўзи кўрганлигини таъкидлаб ўтади. Демак, Ибн Арабшоҳ ёзганлари Амир Темур ол тамға босган ярлиғда қайд этилган матндан олинган ва бу ярлиғ шубҳасиз, Улуғбек туғилиши билан боғлиқ бўлган.

Шарафиддин Али Яздий маълумотларига кўра, Улуғбек туғилганда мунажжимлар келажакда ҳам салтанат эгаси, ҳам буюк олим бўлишини айтганлар. Зеро, Қуёшнинг Ҳамал буржига кириб келиши бутун борлиқда улур бир ҳолат эди. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу ҳақда, жумладан шундай ёзади: «... шу соатда фируз» (яъни бахт) фалаки руҳларни махлуқотни яратишга ҳайдайди... у куннинг энг саодатли соатлари Қуёш соатларидир, унинг тонгида ёруғлик имкон борича [ерга] яқинлашади, одамлар унга қараш билан ўзларини бахтли санайдилар»¹².

Али Яздий маълумотларидан Улуғбекнинг ана шундай улур бир дамда — Наврўз кунини туғилиши ва толеъида султонлик билан бирга олим бўлиш ҳам қайд этилганлиги хабаридан Амир Темур қувончга тўлиб бутун бир шаҳарни қамалдан ва тўловдан озод этишга фармон берганлиги маълум бўлади. Демак, ушбу хушxabар туфайли, Амир Темур неварасига ўз отасининг исмини бериб Тарағай атаган, шунингдек, «Улуғбек» деб илова қилган бўлиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Темур ва темурийлар даври манбаларидаги маълумотларни қиёсий ўрганиш тарихийликни аниқлашда катта илмий аҳамиятга эга.

О. Бўриев

¹² Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/Таржимон А. Расулов. Тошкент, 1968. 254-бет.

«ЖАҲОНГИРНОМА» УЛУҒБЕК ВА АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек туғилган кунининг 600 йиллигини нишонлаш муносабати билан бу улур зот қолдирган илмий мерос ҳамда унга тегишли маълумотларни янада чуқурроқ ўрганиш ишн ҳозирги кунда долзарб бўлиб қолди. Шубҳасиз, Мирзо Улуғбек ва темурийлар даври манбаларини синчиклаб тадқиқ этиш йўли билан бу борада мақсадга яқинлашиш мумкин. Биз бунга темурийлар сулоласининг бир тармоғи бўлмиш бобурийлар (932/1526—1274/1858) даврига алоқадор тарихий манбаларни мутолаа қилиш жараёнида ҳам амин бўлдик.

Маълумки, Мирзо Улуғбекнинг амакиси Мироншоҳ Мирзонинг чевараси Заҳир ад-Дин Муҳаммад Бобур асос солган салтанат уч ярим асрга яқин давр сурди. Шу катта давр ичйда бобурийлар она юртлари Туронни ва буюк аждодлари Амир Темур ва темурийларни эсдан чиқармай эъозлаб келдилар. Бунинг исботини биз юқорида тилга олишган бобурийлар даври тарихий манбалардан бири «Жаҳонгирнома» («Тузуки жаҳонгирий») асари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Аввал бирикки оғиз сўз асар ва унинг муаллифи ҳақида. Номидан ҳам кўриниб турибдикчи, асар бобурий ҳукмдорларидан бири бўлган Нур ад-Дин Жаҳонгирга (1014/1605—1037/1627) бағишланган. Муаллиф Жаҳонгирнинг ўзи. Бундай дейишимизга сабаб «Жаҳонгирнома»-нинг каттагина қисми, яъни Жаҳонгирнинг тахтга чиққан йилидан бошлаб то ҳукмронлигининг ўн еттинчи йили ўрталаригача бўлган йил воқеалари унинг ўзи томонидан ёзилган. Сўнгра эса Жаҳонгир подшолигининг 19-йили бошларигача бўлган давр унинг амрларидан Мўътаמידхон томонидан ёритилган ва бу тадбир Жаҳонгирнинг фармони асосида бажарилган. Асарни хотимага етказиш ва

унга дебоcha ёзиш эса бобурий Муҳаммадшоҳ (1131/1719—1161/1748) даврида Муҳаммад Ҳодий томонидан бажарилади¹.

Темурийлар сулоласи намоёндаларининг тарихнависликка рағбатлари исчоғлик бўлгани маълумдир. Чунончи, Амир Темур кечмиш тарихий воқеалар баёнига ва уларни қоғозга тушиб боришига катта аҳамият берган. Мирзо Улуғбек тарих фанига ғоятда эътибор билан қараган ва бу соҳада қалам тебратиб ўзидан «Тарихи арбаъ улус» (Тўрт улус тарихи) асарини мерос қолдирди². Анъаналарни давом эттирган Заҳир ад-Дин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»ни яратди. Жаҳонгир ҳам аждодлари йўлидан бориб жуда мазмундор ва юксак маҳорат, билимдонлик, синчковлик билан битилган «Жаҳонгирнома»ни ёзди. Унда биз эиқр этилган йилларда бобурийлар салтанатида кечган сиёсий, ижтимолий-иқтисодий, маданий, сулолавий, халқаро муносабатлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидаги жараён, табиат ҳодисаларига тегишли кўплаб қимматли маълумотлар жой олганини кўраимиз. Қуйида биз тўғридан-тўғри мўлжалдаги мавзу—Мирзо Улуғбек ва унинг бобоси, меҳрибони Амир Темур шахсиятга алоқадор бўлган бир янги маълумотлар устида тўхталиб ўтамиз. Чунончи, асарда ёзилишича 1016/1607 йили Меҳтархон ўғли Муниسخон Жаҳонгирга яшма тошидан ишланган «нафис, ғоятда оппоқ ва покиза» кўза тақдим қилади. Эътиборли томони шу ердаки бу кўза Мирзо Улуғбек ҳаётлиги даврида ясалган бўлиб, бўғзи узра «Мирзо Улуғбек Кўрагон» сўзлари ҳамда ҳижрий сана чироғли қилиб ўйиб ёзилган.

Буюк аждоднинг эслатиб турувчи мазкур тўғридан таъсирланган Жаҳонгир ушбу кўза оғзи атрофини ўзининг ҳамда отаси Жалол ад-Дин Муҳаммад Акбаршоҳнинг номларини нақш этишини буюради³. Афсуски, бу кўзанинг кейинги тақдири нима бўлгани ҳақида ҳозирча бир нима дейиш қийин. Лекин ҳар ҳолда Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ шундай ёдгорлик мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумот юзага чиққани бенаф бўлмайди.

«Жаҳонгирнома»нинг темурийлар тарихини ўрганмишдаги қимматини шундан ҳам билса бўладики, асарда Мирзо Улуғбекнинг бобоси Амир Темур суратига оид маълумотлар келтирилган. Ҳозирда соҳибқирон портретини аслига яқин ҳолда тасвирлаш вазифаси муҳим аҳамият касб этиб турган пайтда ушбу аслият гувоҳликда маълум маънода асқотади дейишга асос бор. Шунинг ҳам эса тутиш керакки, Мирзо Улуғбекнинг ташқи кўринишини ифодалашда унинг буюк аждоди суратига оид маълумотлар тасаввурни бойилади. Бинобарин, асарда келтирилишича 1017-йил 6—зул-ҳижжа/1609-йил 13 март кунини Муқрибхон Жаҳонгир даргоҳида бир сурат юборади⁴. «Фарангликлар фикри шундайким, бу суратда Соҳибқирон [Амир Темур] тасвирланган», деб ёзди муаллиф. Фарангликлар буни қуйидагича тушунтирганлар: Индирим Бюлезид Амир Темурнинг музаффар лашкари қўлига тушган пайтда Насронийлардан бўлмиш Истанбул ҳокими Соҳибқирон олдига ўз элчисини катта совғалар билан юбориб, итоат ва хизматкорлик камарини белга боғлаганини изҳор этади. Элчига ҳамроҳ бўлган мусаввир Амир Темур суратини қоғозга тушириб олиб келган. Афсуски соҳибқирон тасвирини олиш қандай шароитда юз бергани ҳақида асарда ҳеч гап йўқ. Афтидан бу ҳақда Жаҳонгир ҳам ўйлаган ва шунинг учун ҳам бу суратга маълум маънода шубҳа билан қараган: «Агар бу даъво ҳақиқатлиги [исботланганда] эди, менинг учун бундан ортиқ совға бўлмасди»⁵.

«Жаҳонгирнома»да Амир Темур суратига оид яна бир қимматли маълумот бор. Чунончи, 1028/1619-йил ўрталарида Ҳиндистондан Эронга элчи бўлиб кетган Хонин Олам Жаҳонгир ҳузурига қайтиб келәди⁶. Хонин Олам Эрондан келтирган тўғрилар орасида Жаҳонгир эътиборини қозонгани бу Амир Темурнинг Тўхтамиш билан жангги тасвирланган сурат (миниатюра) бўлган. Жаҳонгир ёзишича, унда Амир Темур, унинг ўғиллари (авлодлари), амирлари, амалдорлари—жами икки юз қирқ киши тасвирга туширилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ёнига кинининг сурати эканлиги ҳам ёзиб қўйилган. Ғоятда юксак даражада ишланган бу сурат мусаввир Халил Мирзо Шоҳрухий томонидан амалга оширилган экан. Агар мусаввир номи ёзилмаганда эди, бу сурат Бехзод қаламига мансуб дейиш мумкин бўларди. Зеро, Бехзод қаламига жуда ўхшайди. Сурат тарихи Бехзод даврдан илгарини кўрсатиб туришига кўра, Бехзод унинг шогирди бўлса ажабмас, деб гумон қилади Жаҳонгир⁷. Мазкур сурат тарихи ҳақида муаллиф берган маълумотларга кўра, сурат Сафавий шоҳлар Исмоил I (907/1502—930/1524) ё Таҳмосиб I (930/1524—984/1576) китобхоналарида сақланиб кейинчалик шоҳ Аббос (995/1587—

¹ Қаранг: Нур ад-Дин Жаҳонгир. Тузуки Жаҳонгирӣ. Лакҳнав, 1914. 2—3, 360, 392-бетлар; Storey C. A. Persian literature. A bibliographical survey. Section II. Fasciculus 3. M. History of India. London, 1939. P. 459, 517, 556—558; Юсупова Д. Ю. Рукописные источники по истории Индии XVI—XVII вв. в фонде ИВ АН РУз./Из истории культурных связей народов Средней Азии и Индии. Ташкент, 1986. С. 80.

² Бу ҳақда қаранг: Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, 1994.

³ Тузуки Жаҳонгирӣ. 70—71.

⁴ Уша жойда. 74-бет.

⁵ Уша жойда.

⁶ Уша жойда, 287-бет.

⁷ Уша жойда, 288-бет.

1038/1629) китобхонасида мухофизатда бўлган. Аммо китобхона китобдорни Содиқий номли шахс суратни ўғирлаб сотиб юборган. Иттифоқан бу сурат Исфалонда Хони Олам қўлига тушади. Бундан шоҳ Аббос хабар топади ва Хони Оламдан уни томоша қилиш нияти борлигини айтиб суратни сўрайди. Элчи ҳар сабаблар билан суратни бермасликка ҳаракат қилса-да фойдаси бўлмайди ва суратни шоҳга йўллайди. Шоҳ Аббос охири оқибатда мазкур суратнинг унинг китобхонасига тегишли эканини Хони Оламга сўзлаб беради ва Жаҳонгирнинг бундай ажойиботларга ихлоси зўр эканидан келиб чиқиб уни яна элчига қайтаради⁸.

Шундай қилиб, «Жаҳонгирнома»да Амир Темур ва Улуғбек шахслари ва даврини ўрганишга доир қимматли маълумотлар берилганлигига амин бўлдик. Ҳозирда ачиниб билан таъкидлаш лозимки, на Улуғбек номи туширилган кўза, на Амир Темур суратининг кейинги тақдирини биз учун номаълум. Балки мазкур маълумотларнинг эълон қилиниши мутахассислар фикрини бу масалага жалб этса ажаб эмас.

А. Зиёев

⁸ Уша жойда.

САККОКИЙ УЛУҒБЕК ҲАҚИДА

Буюк ўзбек шоири Саккокий XIV асрнинг охириги чораги ва XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган ўзбек шоирларидандир. Шоирнинг яшаган даври асосан Мовароуннаҳрда Халил Султон (1405—1409) ва Улуғбекнинг (1409—1449) ҳукмронлик қилган даврларига тўғри келади.

Саккокийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар жуда оздир. Бу масалани ёритишда, асосан, унинг қўлёзма девони ва бошқа муаллифлар томонидан келтирилган баъзи бир маълумотлар асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Саккокий ўз ижодининг дастлабки йилларида Халил Султон билан яқин муносабатда бўлган. У ўзининг Халил Султонга атаб ёзган бир қасидасида шундай дейди:

Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрдию қадр ахшоми,
Бир ой туғулди дунёда ким мамлакатда хон эрур,
Бу қадр туни иззату қадр эмди даъво қилса ҳақ,
Чун шоҳизода мақдами даъвосина бурҳон эрур.
Маълу жавоҳир сочилар шаҳ хизматида мен доғи,
Келтурдим ўш сўз гавҳарин ким ўз-ўзига кон эрур¹.

Бу қасидада келтирилган 810 (1407—1408) йил Халил Султоннинг Самарқандда ҳукмронлик қилган даврига тўғри келади.

Саккокийнинг Халил Султон даврида қасида ёзиш даражасига кўтарилганига қараб, уни XIV асрнинг охириги чорақларида турилган деб тахмин қилиш мумкин. Халил Султон давлат тепасидан четлатилгандан сўнг, Саккокий Улуғбек саройида ижод қилади. Саккокийнинг ижоди Улуғбек даврида камолотга етади.

Самарқанд, Ҳирот каби маданий марказларда олимлар ва маданий доиралар муҳитда тарбия топган, бой маданий анъанага суянган буюк ўзбек олими ва давлат арбоби Улуғбек ёшлик чоғларидан бошлаб Темурийлар давлатида олим сифатида шуҳрат топади ва маданият ҳисийси сифатида танилади.

Улуғбек даврида мамлакатда катта қурилиш ишлари билан бир қаторда, қатор иқтидорли олимлар томонидан кўплаб илмий асарлар яратилади. Машҳур расадхона қурилди. Шунингдек адабиёт ва санъат, тарихий асарлар ёзиш иши тараққий топди.

Улуғбек адабиётни, шунингдек жумладан ўзбек адабиётини ва унинг намоёндаларини ўз ҳимояси остига олади. Бу ҳол ўша даврнинг буюк шоирлари Лутфий ва Саккокий шеърларида ўз ифодасини топган.

«Улуғбекхон билур Лутфий камолин,
Ким рангин шеъри салмоқдин қолишмас»

ва Саккокий ёзишича:

«Фалак йиллар керак эврилсаю келтурса илқинга,
Матингдек шоиря турку, сенингдек шоҳи донони».

Бу ерда «шоиря турк — Саккокий ва «шоҳи доно» — Улуғбекдир.

Саккокий ўз замонасининг буюк лирик шоири бўлиб қолмай, қасида жанрида ҳам юқори маҳоратга эга эди.

Саккокий ўз қасидаларида Улуғбекни кўжларга кўтариб мақтайди. Уни халқпарвар ҳукмдор сифатида улуғлайди.

Улуғбек давлат тепасига келганда, бу воқеага атаб қасида ёзган Саккокий ўз қасидасини қуйидагича бошлайди:

¹ Саккокий девони. ЎзР Фанлар академияси. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида. Инв. 7685, в: 5 а.

«Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,
Халойиқ айш этинг бу кун сурури жовидон келди,
Тан эрди бу улус барча анигдек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллаҳ ўгон фазли била ул танга жон келди»².

Саккокий бу қасидада ўз фикрини давом эттириб, Улуғбекни мамлакатда адолат ўрнатувчи шоҳ сифатида таърифлайди. Энди раиятлар қийинчиликлардан қутилдилар, юртиниэга Улуғбекдек ўз халқиға нисбатан отадан меҳрибон подшоҳ келди, бундан кўнгуллар равшан бўлиб, бошимиздан қоронгулик кетиб, теламизда қўёш нури чарақлади, деб ёзади.

«Бойинди тахтининг қадри, ўзунг тож кўкка ташлади,
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўширавон келди,
Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса бирдам,
Чу дўстларига хуррам ёз, адувларға хазон келди.
Бу кундин сўнгра кўп тингай раийятлар риюятдин,
Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.
Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмади бир зарра,
Қоронгулик кетиб, ҳоли чу хуршиди замон келди»³.

Шоирнинг тўлиқ девони бизгача етиб келмаган. Лекин фақат бизгача етиб келган бир қисмигина Саккокийнинг буюк бадий маҳорат эгаси эканини кўрсатади. Девон ҳамд ва наът билан бошланади, шунингдек Хожа Муҳаммад Порсо, Халил Султон, Улуғбек ва Арслон Хожа Тархонларга атаб ёзилган қасидалардан кейин газаллар тартибланади.

Саккокий ва Лутфий ижоди билан танишган буюк ўзбек шоир ва мутафаккири Алишер Навоий, уларнинг ижодига юксак баҳо берган:

«Турк алфозининг булогосидан мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфийким, бирининг ширин баёғи иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф газалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоят дурур».

Шундай қилиб, ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек мавлоно Саккокий ажойиб лирик шеърлар ва қасидалар ижод этган замонасининг буюк шоиридир.

Улуғбекка бағишлаб ёзилган қасидада халқ, улус, раийят, омонлик, сурур, адолат сўзлари кўп учрайди. Шундан кўриниб турибдики, замонасининг илғор фикрли киши сифатида буюк шоир Саккокий, халқ аҳволини ўйлаган ҳолда, Улуғбекдек маърифатли ҳукмдорнинг давлат тепасига келиши, халқ учун яхши иш бўлганлигидан мамнун эканлигини изҳор этган.

Атоқли лирик ва қасидаанвис шоир Саккокийнинг Улуғбекка атаб ёзган қасидада келтирилган таъриф ва фикрларидан, буюк ўзбек олими ва давлат арбоби Улуғбекнинг қиёфаси кўз ўнгимизда адолатли ва маърифатли ҳукмдор сифатида гавдаланади.

Қ. Муниров

² Шу асар, инв. № 7686, в: 3-а.

³ Шу асар, инв. № 7685, в: 3 а, б.

ВАҚФ ҲУЖЖАТИДА УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Бутун ер шарида ўзининг кўп асрлик тарихи, бойлиги ва гўзаллиги билан рақобат қила оладиган шаҳарлар унчалик кўп бўлмаса керак. Сугдиёнанинг қадимий маркази бўлмиш бу шаҳар неча бор гуллаб, неча бор тушкунликка тушган ва ҳар гал ўзини тиклаб олган шаҳарлар қаторидан ўрин олган.

Самарқанд XIV асрнинг иккинчи ярмидан, яъни Темур ва темурийлар даврида юксак даражада тараққий этган ва Темур вафотидан кейин XV асрнинг охиригача ўз аҳамиятини сақлаб келди. Аммо шайбонийлар ҳукмронлигидан бошлаб шаҳарнинг илгариги улугворлиги пасая борган. Самарқанд тарихи турли даврларда шаҳар ҳудудидаги тарихий ёдгорликларда тўла ёки қисман сақланиб, замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари тупроқ қаърига кўмилиб, моддий маданият ёдгорликлари вайронага айланган эди. Шулардан бири Улуғбек расадхонасидир. Бу тарих ҳақида солномалар қаторида, турли хилдаги ҳужжатлар сақланиб келмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланган ҳужжатларнинг доираси турли мавзу, яъни тарих, жуғрофия, топонимика, этнография, этногенезис, сфрагистика ва археология фанларига доир қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Бу ҳужжатларда Ўрта Осиёдаги учта хонлик: Бухоро, Хива ва Қўқоннинг сиёсий, иқтисодий, маъмурий ва маданий ҳаётига оид манбалар мужассимлашган бўлиб, XV асрдан XX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Улардаги маълумотлар саройларда битилган солномалар, сайёҳлар томонидан ёзиб қолдирилган ёсдаликлар ҳамда ривоятларга асосланиб ёзилган тарихнависликни аниқлашда катта ёрдам беради. Расмий ҳужжатлардаги аниқ саналар ва далилий маълумотлар айрим муаммоларни ечишда кўмаклашибгина қолмай, шу билан

Бирга тадқиқотчиларга Урта Осиё тарихи харитасидаги «оқ доғлар»ни йўқотишга, олимларга мукамал асарлар яратишларига бевосита ёрдам беради.

Институт қўлсэмалар фондидаги 88 та папкада сақланаётган 3068¹ та айрим ҳолдаги асл нусхадаги ҳужжатлар ичида талайгина вақфномалар бор. Улар 29 та папкада тартиб билан эҳтиёт қилинади. Масалан, шулардан бир нечтасини кўрсатиб ўтамиз: Темур даврига оид вақфнома², Хўжа Аҳрор вақфномалари³, Вақф китоби ҳақида ҳукмнома⁴, қалам билан ёзилган вақфнома⁵, сотилган ерлар рўйхати ҳақида вақфнома⁶, Абдулазизхон мадрасасига қилинган вақфнома⁷, Исмоил Сомоний шажара — вақфномаси⁸, Хўжа Жуйбори вақфномаси⁹ каби 92 та вақфномаларда, турли даврларда ҳар хил шахслар томонидан ер ва мулкларни ўзлари ва авлодлари, диний идоралар: мачит, мадраса, хонақоҳ, мазорлар фойдасига вақф қилинганини гувоҳи бўламиз. Бу ҳужжатларда кўчмас мулк: ер, боғ, чорбоғ, сарой, тим, дўкон, тегирмон кабиларни вақф қилиш вақтида ҳар бирининг чегараларини аниқ кўрсатиш талаб этилган. Бундай тартиб билан эса келажакдаги ҳар хил тажовузларни олдини олиш ва агар ҳужжат йўқолса, гувоҳлар ёрдамида қайта тиклаш имкониятини сақлашдан иборатдир. Бундай тартиб-қоида фан учун кўп нарсаларни аниқлашда қўл келади, яъни жойларни номини тиклаш, ариқ, канал, дарё, тоғ ва тепаликларни ўрнини белгилаш, шахсларни номи, касби, лақаби, мансаби, уруғини, улар яшаган тепа, дашт ва экинзорларни, қишлоқ ва мавзе, туман ва вилоятларни тўғри номларини кўрсатишда қимматли маъна бўлиб хизмат қилади. Айрим ҳолларда катта колифиётлар очишда ҳам қўл келади. Бунда институт фондидаги Хўжа Аҳрорга тегишли вақфномалардан бирини кўрсатиш кифойдир¹⁰.

Бу ҳужжат тарихи Улуғбек расадхонаси номи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, аниқроқ маълумотлар келтиришга ҳаракат қиламиз, гарчи у кўпроқ Ҳазрат Хўжа Аҳрор Вали номлари билан боғлиқ бўлсада, фан оламида унинг хизмати бениҳоядир. 1546 йилда Хўжа Аҳрорнинг авараси томонидан ўз бобокалонини мазорига ва аллома томонидан Қобулда [Афғонистон] қурдирган мадраса фойдасига қилинган вақфномадир. Бу ҳужжатдаги маълумотларга қараганда, Самарқанддаги бутун бошли қишлоқлар, катта ер майдонлари, боғ ва чорбоғлар, ҳовлилар, савдо-ҳунармадчиллик дўконлари, тегирмонлар, ҳаммомлар, шу билан бир қаторда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган мулклардан олинган даромадларнинг катта қисми, ҳамда Қобул ва унинг вилоятидаги турли кўчмас мулклардан олинган даромадларнинг бир қисми тўласича вақф қилингани ҳақидаги маълумот келтирилади.

Вақфнома силлиқ, ингичка ва пишшиқ оқ қоғозда ёзилган бўлиб, узунлиги 968 см, кенглиги 24 см, 427 қатордан иборат бўлиб, настаълиқ ёзувида битилгандир. Ҳужжат бир неча варақлардан иборат бўлиб, улар кетма-кет улангандир ва ҳар бир уланган варақлар ораси учтадан муҳрлар билан тасдиқланган. Биринчи муҳр бодом шаклида бўлиб, унда Абдураҳмон бинни Сайид-хўжа Муҳаммад номи битилган. Иккинчи муҳр думалоқ шаклда бўлиб, унда Муҳаммад Ҳошим ал-Аҳрорини ва учинчи муҳр саккиз қиррали бўлиб, унда Йақуб Муҳаммад бинни Хўжа Мир номлари ўйилгандир. Вақфнома охирида ҳужжат тузилган йил, яъни 12-муҳаррам 953/15 март 1546 деб кўрсатилган.

Вақфномага манғиллар сулоласига мансуб Бухоро хонларидан Амир Ҳайдарни ҳукмномаси бириктилган ва ундаги санага қараганда 1825 йилнинг май ойига тўғри келади. Амир ўз ҳукмномасида Хўжа Аҳрор мулкларининг дахлсизлигини, улардан солиқ талаб қилиш ман этилганини ўқтиради. Бу ҳукмнома 12 қатордан иборат бўлиб, ўлчови 12×21 см ни ташкил этади ва настаълиқ ёзувида битилгандир. Ҳужжат амирни бодом шаклидаги муҳри билан тасдиқланади. Унда: «Амир ал-мўминини Амир Ҳайдар»— деган ёзув ўйилгандир, муҳр ўлчови 13×20 мм. дан иборатдир.

Ириқ шарқшунос олима О. Д. Чехович бу ҳужжат ҳақида фикр билдириб шундай ёзади: «Маълум асослар мавжуд бўлиб, шунинг айтиши жоизки, ҳужжат бир мунча васиқалар мажмуалардан иборат бўлиб, улар кўпсонли васиқалар ва вақфномалардан иборатдир. Бундай мажмуаларни кўпчилиги сақланмаган, шулардан фақат саккизта васиқа ва тўла сақланмаган вақфномадан иборат бўлиб улар ҳужжатдаги маълумотномаларни тасдиқлайди. Худди шу қишлоқлар номи бошқа вақфномалар ва ҳужжатлар мажмуасида сақланган. Шулар жумласидан Манак қишлоғи, Мотурид ерлари Розмоз канали атрофидаги ерларнинг номи Хўжа Аҳрор томонидан сотиб олинган васиқаларда такрорланади. Бу эса вақфноманинг аслигини тасдиқлайди ва ундаги маълумотларга нисбатан ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди»— деб, кўрсатиш ва биз томо-

¹ УзР ФА Шарқшунослик институти, қўлсэмалар фонди, папкалар № 1—88.

² Уша жойда, папка № 18, инв. № 32.

³ Уша жойда, папка № 7, инв. № 9; папка № 72, инв. № 513а—516а; папка № 76, инв. № 530.

⁴ Уша жойда, папка № 63, инв. № 171а:

⁵ Уша жойда, папка № 63, инв. № 175а.

⁶ Уша жойда, папка № 63, инв. № 173а.

⁷ Уша жойда, папка № 70, инв. № 507а.

⁸ Уша жойда, папка № 76, инв. №527а.

⁹ Уша жойда, папка № 83, инв. № 668а.

¹⁰ Уша жойда, папка № 7, инв. № 9.

нимиздан сизга ҳавола этаётган вақф ҳужжатидаги маълумотномаларни тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга асос бўла олади¹¹.

Улуғбек расадхонасига қисман тааллуқли бўлган ушбу вақфномада кўрсатилишича, вақф қилинган ер майдонлари асосан Қамонгарон мавзесига тегишли бўлиб, О. Д. Чеховичнинг айтишича бу мулклар, Ҳазрат Хўжа Аҳрорнинг ҳаётликлари даврида вақфга айлантирилган. Бизнинг фикримизча, Хўжа Аҳрорнинг ўлимидан сўнг, унинг мол-мулкidan солиқ олиш ниятидаги шахслар ва даромадга шерик бўлишни орзу қилганлар қозихонага арз қилганлар. Шу сабабли унинг авараси бобокалони мулкларига тааллуқли барча васиқа ва вақфномаларни гувоҳлар иштирокида янгилаган. Бундай дейишимизга сабаб, вақфнома охирида шундай ёзув битилган: «Мажмуаъё в арозини Қамонгаронинки мазкур шуд, қабле аз ин тарих вақф намуданд», яъни «Ҳамма кўрсатилган Қамонгарон ерлари шу йиллардаги (ҳужжатлар) асосида вақф қилинди»— деб таъкидланган¹².

Вақфномадаги ҳар бир ер майдони, қишлоқлар, боғлар, дўкон ва тегирмонлар, ариқлар ва ноҳиялар жуда аниқ ва уларнинг ҳар бирининг чегаралари жуда кенг баён этилган. Ана шу чегараларни жуда синчковлик билан тадқиқ этган киши жуда кўп маълумотларни топа олади. Бундай манбаларни тавсиф этиш ва тадқиқ олиб борилиши натижасида ўлкамиз ўтмишига доир жуда кўп муаммолар ечилиши мумкин. Оғир машаққатли меҳнатни талаб этувчи бундай тадқиқотлар Абусайид маъзум ва В. Л. Вяткининг номини дунёга машҳур этди. Бунинг сабаби ана шу вақфномадаги ҳар бир мулкнинг чегараларини синчковлик билан тадқиқ этган самарқандлик Абусайидгина Улуғбек расадхонасини аниқ жойини топишга ва уни эълон қилишига олиб келди. Албатта, Расадхонанинг жойини аниқлаш анча олдин бошланган эди.

Тарихдан маълумки, Россия 1868 йилда Самарқандни, умуман XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё хонлиқларини босиб олгандан кейин, ўлкага турли соҳадаги олимлар ҳам оқиб кела бошлайди. Туркистон ўлкасида турли хил илмий жамиятлар ташкил этилади ва улар ўз илмий изланишлари ҳақида йиллик ҳисобот бериб борганлар. Ана шундай йиғилишларда келажакдаги илмий режалар тузлади ва уларни амалга ошириш учун Чор ҳукумати оз миқдорда бўлса ҳам ўз ҳаётий эҳтиёжларига доир маълумотларни шу тўғараклар орқали олиб турар эдилар. Шу жумладан унут бўлиб кетган Улуғбек расадхонаси ҳақидаги маълумотлар ҳам рус олимлари Л. С. Баршевский, Н. И. Веселовский, М. Н. Ростиславов, В. В. Стратонов кабилар вақти-вақти билан Туркистонга саёҳат қилар ва ўз саёҳатлари пайтида расадхона қолдиқларини топишга уриниб кўрар эдилар. Лекин бу уринишлар ҳар гал муваффақиятсиз бўлиб чиқаверди. Бу ҳақда В. В. Стратонов Туркистон Комитетининг Ҳавасқор Археологлари жамиятининг 1898 йил 11 декабрь мажлисида қилган маърузасида В. П. Наливкинни маҳаллий аҳоли орасида юриб, Улуғбек расадхонаси ҳақида маълумотлар тўплагани ва тўпланган манбаларига таяниб шундай хулосага келганини баён этади: «Расадхона Сиб аригининг орқа томонида, Оби-раҳмат ариги яқинидаги тепалик этагида жойлашган» деб айтади¹³.

В. Л. Вяткин Туркистон ўлкасидаги археологик кузатишлар натижасини ўрта асрга мансуб ёзма манбалардаги маълумотлар билан жиддий равишда таққослаб бошлади. Василий Лаврентевич Вяткин Ушдаги рус-тузем мактабига тажриба алмашиш учун Петербурдан юборилади ва икки йил ишлагач Самарқандга жўнатилади. Бу ерда у мактабда ишлай бошлайди. Вяткин дарс берган бошланғич мактаб Оқмачитга яқин жойда бўлиб, ўз замонасида Заргарон даҳасидаги таниқли хаттот Абусайид маъзум хонадонидида ижарада ўтиради. Ҳовлида яна бир зибли, санъат мухлиси Эгамхўжа Муродхўжа ўғли ҳам истиқомат қиларди. Шу даҳада уларнинг дўконлари ҳам бор эди. Учов зиблилар бўш вақтларини биргаликда ўтказар ва биргаликда машҳур тарихчи Абутоҳир Самарқандийнинг «Самария» китобини мутолаа қилардилар. В. Л. Вяткин ушбу китобни рус тилига таржима қилиб, «Справочная книга Самаркандской области» номли жаридида нашр эттирди¹⁴.

Доимий амалий мулоқот Василий Лаврентевичга маҳаллий тилни пухта ўрганишга ёрдам бери ва тилни билгани учун маҳаллий маъмурият уни ишга таклиф этди. Вяткин вақти-вақти билан архивларни кўздан кечирар, баъзан Ушга ҳам бориб турар эди. Абусайид маъзум кейинчалик Мирзо Улуғбек расадхонаси жойини излаб, Афросиёбда қазниш ишлари тараддудига тушади, аммо оёғи синиб археологик қазниш ишларини тўхтатишга мажбур бўлади. В. В. Бартольдни илтимосига биноан Вяткин юқорида номни зикр этилган Эгамберди билан биргаликда Афросиёбда қазниш ишларини давом эттиради. Абусайид Тошкентдан қайтгач Вяткин унга Улуғбек расадхонаси жойини аниқ кўрсатадиган қадимий манбаларни излаб кўришни топширади. Ана шу топшириққа биноан Абусайид барча қўлёзмаларни ўқиб чиқади.

¹¹ Самарқандские документы XV—XVI вв. М., 1974. 46—47-бетлар.

¹² УЭР ФА ШИ, қўлёзмалар фонди, папка № 9. Ҳужжатда кўрсатилган тарих сўзи, бир ҳодисанинг аниқ вақти, ёки хат-ҳужжат устига ёзилган йил, ой ва кун назарда тутилган. Шунинг учун ҳам биз ҳужжатда ёзилган тарих сўзини. О. Д. Чехович айтганидек, васиқа ва вақфномалар йилига ишора деб қабул қилдик.

¹³ ПТКЛА. III. 1897—1898. С. 231—253.

¹⁴ Справочная книга, Самаркандская область на 1898 г. Вып. VI. Самарканд, 1899.

Оби-рахмат ариги қирғоғидаги тепаликни бир неча номлари бўлиб, баъзилар «Чил-сутун», бошқалари «Чил-духтарон», тепаликда яшовчилар эса «Таги-расад» деб атар эдилар. Археологлар бир неча йилдан бери қазииш ишларини олиб борар эдилар, ammo жой аниқ бўлмаганлиги сабабли қазииш ишлари жуда суст борарди.

Абусайид Ушдан икки сандиқда ҳар хил қўлёзма манбаларни олиб келган эди. У сандиқдаги манбалар билан таниша туриб, эски шойи рўмолча билан боғланган бир неча ҳужжатларни кўриб қолади. Шулар ичида бир ҳужжатни¹⁵ олиб ўқиб ҳайратга тушади, чунки унда кўп вақтлардан бери излаётган маълумоти худди ана шу ҳужжатда учраган эди. Бу Улуғбек расадхонасининг аниқ жойини билдиради эди. Ҳужжатда энг сўнги тахминлар ҳам кўрсатилган эди. Вақфномада Оби-рахмат ариги, қишлоқ аҳолиси хонадонларига қарашли безазор, мачит ҳудуди, катта дара сари йул. Расадхона Таги-расад тепалигида эканлигида Абусайидда ҳеч шубҳа қолмади. У тезда В. Л. Вяткин ва Эгамхўжа ишлаётган Афросиёб тепалигига бориб, қўлидаги қимматли топилмани кўрсатади. Шундай қилиб, Мирзо Улуғбек расадхонасининг аниқ жойи Абусайид томонидан топилган вақф ҳужжатидан аниқланди. Агар ана шу вақфнома бўлмаганда ҳеч ким бундай қимматбаҳо хазинани ҳеч қачон тополмасди.

Шундай қилиб, Улуғбек расадхонаси харобаларини қидириб топишда Вяткинга унинг доимий ва фаол ёрдамчиси, ажойиб хаттот ва маҳаллий ернинг ўтмишини яхши биладиган самарқандлик Абусайид маълум жуда катта ёрдам берди. Академик В. В. Бартольднинг айтишича, Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқлаш ва шунингдек қазииш ишларини олиб боришда Абусайид маълумнинг ёрдами жуда ҳам қимматлидир. Урта Осиё ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш учун тузилган Рус Комитетидаги муътабар илмий ташкилот (Далқаро шарқшунослар иттифоқининг доимий маркази) кейинчалик В. В. Бартольднинг таклифи билан В. Л. Вяткиннинг Самарқандда олиб борган археологик ишларига фаол кўмакчи сифатида Абусайид маълумни 100 сўм пул билан мукофотлашни уқтирди.

Ҳужжатларда тилга олинган жойни бориб кўрган В. Л. Вяткин «Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топиш мақсадида қазииш ишларини олиб бориш учун маблағ ажратилишини сўраб Рус Комитетига мурожаат қилди ва «уста ва синчков тадқиқотчи»га ажратилган маблағ ҳисобига 1908—1909 йилларда қазииш ишларини бошлаб юборди»¹⁶.

Бу ҳаракатлар XX аср бошидаги энг ажойиб кашфиётга — Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топилиши билан якунланди. Кейинчалик В. Л. Вяткиннинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: «Улуғбек томонидан Самарқандда қурилган расадхонани кейинги вақтларгача... кўпчилик ёзувчилар тилга олишган бўлсада, бу тарихий ёдгорликка қизиқиш зўрлигига қарамай, таърифларига биноан баҳайбат иншоот айнан қаерда жойлашганини аниқ билишмасди... Расадхона жойлашган ерни аниқлашда менинг қўлимга тушган вақф ҳужжатидан миннатдор бўлишимиз керак. У бундан қарийб 250 йил илгари ёзилган бўлиб, рўйхатга олинган ер участкаларининг чегаралари орасида ҳозирги вақтда ҳам Оби-рахмат ариги ва Нақши-жаҳон деган ном билан аталадиган жойда расадхона (Толе-расад) тепалиги тилга олинган эди... Расадхона тепалигининг ташқи кўриниши, тепалик устининг афтидан сунъий равишда текис майдонча тусини бериш учун салгина ҳайдаб ва тозалаб қўйилгани, гишт парчаларининг сочилиб ётиши ва айрим жойларда тупроқ оҳакли цемент аралашганидан кул ранг тусга кирганлиги қачонлардир бу ерда қандайдир иморат бўлганлигини тасдиқлаб турибди. Қазииш натижасида эса бу тахмин тўла тасдиқланди. Расадхонанинг асосий асбоби бўлган секстант нафис йўнилган мрамор тош билан қопланган, бир-бирига параллель жойлаштирилган ёйсимон иншоот бўлиб, унда арабча ҳарфлар билан градуслар белгилаб қўйилган эди. Унинг ёрдамида самовий жисмларни оддий кўз билан кўриб туриш ва асосий доимий астрономик жисмларни аниқлаш мумкин эди. Ёйсимон иншоот билан траншея девори ўртасида торгина зинапоя бор эди. У пиширилган гишдан ясалган эди. Секстантнинг мис изларидан қачонлардир гилдираб ёки сирганиб углеметр юриб турган.

Улуғбек расадхонасининг секстанти фанга маълум бўлган ва ўрта аср астрономлари томонидан ишлатилган ана шундай асбоблар орасида ҳозир ҳам энг нодир ва қадимгиси ҳисобланади»¹⁷.

В. Л. Вяткин олиб борган қазииш ишлари натижасида расадхонанинг бошқа баъзи асбобларининг изи топилди. Бироқ ўша вақтда мавжуд қазииш усули билан Вяткин расадхонанинг мукамал умумий режасини аниқлай олмади.

Рус Археология жамияти 1910 йил 25 ноябрда «Туркистоннинг археологик бойликларининг таниқли тадқиқотчиси» сифатида ва Улуғбек расадхонаси қолдиқларини топганлиги учун В. Л. Вяткинни машҳур шарқшунос, академик В. Р. Розен номидаги

¹⁵ Ушбу ҳужжат кейинчалик В. Л. Вяткин архивига киритилади. 1939 йилда Тошкентдаги Давлат кутубхонасининг қўлёзмалари, сўнг Институтимизнинг қўлёзмалар фондига бошқа ҳужжатлар қатори келтирилади. Бу ҳақда муаллифни «Документы Ин-та востк-я АН УзССР» номи мақоласига қаранг. «БЧ—90». М., 1990 (Мақола-лар тўплами).

¹⁶ Лукин Б. В. Самарқандлик археолог ва шарқшунос. Тошкент, 1969, 19-бет.

¹⁷ Вяткин В. Л. Отчет о раскопках обсерватории Мирзо Улуғбека в 1908 и 1909 гг.//ИВКИСВА, Сер. П. № 1. СПб., 1912. С. 76—93.

олтин медаль билан мукофотлади. Вяткин 1911 йилда ҳам расадхона ўрнида қазиишларини давом эттирди. Топилма фан учун шу қадар буюк эдики, В. Л. Вяткиннинг номи Шарқ Ренессанси деб аталган Улуғбек даврини ўрганиш фанига бир умр чамбарчас боғланиб қолди.

1913 йилнинг ўзидаги маҳаллий жаридалардан «Ойна»нинг ўзи Улуғбек расадхонаси топилмасига саккизта сониде мақола эълон қилди¹⁸. Бу ойномада В. Л. Вяткиннинг «Улуғбек расадхонаси» номи асаридан парчалар, иллюстрациялар, фотосуратлар ва чизмалар келтирилиб, қазув ишлари тўғрисида қизиқарли маълумотларни ёритиб турди. А. В. Арциховский Улуғбек расадхонаси ўрта асрлар даври фанининг охириги ютуқларини намойиш этишини, ҳали жаҳонда бундай мукамал илмий иморатни қазиб топиш ҳеч кимга насиб этмаганлигини айтиб ўтади. Бу дунё аҳамиятидаги топилма. Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганиш мактабини ташкил этиш ва ишларини тадқиқ этишга йўл очди.

Г. Ю. Остонова

¹⁸ Ойна. 1913. 2, 3, 5—9-сонлар.

ҲОЖИ ХАЛИФА УЛУҒБЕК ВА УНИНГ МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ ҲАҚИДА

Машҳур турк библиограф олим Хожид Халифанинг «Қашф аз-зунун» асари шарқ мутафаккирлари, жумладан Марказий Осиё олимларининг илмий мерослари ҳақида маълумот берувчи йирик манбалардан биридир. «Қашф аз-зунун»да Хожид Халифа мазкур мутафаккирлар яратган араб, форс ва туркий тиллардаги 14501 та китоб устида тўхталиб, уларга қисқача тавсифлар беради ва ўн мингга яқин мусулмон олимларининг исмларини зикр қилади. Улар орасида самарқандлик фан ва давлат арбоби Улуғбек ва унинг атрофида яшаб, ижод қилган алломаларининг илмий меросларига ҳам катта ўрин ажратилган. Албатта, Улуғбек ва унинг атрофидаги олимлар биринчи навбатда астрономия ва математика соҳасида муҳим изланишлар олиб борганлар. Шунинг учун ҳам биз «Қашф аз-зунун»да улар ҳақида келтирилган маълумотларини мазкур фанлар доираси билангина чегараладик.

Маълумки, Темурийларнинг фанга бўлган катта эътибори натижасида XIV—XV асрларга келиб Самарқанд ўша даврдаги энг йирик фан марказларидан бирига айланди. Хусусан, Улуғбек Самарқандга ҳукмдор бўлган даврда, у ерда илмий-маърифий ишлар кенг кўламда олиб борилди. Самарқандда мадраса, расадхоналар қурилиб, уларда илмий адабиётларда «Улуғбек мактабининг намояндалари» деб ном олган машҳур олимлар — Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчилар яшаб, ижод қилдилар.

«Қашф аз-зунун»да Хожид Халифа Улуғбекнинг асосий астрономик асари «Зиж» устида тўхталиб қуйидагиларни маълум қилади:

«Зижид Улуғбек» асарининг муаллифи Улуғбек Муҳаммад б. Шоҳруҳ б. Темурдир. У самовий жисмлар тўғрисидаги илмий ҳақиқатларни ва ҳақимий нозик тафсилотларни эгаллашда зўр ҳиммат қилди ва бу ишда унга илоҳий омад ёр бўлди. Бунда Улуғбекга унинг Қозизода Румий номи билан машҳур бўлган устози Салоҳиддин Муса ва Гиёсиддин Жамшидлар ёрдам беришди. Аммо, Гиёсиддин Жамшиднинг вафоти расадхонада ёритгичларни кузатишни бошлаш вақтига тўғри келиб қолди. Қозизода Румий эса бу ишларни якунламасдан вафот этади. Шунинг учун ҳам кузатишларни Али Қушчи зўр эътибор билан амалга оширди. Ёритгичлар устида расадхонада олиб борилган изланишлар Улуғбекнинг «Зиж» китобида ўз ифодасини топган¹.

Шундан сўнг, Хожид Халифа «Зиж»нинг тўртта мақоладан иборат эканлигини таъкидлаб, ҳар бир мақоланинг устида қисқача тўхталиб ўтади ва Улуғбекнинг бу китобини энг яхши ва тўғри зижлардандир деб баҳолайди.

«Қашф аз-зунун»да «Зижид Улуғбек»га Мирим Чалабий, Али Қушчилар шарҳ ёзганлари, Али б. Абу-л-Фатх Сўфий эса унинг қисқартирилган шаклини тайёрлагани, бу зиж араб тилига «Тазкират ал-фаҳим фи-амал ат-тақвим» яъни «Тақвимдан фойдаланишда оқилга эслатма» номи билан таржима қилинганлиги ва Абдурахмон Солиҳий деган шахс эса Улуғбекнинг зижид асосида ўзининг «ат-Тасхил» асарини ёзганлиги айтиб ўтилади. Хайриддин аз-Зириклининг машҳур «ал-А'лам» китобида юқоридаги Абдурахмон Солиҳий ҳақида қуйидагилар маълум қилинади. «Зайниддин Абдурахмон ас-Солиҳий ад-Димашқий ал-Жавҳарий — Дамашқнинг «ас-Солиҳий» минтақасидан чиққан математик бўлиб, у 1494 йилда оламдан ўтган. У Улуғбекнинг «Зижид» ва Ибн Шотирнинг бир қанча китоблари асосида ўзининг «ад-Дурр ан-назим фи тасхил ат-тақвим», яъни «Тақвимларни осонлаштиришдаги терилган дур» китобини ёзган. Китоб 198 варақдан иборат бўлиб, ҳозирги кунда аз-Заҳирийё хазинасида сақланипти².

¹ Flügel G. Haji Khalfa. Lexicon encyclopaedicum et bibliographicum. 1—7 vol. P. III. Leipzig—London, 1835—1858. 559-б. Бу асарни биз қисқартириб (Ҳ. Х. ... жилд ... бет) шаклида берамиз.

² аз-Зириклин Хайриддин. Ал-А'лам. Байрут, 1986. III жилд, 308-б.

Демак, аз-Зириклининг мана шу маълумотлари асосида, Ҳожи Халифа келтириб, Абдурахмон Солиҳий тарафидан ёзилган ва Улуғбекнинг «зижи» билан боғлиқ бўлган бир асарнинг тўлиқ номи, яъни «Тақримларни осонлаштиришдаги терилган дур» эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, фикримизча, Хайриддин аз-Зирикли мазкур асарнинг муаллифи бўлмиш Абдурахмон ас-Солиҳий ад-Дамашқий ал-Жавҳарийнинг фақатгина унинг биринчи нисбаси, яъни «ад-Дамашқий»дан келиб чиқиб, суриялик математик деб атаган. Шунини унутмаслик керакки, бу муаллифнинг иккинчи нисбаси ал-Жавҳарий бўлиб, уни ҳозирги Қозоғистоннинг «Гавҳартепа» деб аталмиш жойига алоқаси бўлиши мумкинлигидан ҳам далолат беради. Ва, ниҳоят, «Қашф аз-зунун»нинг Р. Флюгель нашри VI жилд 596 бетиде Улуғбекнинг «Зижи»га шу кунга қадар чомъалум бўлган Дарвиш Хужа Аббос Васим ат-Табиб исми муаллиф тарафидан туркий тилда шарҳ ёзилган дейилади. Шарҳнинг номи «Нажҳ ал-булуғ» («Етуклик йўли») ёки «Таърихи талифдор»лиги кўрсатилиб у 1746 йили яқунланганлиги таъкидланади. Улуғбекнинг «Зижи»га туркий тилда шарҳ ёзилганлиги шу вақтга қадар номъалум бўлиб, у ҳол фақат «Қашф аз-зунун»дагина эътироф этилади.

Самарқандда Улуғбек ҳузурда бўлган қилган йирик математик ва астрономларидан бири Жамшид Кошийдир. Коший Улуғбек расадхонасини қуришда фаол қатнашиб, у битказилгандан сўнг расадхонанинг биринчи раҳбарларидан бўлган.

«Қашф аз-зунун»да Кошийнинг саккизта асари келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. «Кошийнинг Шариф Журжоний билан бўлган баҳси» («Бахс Гийасаддин Жамшид ва ас-Саййид ал-Журжоний» (Ҳ. Х. II жилд 16-бет.). Бу китоб Коший асарлари рўйхатида аввал қайд қилинмаган. Номига қараганда, у астрономик бўлиши мумкин. Чунки, ҳар икки олим ҳам астрономия билан шугулланишган.

2. «Бир даражасининг синусини геометрик қондалар орқали аниқлашга бағишланган рисола» («Рисола фи истихраж жайб даража ваҳида 'ала қава'ид ҳандасийа») (Ҳ. Х. II жилд 16-бет). «Қашф аз-зунун»даги маълумотларга қараганда, бу рисола билан Коший кўпчиликл олимларини ҳайратга солган.

3. «Диаметрнинг айланага бўлган муносабати ҳақида рисола». («Рисола фи нисбат ал-қутр ила ал-муҳит»). (Ҳ. Х. III жилд, 449-бет). Бу рисола А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельдлар томонидан рус тилида нашр қилинган.

4. «Ватар ва синус, уларни маълум бўлган қавснинг учдан бир қисми учун келтириб чиқариш [аниқлаш]». («Рисола ал-ватар ва-л-жайиб ва истихражихима ли суле ал-қавс ал-маълума»). (Ҳ. Х. III жилд, 452-бет.). Бу ерда Ҳожи Халифа юқоридеги «Бир даражанинг синусини геометрик қондалар орқали аниқлашга бағишланган рисола»ни бир оз ўзгартирилган ном билан қайтадан тилга олади.

5. «Само нарвонлари». («Суллам ас-Само»). (Ҳ. Х. III жилд, 610-бет). Бу асарга Ҳожи Халифа тавсиф берад экан, уни «Самовий жисмларнинг ҳажми ва масофасини аниқлашда олдинги олимлар дуч келган қийинчиликлар ҳақида» дейди.

6. «Ҳисоб калити». («Мифтах ал-ҳисоб»). (Ҳ. Х. VI жилд, 12-бет). Бу асар Кошийнинг арифметика соҳасидаги энг муҳим ишларидан ҳисобланади. Баъзи маълумотларга қараганда, «Ҳисоб калити» бир печа аср давомида Шарқда ҳам, Фарбда ҳам асосий дарсликлардан бири бўлиб келган. Араб тадқиқотчиси Солиҳ Закийнинг сўзларига қараганда, «Кошийнинг бу асари шарҳ математиклари ёзган ишларнинг энг яхши мантиқий яқунларидандир». Ҳожи Халифанинг ўзи ҳам «Китобда Коший геометрик ишларининг энг юқори сирларига етиб, бир қанча арифметик қондалар яратган» деб баҳо беради. «Қашф аз-зунун»да кўрсатилишича асар Улуғбек учун ёзилган. «Ҳисоб калити» А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельдлар томонидан рус тилига таржима қилинган.

7. «Табак ал-манатиқ» деб номланган жиҳозни яратиш усуллари ҳақида бўстонлар қувончи («Нузха ал-хала'иқ фи кайфията сан'а ала ал-мусамма би табак ал-манатиқ») (Ҳ. Х. VI жилд, 324-бет). Асарда «Табак ал-манатиқ» деб аталмиш астрономик жиҳоз ҳақида фикр юритилади. Мазкур жиҳоз Коший томонидан Улуғбек расадхонасида ишлатиш учун қурилади. Ҳожи Халифанинг маълумотларига қараганда, «Табак ал-манатиқ» ёриткичларнинг ҳақиқий маконларини, уларнинг кенглик ва узунликларини ва бу ёриткичларнинг ергача бўлган масофаларини аниқлаш ҳамда Ой ва Қуёш тутилган вақтларда ишлатиш учун мўлжаллангандир. «Қашф аз-зунун»да таъкидланишича, Коший шу китобга «Лавҳат ал-иттисалат» деган бошқа бир астрономик жиҳоз ҳақидаги маълумотларни зайл, яъни қўшимча шаклда киритган. Модомки, шундай экан, фикримизча, бу зайлнинг Кошийнинг алоҳида асари деб ажратиш имконияти туғилади.

8. «Табак ал-манатиқ» деб номлаган жиҳозни яратиш усуллари ҳақида бўстонлар қувончи китобига [ёзилган] зайл («Илҳакат ан-Нузха...») (Ҳ. Х. VI жилд, 324-бет). Ҳожи Халифа бу зайл фақат ўн бўлимдан иборат эканлигини таъкидлаш билангина чегараланади.

Маълумки, Улуғбекнинг астроном сифатида шаклланишида катта таъсир кўрсатган энг машҳур устози Қозизода Румийдир. У Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда Туркиядан Самарқандга келган ва Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида муаллимлик қилган. Қозизоданинг талабалари орасида Улуғбекнинг ўзи ҳам унинг маърузаларини тинглаган. Ҳожи Халифанинг маълумотларига қараганда, Қозизода Румий Жамшид Коший билан бирга Самарқанд расадхонасини қуришда ва унда астрономик изланишлар олиб боришда фаол қатнашган.

«Кашф аз-зунун»да Коший расадхонада астрономик кузатишларни бошлашга қадар, Қозизода Румий эса бу кузатишларни яқунламасдан оламдан ўтади дейилади. Бу маълумот В. В. Бартольднинг «Румий расадхона қуриш ишларини ва астрономик жадвалларини ниҳоясига етказмасдан оламдан ўтган»³ деган фикрини биринчи қисмига эид келаяпти. Чунки, «Кашф аз-зунун»даги маълумотлардан Румий расадхона қуриш ва жиҳозлаш ишларини тугатиб, фақат у ерда бошланган астрономик кузатишларинигина яқунлай олмаган деган хулосага келиш мумкин.

«Кашф аз-зунун»да Қозизода Румийнинг аниқ фанларга онд фақат бешта асары тилга олинади:

1. «Шамсиддин Самарқандийнинг «Ашқал ат-таъсис» асарига шарҳ». «Шарҳ «Ашқал ат-таъсис» (Ҳ. Х. I жилд, 322-бет). «Кашф аз-зунун»нинг Г. Флюгель нашрида мазкур китоб ҳақида гапирлар экан, уни 1412 йилда вафот этган Қозизода Румий томонидан ёзилган дейилади. Қозизоданинг 1412 йилда вафот этган дейилишига ўз вақтида В. В. Бартольд Ҳожи Халифанинг хатоси деб баҳо берган эди⁴. Аммо, «Кашф аз-зунун»нинг Г. Флюгель, Булоқ ва Стамбул (1941—1943) нашрларини қиёслашимиз кўрсатадики, бу хато фақат китобнинг Г. Флюгель нашригагина хос бўлиб, қолган икки, яъни Булоқ ва Стамбул нашрларида 1412 йил бу шарҳни Қозизода Румий томонидан Самарқандда яқунланган йили деб баён қилинади. Бу маълумотлардан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки, «Кашф аз-зунун»нинг Г. Флюгель нашридаги Қозизода Румийнинг вафоти деб кўрсатилган 1412 йил В. В. Бартольд таъкидлаганидек, Ҳожи Халифанинг хатоси бўлмай, балки нашр муаллифи бўлмиш Г. Флюгелнинг ёки у фойдаланган қўлёзмадаги хато бўлиши ҳақиқатга яқинроқдир.

2. «Евклиднинг «Негизлар» китобига Насриддин Тусий тарафидан ёзилган таҳрирга ҳошийя» («Ҳошийя «Ала таҳрир Насири ли — «Ава'ил» Уқлидис») (Ҳ. Х. I жилд, 384-бет). Бу ерда Ҳожи Халифа Қозизода Евклид асарининг биринчидан еттинчигача (I—VII) бўлган китобларни шарҳлаган дейиш билан чегараланган.

3. «Чағминийнинг «ал-Мулаххас» асарига шарҳ». («Шарҳ ал-Мулаххас ли-л-Чағминий») (Ҳ. Х. VI жилд, 113-бет). «Кашф аз-зунун»даги маълумотларга қараганда, Қозизода Румий бу шарҳни ҳам 1412 йили Улуғбек учун ёзиб тугатган, кейинчалик эса унга Румийнинг шогирдларидан Фат ҳаллоҳ Шерноний ҳошийя тузган.

4. «Синус ҳақида рисола» («Рисала ал-жайб») (Ҳ. Х. III жилд, 387-бет).

5. «Синус квадрант ҳақида рисола». («Рисала фи ар-руб'и ал-мужиб») (Ҳ. Х. III жилд, 402-бет). Ҳожи Халифа бу икки рисолаи Қозизода Румийга тегишли эканлигини айтиб ўтади.

Жамшид Коший ва Қозизода Румийларнинг ишларини давом эттирган, уларнинг шогирдларидан бўлмиш олимлардан бири Али Қушчидир. У ўз даврининг йирик математик ва астрономларидан бўлиб, Коший ва Румийларнинг вафотидан сўнг Улуғбекнинг расадхонасидаги изланишларни зўр ҳиммат билан яқунига етказди ва «Зиж» китобини ёзишда Улуғбекка яқиндан ёрдам бериб турди

«Кашф аз-зунун»да Ҳожи Халифа Али Қушчининг ўн иккита асари ҳақида қисқача маълумотлар келтиради. Улардан баъзилари устида биз тўхталиб ўтмоқчимиз:

1. «Али Қушчининг Хўжа-зода билан бўлган баҳси» («Баҳс ал-Мавла 'Али Қушчи ва Хважа-зода») (Ҳ. Х. II жилд, 15-бет). Аз-Зириклининг маълумотига қараганда, Хўжа-зоданинг тўлиқ исми Муслихиддин б. Юсуф б. Солиҳ ал-Бурсавий бўлиб, у Али Қушчи хизмат қилган султон Муҳаммадхон Фотиҳнинг устози бўлган. «Кашф аз-зунун»да таъкидланишича, бу асарнинг биринчи боби — денгиз ва унинг оролларини узуланигини, иккинчи боби — денгиздан кўринадиган Константинополь масжидлари чўққиларининг миқёсларини аниқлаш, учинчи боби — Шариф Журжонийнинг эътирозлари ҳақида экан. Али Қушчининг асарлари рўйхатида мазкур китоб аввал учрамаган. Юқоридаги Хўжа-зоданинг исми ҳам Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги илмий адабиётида биринчи мартаба тилга олинаяпти.

2. «Шерозийнинг «Шоҳ тўхфаси» асарига Али Қушчининг ёзган шарҳи» («Шарҳ «ат-Тўхфа аш-шаҳийя» ли-л-Ширази») (Ҳ. Х. II жилд, 230-бет). Бу шарҳ ҳам Али Қушчининг асарлари рўйхатида аввал учрамаган.

3. «Ойнинг шаклларини аниқлаш ҳақида рисола» («Рисала фи ҳалл ашқал ал-Қамар») (Ҳ. Х. III жилд, 430-бет). Бу рисола «Кашф аз-зунун»нинг фақат Г. Флюгель тайёрлаган нашридагина бўлиб, Булоқ ва Стамбул (1941—1943) нашрларида зикр этилмаган.

4. «Йилларнинг мавзулари ҳақида рисола» («Рисала фи мавду'ат ал-'улум») (Ҳ. Х. III жилд, 447-бет). Ҳожи Халифа рисолаининг мазмуни ҳақида маълумот бермай, уни Али Қушчига тегишли эканлигини таъкидлаш билан чегараланган. Рисола Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги илмий адабиётидаги Али Қушчининг асарлари рўйхатида аввал учрамаган.

5. «Ҳисоб қаймоқлари» («Зубдат ал-хисаб») (Ҳ. Х. III жилд, 537-бет) «Кашф аз-зунун»да бу китоб қисқачагина қилиб Ала-ад-Динга тегишлидир деган ибора билан чегараланилган. Шунинг учун, фақат Али Қушчининг шу номдаги асари бўлганлигидан хабардор бўлган кишигина бу китобнинг муаллифи-«Ала ад-Дин»Али б. Муҳаммад ал-Қушчи эканлигини аниқлаб олиши мумкин.

³ Бартольд В. В. Соч. Т. 2. Ч. II. М., 1964. 136-бет.

⁴ Уша жойда.

6. Улуғбек «Зижига шарҳ» («Шарҳ «Зижиги Улуғбек») (Ҳ. Х. III жилд, 560-бет). Ҳожи Халифа Улуғбекнинг зижига шарҳ ёзган олимлар орасида Али Қушчининг номини ҳам тилга олади. Лекин, бу шарҳнинг тўлиқ номи келтирилмаган. Қизиқарлиси шуки, бу ерда Ҳожи Халифа Али Қушчини Жамшид Кошийнинг ўғли дейди. Албатта, бу Ҳожи Халифанинг қупол хатоларидандир.

«Қашф аз-зунун»да Ҳожи Халифа «Қонун-номаи Чину-хато» асари ҳақида гапирар экан шундай дейди: «Бу китоб йигирма бўлимдан иборат бўлиб, Султон Салим-хон учун баъзи бир тижоратчилар томонидан 1494/95 йили форс тилида ёзилган. «Қонун-нома»да айтилишича, Али Қушчи Улуғбекнинг рухсати билан Хитойга борган ва у ердаги таассуротларини ёзиб келтирган». «Қашф аз-зунун»даги мана шу мисралар ва унда Али Қушчининг номини тилга олиниши ўйлашимизча, бу китобни унинг асарлари рўйхатига киритилишига ва Али Қушчини Хитойга сафар қилган деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Али Қушчининг Хитойга сафар қилганлиги тўғрисидаги бошқа далилларни биз топа олмадик. Шунинг учун, юқоридаги «Қонун-нома» ёки «Хитой-нома»ни Али Қушчи асарлари рўйхатига нотўғри киритилган деб, уни рўйхатдан чиқаришни таклиф этар эканмиз, биз қуйидаги сабабларга асосланамиз:

Биринчидан: «Қашф аз-зунун»даги маълумотларга қараганда, «Қонун-номаи Чину-хато» 1494/95 йиллар ёзилган, ҳолбуки Али Қушчи 1474 йилда оламдан ўтган.

Иккинчидан: Ҳожи Халифанинг кўрсатишича бу асарнинг муаллифи баъзи бир тижоратчилар бўлган. Ва, учинчидан, И. Ю. Крачковскийнинг фикрича «Қонун-нома»—исми яхши маълум бўлмаган Али Акбар номли бир тижоратчи томонидан ёзилган.

«Қашф аз-зунун»да Улуғбек мактабининг бошқа олимлари, хусусан, Мирим Чалабий, Хусайн Биржандий, Фасихиддин Қўҳистонийлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бу ҳол Улуғбек ва унинг атрофидаги олимларнинг асарларини ўрта асрларда кенг тарқалиб маълум бўлганлигидан ва Ҳожи Халифанинг эса улар билан яхши таниш-лигидан далолат беради.

Шу билан бирга, «Қашф аз-зунун» асарида Улуғбек мактаби олимларининг бошқа илмий адабиётларда учрамаган баъзи жиҳатлари баён қилиниб, уларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини тўлдириш ва янги қирраларини очиш имкониятлари яратилади.

Б. Абдуҳалимов

КОММЕНТАРИЙ КАЗИ-ЗАДЕ РУМИ НА «КОМПЕНДИЙ АСТРОНОМИИ» ЧАГМИНИ

В эти дни, когда широко отмечается 600-летний юбилей великого Улуғбека, весьма своевременным представляется выход в свет книги ныне покойного чл.-кор. АН РУЗ П. Г. Булгакова, представляющей собой первый в мире перевод с арабского языка на русский комментарий Казизаде Руми на «Компендий астрономии» Чагмини (ум. ок. 1220 г.)— краткого итога развития теоретической астрономии на протяжении многих веков, от Птолемея до Улуғбека. Предисловие, перевод с арабского языка и примечания выполнены П. Г. Булгаковым, ответственный редактор — А. А. Ахмедов¹.

Комментарий Руми на «Компендий» Чагмини,— по-видимому, первый и наиболее значительный труд, написанный им в Самарканде. Впоследствии он обрел большую популярность на всем мусульманском Востоке.

«Комментарий» включает в себя весь «Компендий». Книга начинается с небольшого введения Казизаде. В нем, после традиционного восхваления Аллаха и его пророка Мухаммада, написанного изысканным стилем, с влечением коранического и астрономического материала, Казизаде сетует на то, что ко времени написания комментария исчезли «школы истинных наук и следы обучения, особенно в области математических доктрин», к которым относилась и астрономия. В целях развития интереса к этой науке он и решил написать свой комментарий на «Компендий» Чагмини — книгу, «ветры славы о которой разнеслись по всем краям, и принялись комментировать ее большие и достойнейшие ученые». После этого Руми переходит к восхвалению Улуғбека, который «возродил свежесть садов разума... и распространил повсюду своей прозорливой натурой все виды наук».

Затем Казизаде приступает к комментированию введения Чагмини, также начинающегося с восхваления Аллаха, пророка Мухаммада и его рода. Далее Чагмини вкратце характеризует свою книгу в целом и приводит данные о ее структуре. Книга состоит из предисловия и двух частей. Первая из них посвящена небесной сфере и светилам, вторая — Земле. Первая часть состоит из пяти глав. Первая глава — о формах и видах сфер; вторая — о движениях небесных сфер; третья — о кругах, рассматриваемых в астрономии; четвертая — о дугах; пятая — о движениях Солнца, Луны и пяти планет.

